



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
АКАДЕМИЯСИ

№1 (49) 2022

# АХБОРОТНОМАСИ

Et docere et discere servitute legis

## ЎЗБЕКИСТОН ПРОКУРАТУРАСИ



*30*

МАХСУС СОН **2022**

СПЕЦЫПУСК  
SPECIAL ISSUE

[www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)  
ISSN 2181-9564

ЖУРНАЛ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ  
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ 2013 ЙИЛ 30 ДЕКАБРДАГИ 201/3 - СОНЛИ  
ҚАРОРИ БИЛАН ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН





## МУАССИС:

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ АКАДЕМИЯСИ

#### Бош муҳаррир:

Евгений Коленко

#### Масъул котиб:

Санобар Мансурова

#### Таҳрир ҳайъати:

Баҳриддин Валиев  
Дилшод Рахимов  
Акмал Саидов  
Раҳим Ҳақимов  
Халим Болтаев  
Рустам Гафуров  
Патрик Олссон  
Итиҳаши Катсуя  
Рустам Уринбоев  
Аброр Отажонов  
Мирақбар Раҳмонкулов  
Бахтияр Пўлатов  
Фаҳри Раҳимов  
Музаффар Мамасидиқов  
Комил Синдоров

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580-сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинди, 2018 йил 13 июнда қайта рўйхатдан ўтган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг (2013 йил 30 декабрь 201/3-сонли) 2018 йил 30 майдаги 253/7-сонли Қарори билан диссертациялар асосий илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига юридик фанлар бўйича киритилган.

Муаллиф фикри таҳририят нўқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятларини олмаган.

#### Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси 42-уй.  
веб-сайт: www.proacademy.uz  
e-mail: info@proacademy.uz  
Саҳифаловчи:

#### Сарварбек БАБАЖАНОВ

Буюртма № \_\_\_ Адади 500  
Журнал «ECO TEXTILE PRODUKT»  
МЧЖда чоп этилди.

#### БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:

100115, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани,  
Чилонзор 23-даҳа 47-а уй.

## МУНДАРИЖА

Н.ЙЎЛДОШЕВ	Янги Ўзбекистон прокуратураси: ислоҳотларнинг дастлабки самаралари	3
М.РУСТАМБАЕВ	Жамоат хавфсизлигини таъминлаш устидан прокурор назоратининг предмети ва вазифалари	8
А.САИДОВ	Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ўрни	14
Ф.ОТАХОНОВ	Прокуратуранинг конституциявий мақоми ва қонунийликни таъминлашдаги роли	18
Е.КОЛЕНКО	Деятельность прокуратуры Республики Узбекистан в сфере противодействия коррупции	23
Ҳ.ИСОҚОВ	Суд ҳамда прокуратура илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугуни ва истиқболи	28
Р.ХАТАМОВ	Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг прокуратура органлари билан ҳамкорлиги: натижа ва истиқбол	32
Б.ПЎЛАТОВ	Прокуратура органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва илмий фаолият тизимининг такомиллашуви	37
Ф.РАХИМОВ	Янги Ўзбекистон шароитида прокуратура органларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ташаббуси	43
И.ДЖАСИМОВ	Қонун устуворлигини таъминлаш прокуратуранинг муқаддас бурчидир	47
А.МАХМУДОВ	Прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва мустақиллиги асослари	50
Х.МАМАТОВ	Прокуратура органлари – қонун устуворлигининг кафолати, халқ манфаатларининг ҳимоячиси	54
М.МАМАСИДДИҚОВ	Прокурорнинг фуқаролик процессида иштироки: ҳолати, зарурати ва такомиллаштириш масалалари	57
У.НИГМАДЖАНОВ	Институциональное и правовое развитие прокуратуры в вопросах возврата активов (на примере Бельгии, Дании и Нидерландов)	63
В.КАРИМОВ	Прокуратура органлари ходимларини тайёрлашда тезкор-қидирув фаолияти фани вазифалари ва аҳамияти	68
Р.ГАФУРОВ	Вопросы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды	72
М.БОБОЕВ	Прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари	77
А.АКИЛОВ	Совершенствование конституционных основ деятельности органов прокуратуры	83
Д.ДОВУДОВА	Судларда жиноят ишларини юриштида прокурор ваколатининг ривожланиш босқичлари ва “давлат айбловчиси” тушунчасининг пайдо бўлиши	86



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ПРОКУРАТУРАСИ: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ САМАРАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада сўнги йилларда мамлакатимизда, шу жумладан, прокуратура органлари тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ва уларнинг дастлабки натижалари батафсил баён қилинган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье подробно описаны масштабные реформы, осуществляемые за последние годы в нашей стране, в том числе в системе органов прокуратуры, а также их предварительные итоги.

**ABSTRACT.** The article describes the large-scale reforms carried out in our country in recent years, including in the system of the prosecutor's office, and their preliminary results.

**Калит сўзлар:** инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат манфаатлари, қонун устуворлиги, "Е-материал" электрон тизими, фуқаролар муурожаатлари, халқаро ҳамкорлик, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари".

**Ключевые слова:** права и свободы человека, интересы государства, верховенство закона, электронная система «Е-материал», обращения граждан, международное сотрудничество, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари».

**Keywords:** human rights and liberty, state interests, rule of law, "E-material" electronic system, citizens' appeals, international cooperation, "Temir daftar", "Ayollar daftari".

Асрлар давомида озод, эркин, фаровон ҳаёт, адолатли жамиятда яшаш халқимизнинг орзуси, хоҳиш-истаги бўлиб келди. Бу орзу рўёби йўлида элимиз мислсиз машаққатларни бошидан ўтказди, курашларда тобланди, синовларни енгди. Бинобарин, мамлакатимиз ва халқимизнинг ўтмиши айнан ана шу курашлар ва синовлар тарихидан иборатдир.

Бироқ мустамлакачилик даврида бундай шонли тарихни чуқур ўрганиш, холис талқин қилиш, шу тарихқа элимизнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини тараннум этиш имконияти чекланган эди.

Ваҳоланки, нафақат юртимиз ва давлатимиз, балки ватанимизнинг ҳар бир ҳудуди, соҳа ва тармоқлари шу қадар бой ўтмишга, ноёб анъаналарга эгаки, уларнинг ҳар бири тўғрисида залворли китоблар ёзиш мумкин.

Хусусан, Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев асос солган тараққиётимизнинг янги босқичида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг, давлат манфаатларининг том маънодаги ҳимоячисига, қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашнинг муҳим воситасига айланиб бораётган прокуратура тизимининг ҳам узоқ йиллик тарихи, бугунги қизғин ҳамда кенг қўламли фаолиятининг ўзига хос ривожланиш босқичлари бор.

Илк маротаба мустақил давлатнинг прокуратураси сифатида эътироф этилган ва бу мақоми қонуний тарзда мустаҳкамланганига 30 йил бўлган тизимимиз миллий давлатчилигимизнинг олис тарихи билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

Тарихдан маълум, давлатчилик пайдо бўлибдики, тартибга солувчи қонун-қоидалар, барча учун

мажбурий бўлган нормалар яратилган, албатта, уларнинг ижроси ҳам қайсидир даражада назорат қилиб келинган.

Тарихчи мутахассисларнинг қайд этишича, ислом ҳуқуқида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш билан шуғулланувчи алоҳида тузилма (мансабдор шахс) фаолияти йўлга қўйилиб, у муҳтасиб деб юритилган.

Табиийки, муқаддас ислом динининг кириб келиши билан юртимизда ҳам бундай назорат тизими жорий қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида қонунлар – тўра-тузуклар ижроси юзасидан таъсирчан ва қатъий назорат ўрнатилганини эса ортиқча изоҳлашга ҳожат йўқ.

Юртимиз ҳудудида мавжуд бўлган амирлик ва хонликларда, Чор Россияси истилосидаги Туркистонда бугунги прокуратура органлари функцияларини бажарган тузилмалар, масъул лавозимлардаги мансабдорлар фаолият олиб боргани ҳам маълум.

Албатта, мамлакатимиз ҳудудида исломдан олдинги даврларда ҳам қудратли давлатлар мавжуд бўлганини инобатга олсак, тегишли жамиятлардаги қонун-қоидалар ижроси юзасидан назорат олиб борувчи институтлар ҳам бўлган ва фикримизча, булар тарихчиларимиз, ҳуқуқшунос олимларимиз учун алоҳида тадқиқот мавзуларидир.

Таъкидлаш керак, собиқ шўролар давридаги прокуратура органларининг фаолияти ҳам ўзига хосликларга эга. Бу даврда яққаҳоким партия мақсадларига, ҳукмрон мафкура ақидаларига



бўйсундирилган тизимда муайян камчиликлар, адолатсизликлар, ноҳолислик бўлгани табиий ва бу ҳам тарихнинг аччиқ сабоғидир.

Энг муҳими, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, **истиқлол йилларида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлида тарихий ишлар амалга оширилди, мард ва олийжаноб халқимизнинг букилмас иродаси ва улкан салоҳияти билан катта марралар забт этилди.**

Айни пайтда мустақил тараққиёт даврида эришилган ютуқлар қаторида йўл қўйилган айрим хато ва камчиликлар бугунги ҳаёт, мавжуд воқелик ҳамда эл-юртимизнинг эртанги тақдири тақозо қиладиган объектив зарурат – Янги Ўзбекистонни барпо этиш вазифасини давлатимиз ва халқимизнинг олдига қўйди.

Бинобарин, нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилаётганидек, Ўзбекистонни тамомила ўзгартирган тараққиётнинг янги босқичига Президентимиз томонидан бундан қарийб беш йил аввал асос солинди.

Бу давр аввало инсон қадру қимматини жойига қўйиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш сари узоқ кутилган қадамларнинг ташлангани билан ҳам аҳамиятлидир.

Энди жамиятдаги, қолаверса, ҳар бир соҳа, тармоқ ва ҳудуддаги ҳар қандай муаммо ҳақида очиқ гапириш, унинг ечими юзасидан таклиф ва ташаббусларни илгари суриш мумкин. Энг муҳими, фуқаро ўз талабларини давлатнинг масъул тузилмалари ва мансабдорлари олдига қатъий қўйиши одатий ҳолга айланди.

**Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак** деган тамойил жамиятдаги устувор қоидалардан бири сифатида белгиланди. Давлат органларининг фаолиятида халқ билан мулоқот энг асосий мезон бўлиб қолди.

Бошланган кенг кўламли ислохотлар қисқа муддатда ўз самараларини ҳам бера бошлади. Асосийси, илгари ҳал этиш имконсиздек туюлган, ҳатто одамлар кўникиб ҳам қолган, тўғрироғи, бартараф этилишидан умидлар узилган муаммолар ечилмоқда.

Нуфузли экспертлар ва кенг жамоатчиликнинг яқдил хулосасига кўра Ўзбекистон янги даврдаги Ҳаракатлар стратегияси асосида узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган қатор долзарб масалаларни ҳал этишга муваффақ бўлди.

Хусусан, **суд-ҳуқуқ соҳасида қисқа муддатда амалга оширилган ислохотлар нафақат тизим вакиллари, балки жамият учун ҳам оғриқли**

**нуқталарга айланган муаммоли масалаларни ҳал қилиш имконини берди.**

Шуни мамнуният билан қайд этиш ўринлики, давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари, тизими-мизга бўлган эътиборлари туфайли **прокуратура органларининг бутун қиёфаси ҳам кейинги йилларда тубдан ўзгарди.**

Энг муҳим жиҳат шундаки, прокуратурани том маънодаги Халқ прокуратурасига айлантириш бўйича кўрилаётган чоралар самараси ўлароқ узоқ йиллар давомида одамларда жазоловчи орган сифатида тасаввур уйғотиб келган тизим энди уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ўз навбатида, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, мамлакатда қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашга ҳисса қўшувчи тузилмага айланмоқда.

Албатта, бунинг учун қисқа муддатда ўзига яраша мураккаб ва масъулиятли йўлни босиб ўтишга тўғри келди.

**Биринчидан**, сўнги беш йилда прокуратура фаолиятига оид 20 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилиниб, идорамиз фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Айниқса, тегишли Қонунга мувофиқ 2017 йилдан бошлаб 8 январнинг прокуратура органлари ходимлари куни сифатида белгиланиши барча ходимларимиз, жумладан фахрийларимиз қалбидаги орзу-умидларни рўёбга чиқарди.

2017 йилда Бош прокуратура ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилгани ҳам фаолиятимизда яна бир янгилик бўлди. Бугунга келиб, Бюро фаолиятига, суд ҳужжатларининг ижроси жараёнига ҳар қандай аралашувлар қатъий тақиқланди. Соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, ижро фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида республика ва ҳудудий кенгашлар ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди.

Кўрилган чоралар натижасида суд ҳужжатлари ижроси бўйича тўпланиб қолган қатор долзарб масалалар ҳал этилди, алимент олувчилар ва тўловчиларнинг тўлиқ реестри шакллантирилиб, қарздорларнинг қарийб 40 минг нафари ишга жойлаштирилди.

Бош прокуратура тузилмасида Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ривожлантиришда қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Зеро, прокуратура органларининг ташаббуси билан ғоят қисқа муддатда мазкур туманда 16 млрд сўмлик 30 та объект ишга туширилди.

Прокуратура ходимларини ўқитиш ва касб малакасини ошириш тизими ҳам тубдан



такомиллаштирилди. Бу борада Бош прокуратура Академияси ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугун Академия дунёдаги 60 га яқин нуфузли ташкилот билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиб, ўқитишни мутлақо янгича тизим асосида, назария ва амалиётни уйғунлаштирган ҳолда амалга оширмоқда. Сўнгги 5 йилда Академияда ҳуқуқ-тартибот идораларининг қарийб 15 минг нафар ходими ўз малакасини оширди.

**Иккинчидан**, судларда фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш масалаларида ҳам катта ўзгаришлар бўлди.

Айниқса, жиноят судларида прокурорлар иштирокининг самарадорлиги ошди. Судлар томонидан охириги беш йилда прокурорларнинг протестларига асосан қарийб 400 нафардан зиёд шахс оқланди.

Терговга қадар текширув ва тергов институти ҳам ислоҳ қилинди. Биргина суриштирув институтининг жорий этилгани 49 мингта жиноят ишини қисқа муддатда ва содда шаклда тамомлаш имконини берди.

Терговга фақат айблов нуқтаи назаридан қарашдек ўзини оқламаган ўта салбий амалиётга барҳам берилди. Натижада сўнгги 5 йилда 30 мингдан ортиқ жиноят иши судгача бормасдан терговнинг ўзида тугатилди. Тергов ва тезкор фаолиятда шахсни таҳқирлаш, қийноқларнинг олдини олиш бўйича кескин чоралар кўрилмоқда.

Шунингдек, терговга қадар текширув устидан самарали назорат ўрнатиш имконини берувчи “Е-материал” электрон тизими ҳам ишга туширилди. Мазкур тизимга терговга қадар текширувни амалга оширувчи 12 та орган тўлиқ интеграция қилинди.

Жиноятларнинг олдини олиш, содир этилганларини муқаррар фош этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Натижада ўтган йили жиноятларни аниқлаш кўрсаткичи олдинги йилларга нисбатан кескин ортиб, қарийб 20 мингтани ташкил қилди.

Давлатимиз раҳбарининг суд-тергов фаолиятига доир алоҳида фармони асосида 10 га яқин қонун ҳужжати тайёрланиб, амалиётга жорий қилинди. Жиноят процессида айбга иқдорлик тўғрисида келишув, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, дастлабки эшитув каби инсон ҳуқуқлари ҳимоясини мустаҳкамлашга доир институтлар амалга киритилди.

Яна бир долзарб масала – коррупцияга қарши курашиш борасида бошқа идоралар билан ҳамкорликда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бош прокуратура капитал қурилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат харидлари соҳаларида

“Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш ишларида фаол иштирок этмоқда.

БМТ Тараққиёт дастури лойиҳаси билан ҳамкорликда Қурилиш, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Мирзо Улуғбек ва Бўка туманлари ҳокимликлари ҳамда “Ўзбекнефтгаз” ва “Ўзкимёсаноат” компанияларида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат тизимини босқичма-босқич жорий этиш ишлари олиб борилмоқда.

**Учинчидан, қишлоқ хўжалигида қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятимиз кучайтирилди.** Бу борада Президентимиз қарори билан соҳага масъул Бош прокурор ўринбосари, вилоят прокурори ўринбосари лавозимлари жорий этилгани, 145 та штат бирлиги ажратилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сир эмас, мамлакатимизнинг тараққиёти, халқимизнинг тўқис ва фаровон ҳаёти экин майдонларидан оқилона фойдаланишга чамбарчас боғлиқдир. Шу боис, экин майдонларидаги минглаб ноқонуний қурилишлар бартараф этилди, 14 минг гектар ер давлат захирасига қайтарилди, 382,3 минг гектар ер майдонини ажратиш тўғрисидаги қонунга зид қарорлар бекор қилинди.

**Тўртинчидан**, кейинги пайтларда хорижий ҳамкасбларимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Биргина мисол, ўтган йили Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилмаларига Ўзбекистоннинг раислиги доирасида аъзо давлатлар Бош прокурорлари Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг расмий йиғилишлари Ўзбекистон раислигида юқори савияда ўтказилиб, долзарб масалалар дўстона муҳокама қилинди ва 15 та халқаро-ҳуқуқий ҳужжат имзоланди.

**Бешинчидан**, прокуратура органлари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ишлари ҳам янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда прокуратура органларида иш юритиш тўлиқ электрон шаклда амалга оширилмоқда. Барча ҳудудлар прокуратуралари билан онлайн мулоқот ўтказиш имкониятлари кенгайтирилди.

**Олтинчидан**, прокуратура тарихида илк бор Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги келишувлар имзоланди.

Маълумки, бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш ва гендер тенгликни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шу боис, Бош прокурор ўринбосари раҳбарлигида мазкур масалалар билан бевосита шуғулланувчи алоҳида комиссия фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда



тизимимизда тезкор ходим сифатида фаолият юритаётган аёллар сони қарийб 300 нафарга етди.

2018 йилда Бош прокуратура ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши ташкил этилгани эса фаолиятимиз устидан жамоатчилик назоратини тўлиқ таъминлашда муҳим восита бўлмоқда.

**Еттинчидан**, бундан 5 йил олдин деярли **ёпиқ идора бўлган прокуратура фаолиятига бугун ошкоралик хосдир**, халққа амалда ҳисобот бериш тизими йўлга қўйилгани эса том маънода инқилобий ҳодисадир.

Зотан, ҳозирда прокурорлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз фаолияти ҳақида мунтазам ҳисобот бермоқда, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали ҳар куни тезкор ахборот ва маълумотлар кенг жамоатчиликка тақдим этилмоқда.

Прокуратурада **мурожаатлар** билан ишлаш тизими тубдан такомиллаштирилди. Бош прокуратурада мурожаатларни **узлуксиз** қабул қилувчи марказ фаолияти йўлга қўйилди, жойларда сайёр қабуллар ташкил этиш доимий амалиётга айланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан ҳаммамизга қўйилган асосий талаб – **одамларни тушуниш, уларнинг қувончу ташвишлари билан яшаш, ён-атрофдаги вазиятга оддий халқнинг кўзи билан қараш ва баҳо бериш, элулусдан ажралиб қолмаслик кераклиги** ҳақидаги қатъий даъватга муносиблик прокурорлар учун ҳам асосий мезондир.

Давлат органларини халққа яқинлаштириш мақсадида жорий этилган **секторлар фаолияти** бу йўлда муҳим восита бўлмоқда.

Хусусан, сўнгги 5 йилда биргина прокурор секторларида йиллар давомида тўпланиб қолган ва аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган 195 мингдан зиёд муаммо халқ билан мулоқот асосида аниқланди ва бартараф этилди.

Айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига манзилли ёрдам кўрсатиш натижаларининг салмоғини ҳеч қайси давр билан солиштириб бўлмайди.

Зотан, прокурорлар секторларидаги “Темир дафтар”га киритилган оилаларнинг ўзига 3 мингдан ортиқ иссиқхона қуриб берилди, 165 минг нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди, қарийб 20 млрд сўмлик бошқа кўринишдаги ёрдамлар кўрсатилди.

“Ёшлар дафтари”га ва “Аёллар дафтари”га киритилган 76 минг нафар фуқаро ҳам ишга жойлаштирилди, қарийб 14 минг ёшларга кредит олиб берилди, 55 минг нафарига ер ажратилиши таъминланди.

Давлат-хусусий шерикчилик асосида, шунингдек

бошқа манбалар ҳисобидан мактабгача таълим муассасалари барпо этилди, **мавжудлари** таъмирдан чиқарилди.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда **“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижроси** доирасида прокуратура органлари ҳам ҳисса қўшмоқда.

Маълумки, коронавирус пандемияси туфайли бутун дунёда юзага келган мураккаб шароитда давлатимизнинг пухта ўйланган ва оқилона сиёсати унинг мудҳиш оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга хизмат қилмоқда.

Прокуратура органларининг ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этаётгани қувонарлидир.

Тажрибамизда бирор марта дуч келинмаган бундай вазиятда зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифаларни муносиб адо этиш, хусусан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон билан узлуксиз таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш бўйича тизимли чоралар кўрилди.

**Иқтисодий соҳадаги назорат фаолиятимизда асосий эътибор тадбиркорликни ривожлантириш, экспортни кенгайтириш, хорижий инвестицияларни жалб қилишда юзага келган муаммолар ечимига кўмаклашишга қаратилмоқда.**

Хусусан, кейинги уч йилда 5200 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 23 мингдан зиёд тадбиркорга, жумладан 2300 дан ортиқ экспортёрга муаммоларини ҳал қилишда кўмаклашилди.

Прокурорлар ёрдами билан қарийб 15 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, фаолияти тўхтаб қолган 20 мингга яқин корхона тикланди, натижада 50 мингта янги иш ўрни яратилди.

Тадбиркор ҳуқуқини бузиш билан боғлиқ 17 400 га яқин ҳолат аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди, қарийб 40 минг нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шуниси муҳимки, прокурорларнинг қонунларнинг аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан назорат фаолиятига ёндашув тубдан ўзгарди.

Илгари бу идора фаолиятида **қонун бузилиши ҳолатларини** аниқлаш ва жазолашга аҳамият берилган бўлса, сўнгги йилларда ҳар бир соҳада уларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш устувор вазифага айланди.

Жумладан, назорат тадбирлари ва таҳлиллар натижасида аниқланган муаммолар ва қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида 320 га яқин қонун ҳужжати лойиҳалари ишлаб чиқилиб, 200 дан ортиғи амалиётга ҳам жорий этилди.

Умуман олганда, сўнгги 5 йилда ўтказилган



назорат тадбирлари натижасида 413 мингдан зиёд фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қонунга зид бўлган 32 мингдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжат прокурор протестлари асосида бекор қилинди. Қарийб 54 мингтаси эса қонунга мувофиқлаштирилди.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти** томонидан яширин иқтисодиётга чек қўйиш чоралари кўрилиб, кейинги **беш йилда қарийб 15 минг та** субъектнинг фаолияти қонунийлаштирилди, **35,5 мингдан зиёд** фуқарога тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, мингдан ортиқ яширин цех фаолияти фош этилди, ноқонуний муомаладаги миллионлаб валюта қимматликлари олиб қўйилди.

Ўнлаб йирик жиноий схемалар айнан Депар-

таментнинг тезкор фаолияти натижасида фош этилиб, давлат манфаатларига етказилган миллиардлаб зарар қопланди ва уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди.

Албатта, қилинган ишлар борасида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Зотан, Конституция ва қонунларимиз билан прокуратура органларига берилган ваколатлар, улар зиммасига юклатилган мажбуриятлар кўлами жуда кенг.

Хулоса сифатида Президентимизнинг қуйидаги ҳаётий ва умидбахш сўзларини келтиришни ўринли деб биламиз: **"...Биз энг қийин босқичдан ўтдик, яъни, йўлимизни аниқ белгилаб, катта ишларни бошладик. Энди ҳамма гап ислоҳотлар йўлини қатъият билан давом эттириш ва мантиқий якунига етказишда. Бу албатта осон эмас, аммо биз бунга қодирмиз"**.

.....  
#  
.....



Мирзаюсуп РУСТАМБАЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги  
университети бошлиғи

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги прокурор назоратининг предмети, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашда прокуратура органларининг вазифалари таҳлил қилинган ва тегишли таклифлар шакллантирилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье осуществлен анализ предмета прокурорского надзора за обеспечением общественной безопасности, рассмотрены задачи органов прокуратуры по осуществлению надзора за обеспечением правопорядка, охраны прав и свобод личности, предупреждение и предотвращение правонарушений.

**ABSTRACT.** The article analyzes the subject of the prosecutor's supervision over the public safety, considers the tasks of the prosecutor's office to perform a supervisory function over ensuring law and order, protecting the rights and freedoms of the individuals, offenses warning and preventing.

**Калит сўзлар:** прокурор назорати, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқ-тартибот, инсон ҳуқуқи, ҳуқуқбузарлик, прокуратура, жамоат тартиби, қонун, протест, қарор, тақдимнома, ариза, огоҳлантирув.

**Ключевые слова:** прокурорский надзор, общественная безопасность, правопорядок, права человека, правонарушение, прокуратура, общественный порядок, закон, протест, постановление, представление, заявление, предупреждение.

**Keywords:** prosecutor's supervision, public safety, law and order, human rights, offense, prosecutor's office, public order, law, protest, resolution, presentation, statement, warning.

Жамиятда қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилишнинг мураккаб давлат механизми тизимида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорларга мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Бу эса давлат суверенитетини, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, терроризм, экстремизм, наркобизнесга қарши курашиш, инсон ҳуқуқини турли тажовузлардан ҳимоя қилиш ва ушбу хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича прокуратура органлари олдидаги долзарб вазифаларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланади.

Ўтган йиллар давомида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир бўлган кўламли ва самарали ишлар амалга оширилиши жараёнида “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Миллий гвардия тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги,

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунлар ва бошқа кўплаб ҳужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш мақсадларини кўзлайди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисидаги “...бугунги



кунда биз “Хавфсиз шаҳар – хавфсиз мамлакат” концепцияси асосида юртимизда жамоат тартибини таъминлашга қаратилган катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Шу муносабат билан мана шу янги тузилма, яъни, Миллий гвардия ташкил этилди. Энди бундан буён ҳар бир шаҳар ва вилоятда хавфсиз ҳудуд лойиҳасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш учун Ички ишлар вазирлиги билан бирга Миллий гвардия масъул ва жавобгар этиб белгиланади” деган сўзлари бугунги кунда дастуриламал ва стратегик вазифага айланди.

Зеро, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти бўйича чора-тадбирларнинг самарали амалга оширилиши, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилиши орқали Олий бош қўмондон томонидан белгилаб берилган вазифалар ижро этилишига эришиш мумкин. Шу билан бирга, мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш масаласи республиканинг ҳар бир ҳудуди, вилоят, туман, қишлоқ, овул ва маҳалла даражасида уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жамоат хавфсизлигини таъминлашга яқка тартибдаги ёндашув асосида амалга оширилиши лозим.<sup>2</sup>

Таъкидлаш жоизки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармонида жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилганлиги эътироф этилди<sup>3</sup>.

Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, қуйидагилардан иборатлиги белгиланди:

ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва унга чек

қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш;

ижтимоий инфратузилманинг, шу жумладан туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш;

транспорт инфратузилмасини, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш;

жиноят содир этишга мойил, маъмурий ва пробаця назоратига олинган ҳамда ёт бўлган ғоялар таъсирига тушиб адашган шахсларнинг ижтимоийлашуви, шу жумладан уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик;

аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнгин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг асосий вазифаларидан бири – жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашишдан иборатдир. Ушбу вазифани бажариш доирасида ички ишлар органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда комплекс тадбирлар ташкил этилиб, амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда, “Хавфсиз шаҳар” концепцияси доирасида Тошкент ва Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида, шунингдек республиканинг йирик шаҳарларида сутка давомида узлуксиз уч сменали патруллик хизмати ташкил этилган.

Ички ишлар органлари ходимлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва жамоатчилик вакиллари билан иборат бўлган ҳамкорликдаги патрул нарядлари ҳамда Миллий гвардия бўлинмалари томонидан хиёбонлар, майдонлар, маданият ва истироҳат боғлари, савдо-кўнгилочар мажмуалар, гипермаркетлар, супермаркетлар, тижорат бозорлари ҳамда бошқа фуқаролар

2 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й, 07/19/4551/4162;

3 Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 1-сон, 2-модда;



гавжум бўладиган жойларда Миллий гвардиянинг мустақил равишдаги патруль нарядлари ташкил этилиб, ушбу ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш мақсадида хизматни олиб бормоқдалар.

Ҳамкорликда ва мустақил равишдаги патруль нарядлари жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини амалга оширишдан ташқари зарурат туғилганида фуқароларга амалий кўмак кўрсатиб келмоқдалар.

Ҳозирги кунда Миллий гвардия ва ички ишлар органлари бўлинмалари томонидан республика ҳудудида 1 195 та (615 та мустақил ва 580 та ҳамкорликдаги йўналишлар) патруль йўналишлари (632 та пиёда, 533 та автомобиль, 30 тадан отлик ва мотоскутерли) ташкил этилган. Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун 3 881 нафар шахсий таркиб, 2 371 нафар ҳарбий хизматчи ва 1 510 нафар Қўриқлаш хизмати ходими жалб қилинган.<sup>4</sup>

Патруллик қилишдан ташқари, Миллий гвардия кучлари Тошкент шаҳрида ва вилоятлар марказларида ўтказиладиган оммавий, маданий ва спорт тадбирлари давомида жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлайди.

Айни пайтда Миллий гвардия ва ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорлиги ва Миллий гвардиянинг мустақил равишдаги фаолияти ўз самарасини бериб келмоқда.

Прокуратура Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлаштирилган тизим бўлиб, у бугунги кунда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат органларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш ўринлики, прокуратура бошқа ваколатли давлат органларининг функциясини такрорламайди, балки унинг асосий функциялари юқорида таъкидланган органлар ваколати тугаган жойда бошланади. Прокуратура органларининг ваколатлари асосан давлат хавфсизлиги, коррупция, инсон соғлиғи ва ҳаётига хавф солувчи турли хавфли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилади. Ҳар йили прокуратура органлари томонидан жамият ҳаётида содир этиладиган жиноятлар бўйича юзлаб маъмурий ва жиноят ишлари қўзғатилади. прокурорларнинг протестларига асосан бошқа давлат органлари, корхона, ташкилот, муассасаларнинг ноқонуний қарорлари бекор

қилинади.

Маълумки, жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш – прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий тартибот – бу ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ нормаларида белгиланган қоидаларга тўла ва аниқ риоя қилишлари натижасида ўрнатиладиган ижтимоий муносабатлар тизимидир. Ҳуқуқ, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот – давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳуқуқий тартиботнинг асосий хусусиятлари бўлиб унинг ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилганлиги; ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш натижасида юзага келиши; давлат томонидан таъминланиши; инсонларнинг янада эркин бўлишлари ҳамда ижтимоий муносабатларни ташкилий жиҳатдан юзага келиши ва амалда бўлиши учун шарт-шароит яратиши; қонунийликнинг натижаси сифатида юзага чиқиши ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан таъминланадиган ҳуқуқ-тартиботни қонун ва қонуности ҳужжатларининг амал қилиниши, фойдаланилиши, қўлланилиш жараёни, қонунийликнинг реал ижтимоий муносабатларга татбиқ этилиши натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Ҳуқуқий тартибот – бу давлат ҳокимияти интилаётган юридик мақсад, намунадир. Ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий нормаларни қўллаш натижасида ижтимоий муносабатларнинг тартибга солинганлигини ўзида ифодалайди. Ушбу тартибот қонунларнинг аниқ амалга оширилиши воситасида ўрнатилади.

Ҳуқуқий тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар етакчи ўринни эгаллайди. Суд, прокуратура, Миллий гвардия ва ички ишлар органлари ўзларининг кундалик фаолиятида жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган вазифаларни амалга оширадilar ва шу йўл билан жамиятда ҳуқуқий тартибот ўрнатадилар.

Шундай қилиб, ҳуқуқий тартибот – бу давлатнинг ваколатлари билан қўллаб-қувватланадиган, юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, жамиятнинг ҳаётий фаолияти ташкил этилиши натижасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинганлиги ва мустаҳкамланганлигидир. Ҳуқуқий тартибот давлат томонидан ўрнатиладиган ва ҳуқуқ билан қўллаб-қувватланадиган ижтимоий тартибнинг бир қисмидир.

Ҳуқуқ-тартиботнинг барқарор ва реаллиги кафили давлат бўлиб, у ўз нуфузи ҳамда мажбурлов

4 <https://www.milliygvardiya.uz/uz/menu/ohrana-obschestvennogo-poryadka>.



чоралари билан ҳуқуқ-тартибот талабларига риоя этилишини таъминлайди. Ҳуқуқ-тартибот тартибга солинадиган, давлат томонидан бошқариладиган фаол ривожланаётган ҳуқуқий муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида фуқаролар ва бошқа ҳуқуқ субъектларининг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари амалга оширилади, шунингдек, уларга юкланган ҳуқуқий мажбуриятларга риоя этилади.

Прокуратура Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш бўйича стратегик ва тезкор характердаги турли бошқарув қарорларини қабул қилувчи, қуйи турувчи органларга раҳбарликни амалга оширувчи бошқарув органи ҳисобланади. Прокуратура фаолиятининг ўзига хос хусусияти шу билан тавсифланадики, оператив ҳолатнинг тез ўзгариши шароитида, вақтнинг тиғизлигида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун куч ва воситалардан оқилона фойдаланиш бўйича бошқарув қарорларини қабул қилиш зарур бўлади.

Гарчи, прокурор назорати ҳаракатдаги қонунчилик ижро этиладиган ҳар қандай вақтда амалга оширилиши мумкин бўлса-да, бу уни ҳамма ҳолатларда ҳам амалга ошириш шарт деган маънони англатмайди. Зеро, қонунчилик талаблари мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан прокуратура органлари аралашувисиз ҳам лозим даражада ижро этилиши мумкин, боз устига амалдаги қонунчилик ижроси устидан бошқа давлат органлари ҳам назорат олиб борадилар.

Таъкидлаш жоизки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳаси устидан прокурор назорати алоҳида ажратилмаган. Мазкур фаолият устидан прокурор назоратининг предмети “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунда тартибга солинмаган. Шу билан бирга, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш юклатилган органнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 18 ноябрдаги “Миллий гвардия тўғрисида”ги ЎРҚ-647-сон қонунда қисман ўз аксини топган. Жумладан, мазкур қонуннинг 51-моддаси “Миллий гвардиянинг фаолиятида қонунларга риоя этилиши устидан назорат” деб номланган бўлиб, унга мувофиқ, Миллий гвардиянинг фаолиятида қонунларнинг аниқ ҳамда бир хил ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилиши белгиланган.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари вазирликлар, давлат қўмиталари,

идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, прокуратура органлари берилган кўрсатмаларнинг ижросини ҳам назорат қилади ҳамда улар айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш чораларини кўриш ваколатига эга.

Демак, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари қаторига жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қонунийликка риоя этилишини ҳам киритиш керак. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қонунийлик бузилишининг тавсифи, сабаблари, ҳуқуқ-бузарликнинг тарқалганлик даражаси, такрорланиши, келиб чиқиши ва келажакда юзага келиши мумкин бўлган зарарли оқибатлар, ҳуқуқбузар айбининг даражасини аниқлашда прокуратура органлари – протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув шаклидаги ҳужжатлардан фойдаланади.

Протест қонунга зид бўлган ҳужжатга (мансабдор шахснинг ноқонуний қарорига) нисбатан уни қабул қилган органга ёки юқори турувчи органга келтирилади. Протест келиб тушган вақтдан бошлаб ўн кунлик муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилиши шарт ҳамда протестни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида уч кунлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилинади (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддаси).

Прокурор тақдимномаси амалдаги қонунлар бузилиши ҳолатларига таъсир этишнинг энг кенг тарқалган шакли бўлиб, у қонунларнинг бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида бўлиб, қонун бузилишини бартараф этиш ваколатларига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритилади. Тақдимнома дарҳол кўриб чиқилиши ва кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида бир ойлик муддат ичида прокурорга ёзма равишда маълум қилиниши лозим. Башарти прокурор назорати ҳужжатида кўзда тутилган талаблар бажарилмаса, тегишли шахсларни интизомий ёки маъмурий жавобгарликка тортиш масаласи вужудга келади.

Ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида прокурор фуқаролик, маъмурий ёки бошқача тусдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этишни таъминлаш мақсадида судга даъво аризаси билан мурожаат этишга ҳақли. Даъво аризасини тайёрлаш ва тақдим этишда прокуратура органларининг давлат ва оммавий манфаатлар муҳофазасини

таъминлаш мақсадида иштирок этиши талаб этилади. Шунингдек, давлат, маҳаллий корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролар айрим сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини тегишинча ҳимоя қилишга қодир бўлмаса прокуратура органлари уларнинг манфаатларини кўзлаб, судга даъво аризаси билан мурожаат этиши мумкин бўлади.

Бошқа шахслар номидан даъво аризаси бериш нафақат даъвогар ҳуқуқлари бузилганда, балки давлат ва жамоат (оммавий) манфаатларига дахл қилинганда (ижтимоий аҳамиятдаги маҳсулотни чиқаришнинг тўхтатилиши, транспорт, энергетика, мудофаа объектларидан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши ва экологик фалокат келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этилиши) ҳам тақдим этилади.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадида прокурор томонидан чиқариладиган қарор мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан содир этилган қонун бузилишининг хусусиятига қараб жиноят иши, маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатишга қаратилади. Маъмурий ёки интизомий жавобгарлик тўғрисидаги ишни қўзғатиш ҳақидаги прокурорнинг қарори келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кун ичида орган ёки мансабдор шахс томонидан кўриб чиқиши шарт. Уни кўриб чиқиш натижалари ҳақида уч кунлик муддатда прокурорга ёзма равишда маълум қилинади (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 39-моддаси).

Прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради. Фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди (“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 25-26-моддалари).

Шуни айтиш керакки, янги ижтимоий муносабатлар ва уларни амалга ошириш шароитлари нафақат ижобий силжишларга олиб келди, балки маълум даражада жамоат жойларида содир этилаётган салбий ҳолатларнинг ўсишини ҳам келтириб чиқарди. Бундай шароитда прокуратура органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти устидан прокурор назоратини ташкил этишга янги илмий асосланган ёндашувлар зарур бўлади. Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти ташкил этилишига

алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, мазкур соҳадаги фаолият устидан прокурор назоратининг предметини шакллантириш зарурлигини талаб этмоқда.

Бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида қонунийликка риоя этилишини таъминлашга қаратилган янги қуйидаги таҳрирдаги нормалар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

**“3<sup>1</sup>-БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ УСТИДАН НАЗОРАТ  
“29<sup>1</sup>-модда. Назорат предмети**

**Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг қонунчиликда белгиланган тартиби, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни амалга оширишга қонунчилик талабларига риоя этилиши жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни амалга оширадиган органларнинг қонунларни ижро этишлари устидан назорат предмети ҳисобланади.**

**29<sup>2</sup>-модда. Прокурорнинг ваколатлари**  
**Қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашишни амалга оширувчи органлар томонидан ижро этилиши устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида:**

**Ўзбекистон Республикасининг жамоат хавфсизлиги соҳасидаги қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилади;**

**жамоат хавфсизлиги соҳасидаги давлат, ҳудудий ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида қонунийликка риоя этилишини таъминлайди;**

**жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун куч ва воситалардан фойдаланишнинг қонунийлигини назорат қилади;**

**оммавий тадбирларни ўтказишни режалаштириш ва ўтказишда қонунийликка риоя этилишини назорат қилади;**

**жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини назорат қилади;**

**жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича вазифаларнинг ижросини текширади;**

**жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш**



**бўйича вазифаларнинг ижросини назорат қилади;  
жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги  
қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;  
аҳоли ўртасида жамоат хавфсизлиги соҳасида  
ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга  
қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтка-  
зишнинг ҳолатини ўрганиб боради ва тегишли  
кўрсатмалар беради;  
жамоат хавфсизлиги соҳасидаги фаолиятни  
амалга оширувчи субъектларнинг ўзаро ҳам-  
корлигини назорат қилади”.**

Жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлашга қаратилган фаолият устидан прокурор назорати предметининг қонунчиликда аниқ белгиланиши фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг

мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш каби вазифаларнинг ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Шундай қилиб, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади.

.....  
#  
.....

Акмал САИДОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотларда прокуратура органларининг ўрни ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье освещается роль органов прокуратуры в осуществлении реформ по совершенствованию обеспечения прав и свобод человека в Республике Узбекистан.

**ABSTRACT.** The article describes the role of the prosecutor's office in the implementation of reforms to improve the provision of human rights and freedoms in the Republic of Uzbekistan.

**Калит сўзлар:** прокуратура, инсон ҳуқуқлари, миллий стратегия, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим.

**Ключевые слова:** прокуратура, права человека, национальная стратегия, образование в области прав человека.

**Keywords:** prosecutor's office, human rights, national strategy, human rights education.

Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида туб янгиланиш ислохотлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон тўғрисида шундай ёзади: “Янги Ўзбекистон – демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари борасида умумэтироф этилган норма ва принципларга қатъий амал қилган ҳолда, жаҳон ҳамжамияти билан дўстона ҳамкорлик тамойиллари асосида ривожланадиган, пировард мақсади халқимиз учун эркин, обод ва фаровон ҳаёт яратиб беришдан иборат бўлган давлатдир”<sup>1</sup>.

Мамлакатда давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнда прокуратура органлари томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг самарали рўёбга чиқарилиши мақсадида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун

прокуратура органларининг куч ва имкониятлари тўлиқ сафарбар қилинди.

Шу билан бирга, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг янги вазифалари прокуратура органлари фаолиятини аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга салбий таъсир этувчи ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Прокуратура органларининг асосий эътибори қуйидагиларга қаратилди:

биринчидан, амалга оширилаётган ислохотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

иккинчидан, аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатиш, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда қонун бузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

учинчидан, профилактика тадбирларининг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. – Тошкент: “O`qituvchi”, 2021 й. Б.12.



тадбирларнинг таъсирчанлигини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

тўртинчидан, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш дастурларини амалга оширишни, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлаш;

бешинчидан, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, аҳолига арзон дори воситалари етказиш, таълим жараёнининг сифати ва таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш;

олтинчидан, фуқароларга арзон уй-жой ажратиш, уй-жой сотиб олиш учун, биринчи навбатда, ёш оилалар, етим болаларга кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш, сифатли коммунал хизмат кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

еттинчидан, табиий ресурслар, ер майдонларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлаш.<sup>2</sup>

Мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги устувор йўналишлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифалари прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини тақозо этди.

Прокуратура органлари фаолиятининг мутлақо янги йўналишлари белгиланганлиги, уларнинг амалга оширилаётган ислоҳот ва ўзгаришлардаги ўрни кучайтирилганлиги юклатилган вазифаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантиришни талаб этди.

2018 йилда “халқ билан мулоқот” қилиш тамойилига асосланган прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ташкил этилди.

Бош прокуратура Академияси фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация

технологияларининг, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларнинг интерфаол ҳамда муаммоли-вазиятли услубларини кенг жорий этиш;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

прокуратура органлари фаолияти йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш;

прокуратура органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш, номзодларни хизматга қабул қилишда касбий-психологик танлов ўтказиш, прокуратура органларидаги маънавий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, педагог, илмий ходим ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ўқув жараёнининг сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни чуқурлаштириш;

жиноятларнинг содир этилиши сабаб ва

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 17-сон, 285-модда

шароитларини ўрганиш ва диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳолатини таҳлил қилиш, шу жумладан алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш;

жиноятчилик ҳолати ўзгаришини криминологик прогноз қилиш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик ва консултатив таъминлаш.<sup>3</sup>

Прокуратура органларини ислоҳ қилиш соҳасидаги ишлар тизимли олиб борилди ва бу ислохотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб хизмат қилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2019 йил 19-25 сентябрь кунлари Ҳукумат таклифи билан Ўзбекистонда бўлиб, ўзининг ҳисоботида прокуратура органларини ислоҳ қилиш масаласида мулоҳазаларини билдирган эди.

Бугунги кунда прокуратура органларини ислоҳ қилиш бўйича тадбирларнинг салмоғи охириги йилларда янада кенгайди. Буни инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган қуйидаги тадбирларда кўриш мумкин:

**Биринчидан.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги фармони билан инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасига тизимли ёндашувни назарда тутадиган комплекс чора-тадбирлардан иборат стратегик ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегияси тасдиқланди. Миллий стратегия 2020–2025 йиллар учун инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга ошириладиган ислохот мақсадлари, йўналишлари ва тадбирларини белгилаб берди. Миллий стратегия доирасида суд, прокуратура, ички ишлар органлари, адвокатура тизими фаолиятини такомиллаштириш, уларни том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича тадбирлар белгиланди.

**Иккинчидан.** Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Болалар, аёллар, ногиронлар, мигрантлар, одам савдоси жабрдийдалари, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар ва бошқа ижтимоий заиф аҳоли қатламларининг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича жами 78 та банд бўйича тадбирлар белгиланган, жумладан 33 та қонун ҳужжати ҳамда 12 та кодекс қабул қилиниши назарда тutilган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси иштирокида Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги таҳрири лойиҳаси, “Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

**Учинчидан.** Мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам беришнинг қонунчилик асослари кучайтириб борилмоқда. Жумладан, 2021 йилда Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслик тўғрисидаги талабларни бузиш ҳамда меҳнатга маъмурий тарзда мажбурлаш каби ҳатти-ҳаракатлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилди.

2021 йилда АҚШ Давлат департаменти 2020 йил якунларига бағишланган навбатдаги ҳисоботини эълон қилди. Ҳисоботда Ўзбекистон 2003 йилдан буён илк маротаба дунё бўйлаб одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича самарали саъй-ҳаракатларни амалга ошираётган иккинчи тоифадаги (TIER 2) давлатлар даражасига кўтарилди. Ҳисоботда COVID-19 пандемияси таъсирига қарамасдан Ўзбекистон томонидан одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида олиб борилган ишлар ижобий баҳоланган.

**Тўртинчидан.** Бош прокуратура Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларига доир БМТ шартномавий қўмиталари тавсияларини бажариш бўйича миллий ҳаракат режалари ва Ўзбекистоннинг миллий маърузаларини тайёрлашда ўзининг ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**Бешинчидан.** Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги малакасини ошириш курслари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 18 ноябрдан 2021 йилнинг 29 январгача “Инсон қадр-қиммати – энг олий қадрият” махсус ўқув модули асосида жами 40 та онлайн машғулот ўтказилиб, унда 400 дан ортиқ раҳбар ходим ўқитилди.

2021 йил 8 ноябрь куни халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура органлари ходимлари учун “Қийноқларга қарши кураш: халқаро ва миллий тажриба”, “Нельсон Мандела

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5438-сон фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2018 й., 06/18/5438/1189-сон



қоидаларининг асосий тамойиллари”, “Бангкок қоидалари”, “Истамбул протоколи” мавзуларида амалий тренинглар бошланди. Бунда маҳкумларни қийноқлар ва шафқатсиз муомаладан ҳимоя қилиш юзасидан жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг билимини ошириш ва кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу тренинглар жорий йилнинг охиригача давом этиб, унда бутун республика бўйича 1000 дан ортиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура органлари ходимларининг малакаси оширилмоқда.

**Олтинчидан.** 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Бош прокуратура Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси ҳамда Тошкент давлат юридик

университети ҳамкорлигида “Инсон ҳуқуқларига оид халқаро ҳуқуқ” мутахассислиги бўйича магистр кадрларни тайёрлашни йўлга қўйилди. Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва Бош прокуратура Академияси ҳамкорликда “Мигрантлар ҳуқуқи” бўйича ўқув-методик материаллар ва дарслик ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонда прокуратура органларининг инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга йўналтирилган роли янада кенгаяди. Истиқболда инсон ҳуқуқларини суддан ташқари ҳимоя қилиш механизмида марказий ўринга эга прокуратура органлари ролини янада ошириш, прокуратура органларининг ҳуқуқни тиклашдаги фаолиятини янада такомиллаштириш муҳим вазифадир.

.....  
#  
.....



Фозилжон ОТАХОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги  
Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори

## ПРОКУРАТУРАНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ ВА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада прокуратура органларининг конституциявий мақоми, Конституция ва қонун устиворлиги ҳамда қонунийлик тушунчаси ва моҳияти, прокуратура органлари томонидан қонунийликни таъминлашнинг хусусиятлари, уни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатлари ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье освещается конституционный статус прокуратуры, сущность понятия законности, верховенства Конституции и закона, а также вопросы обеспечения органами прокуратуры законности и некоторые аспекты его совершенствования.

**ABSTRACT.** The article covers the constitutional status of the prosecutor's office, the supremacy of the Constitution and the law, as well as the concept and essence of legality, the specifics of ensuring the rule of law by the prosecutor's office and aspects of its improvement.

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар стратегияси, конституция, прокуратура, конституциявий мақом, қонун устиворлиги, қонунийлик.

**Ключевые слова:** Стратегия действий, конституция, конституционный статус, прокуратура, верховенство закона, законность.

**Keywords:** the National Action Strategy, constitution, constitutional status, prosecutor's office, rule of law, legitimacy.

*Конституция ва қонун устиворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир.*

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

### Прокуратура – конституциявий орган

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштиришда дастриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатнинг Қонун устиворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш деб номланган иккинчи устувор йўналишининг айнан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимида қонунийликни мустаҳкамлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан прокуратуранинг ролини янада оширишга бағишланганлиги бежиз эмас.

Зеро, ўтган беш йил давомида прокуратура органлари фаолиятини тубдан ўзгартиришга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ўзгаришлар жамиятимизда юз бераётган демократик жараёнларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятлидир. Халқимизнинг прокуратура органларига бўлган ишончи тобора ортиб бораётгани ҳам шундан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратурага алоҳида боб – XXIV боб бағишланган

бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши (118-модда); прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимга Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори бошчилик қилиши, Қорақалпоғистон Республикасининг прокурори, вилоятлар, туман ва шаҳар прокурорларининг ваколат муддати ва уларни лавозимга тайинлаш тартиби (119-модда); прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши, прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб туришлари, прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланиши (120-модда) конституциявий нормаларда ўз ифодасини топган<sup>1</sup>.

Бу давлат механизмида прокуратуранинг махсус конституциявий-ҳуқуқий мақоми ва унинг юқори даражадаги ижтимоий ўрни борлигидан ҳамда у бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилуви органлардан

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <https://lex.uz/docs/20596>



фарқли равишда конституциявий орган эканлигидан далолат беради.

Россиялик олим В.Ю.Шобухинга кўра, “Ўзбекистон қонун чиқарувчисининг прокуратурага оид нормаларни мамлакат Конституциясида алоҳида бобда белгилашга оид қарори тўғри ҳисобланади. Прокуратурани ташкил этиш ва фаолиятининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг тажрибаси прокуратура органларининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми характеристикаси нуқтаи назаридан ҳам, улар фаолият юритишининг норматив-ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан ҳам, ушбу тажрибадан бошқа мамлакатларда фойдаланиш имконини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида эътиборга молик”<sup>2</sup>.

Юридик адабиётларда “procuratio (procurator)” сўзи латин тилида “ғамхўрлик қилиш, бошқариш”, “Procurator (Procurator)” сўзи “бошқарувчи, идора қилувчи, раис, ишончли вакил, ваколатли бошқарувчи” деган маъноларни англатади. Прокуратура деганда назоратни амалга оширувчи давлат органи ёки бунга ваколат берилган мансабдор шахс тушунилади<sup>3</sup>. “Pro-curo” сўзидан эса “ғамхўрлик қилмоқ, парваришламоқ, асраб-авайламоқ, таъминламоқ, содир этмоқ, бошқармоқ, бошлаб бормоқ” деган маъно тушунилади<sup>4</sup>. Шунга ўхшаш маънолар “Procurator”, “Procuratio”, “Procuratio”, “Procurator”<sup>5</sup> каби француз сўзларида ҳам бор.

Европада прокуратура органлари дастлаб XIV асрда Францияда тузилган. Бу даврда прокуратура биринчи навбатда жазолаш, айблаш чораларини амалга оширишга мўлжалланган эди. Франциядаги прокуратура фаолияти Чор Россиясидаги прокуратуранинг ташкил топишига асос бўлди.

Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев собиқ Иттифоқ, яъни “мустабид тузум даврида одамлар прокуратура органлари ходимларини фақат қораловчи, жазоловчи тизим вакиллари сифатида биларди. Биз ушбу соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида қайта ташкил қилишда ижобий натижаларга эришмоқдамиз, прокуратура органлари кундалик ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш,

аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши зарур”лигини қайд қилдилар<sup>6</sup>.

“Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасига мувофиқ прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

### Қонун устунлиги ва қонунийлик тушунчаси ва моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III боби Конституция ва қонуннинг устунлиги деб номланиб, мазкур боб Конституциямизнинг Асосий принциплар бўлимида жойлашган. Назариядан маълумки, принцип деганда раҳбарий қоидалар назарда тутилади. Агар Конституциянинг бошқа бўлимлари ўртасида қандайдир тушунмовчилик келиб чиқадиган бўлса, масала назарияга кўра асосий принципларга таяниб ҳал қилиниши керак. Шу маънода қонун устунлигининг Асосий принциплар бўлимида жойлаштирилганлиги мамлакатимизда мазкур принципга улкан аҳамият берилаётганидан далолатдир.

Конституциянинг мазкур бобидаги ҳамда бошқа нормаларида мустаҳкамланган қоидаларни таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларни чиқаришга олиб келади: **биринчидан**, мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади; **иккинчидан**, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар; **учинчидан**, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас<sup>7</sup>.

Шу маънода савол туғилади: қонун устунлиги шахсга, жамиятга, давлатга нима беради? Нега бутун дунёда мазкур принципга жуда катта эътибор берилади?

Қонун устунлиги шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини монеликсиз амалга ошириш, ўз

2 Шобухин В.Ю. Конституционное регулирование статуса прокуратуры в Российской Федерации и Республике Узбекистан: сравнительно-правовой анализ. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси ахборотномаси №4, 2019. – С. 16.

3 Современный словарь иностранных слов. - М., 1993. – С. 493. Большой юридический словарь. – М., 1999. – С. 821 – 822.

4 Дворецкий И.Х. Латинско – русский словарь. 5-С439. – М., 1998. – С. 621.

5 Гашина К.А. Французско-русский словарь. – С 439. – М., 1980. – С.721.

6 Президент Шавкат Мирзиёев прокуратура ходимлари билан учрашди [https:// president. uz/ uz/ lists/view/178](https://president.uz/uz/lists/view/178)

7 Давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятида қонунийликни таъминлашда юридик хизмат ролини ошириш механизмларини такомиллаштириш: монография / Ф.Отахонов. Х.Файзиёв – Тошкент: “Tafakkur” МЧЖ. 2020. –5-6 б.

ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари қонунан кафолатланганлиги туфайли тинч, осойишта, хотиржам, ҳеч қандай ташқи таъсирлардан, зўравонлик ва ўзбошимчалиқдан қўрқмай яшаш имкониятини беради.

Агар жамиятда қонун устунлиги таъминланмаса, одамларда нафақат бугунги, балки эртанги кунига ҳам ишонч йўқолади, адолат, тенглик, эркинликка риоя қилинмайди, ким зўр бўлса унинг гапи мажбурий бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилади, бундай жамиятни ҳар қандай онгли одам тарк этиш чораларини қидиради, бундай маконда қабоҳат ва залолат ҳукм суради. Қонун устунлиги таъминланмаган жамиятда иқтисод ҳам ривожланмайди, иқтисодий ислоҳотлар ҳам самара бермайди. Чунки ҳеч ким қонун ишламаган жойга ўз мулкини, сармоясини киритишни ҳохламайди.

Қонун устун бўлган давлатда эркинлик, адолат, тенглик кафолатланади, ҳокимиятнинг шахсга таъсири чегараланади, инсон ҳуқуқлари ҳимояланади, мулк ҳуқуқига риоя қилинади, одил судлов мустақил бўлиб, самарали амалга оширилади.

**Қонунийлик нима деган саволга** машҳур рус ҳуқуқшунос олими Габриэль Шершеневичнинг “қонунийликни *“туғма ҳиссиёт”, “онгсиз равишда қонунга мувофиқ ҳаракат қилишга интилиш”, “қонунга риоя қилиш эҳтиёжи”* сифатидаги тасавурларни шакллантириш орқалигина тўғри илғай олиш мумкин”<sup>8</sup>, деган фикрларига қўшилган ҳолда жавоб бериш мақсадга мувофиқ.

Юридик адабиётлар ва юридик энциклопедияларнинг кўпчилигида қонунийлик деганда барча давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар, жамоат бирлашмалари томонидан Конституция ва қонунлар, шунингдек улар асосида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий риоя қилиш ва уларни ижро қилиш тушунилади<sup>9</sup>. Дарҳақиқат, қонунийлик моҳияти амалдаги қонунларга барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қатъий ва сўзсиз риоя қилиниши ва уларнинг ижро этилишида намоён бўлади, аммо шунга ҳам эътибор берилмоқдаки, ҳуқуқшунос олимлар томонидан қонунийликнинг

бундай шарҳланиши, жамият ҳаётининг замонавий сиёсий-ҳуқуқий жараёнларини ўзида тўлақонли акс эттирмайди<sup>10</sup>.

Фикримизча, қонунийлик деганда барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қонунлар ва унга зид бўлмаган бошқа қонун ҳужжатларига қатъий ва сўзсиз риоя қилиш ҳамда уларни ижро этиш; қонунларда назарда тутилган ҳуқуқлардан (эркинликлардан) лозим даражада фойдаланиш; давлат органларининг қонун ҳужжатларини қабул қилиш жараёнида қонунда белгиланган тартиб ҳамда таомилларга риоя этиши, шунингдек қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлигини таъминлаши тушунилади.

Қонунийликни таърифлашга оид ҳар қандай изоҳлар ва турли хил ёндашувлар мавжудлигига қарамасдан, улар ичида энг муҳими шундаки, қонунийлик – бу **конституциявий-ҳуқуқий қадрият**, конституциявий принцип, мамлакатнинг ҳам ҳуқуқий давлатнинг бевосита ўзининг (давлат органлари, мансабдор шахслар, давлат хизматчилари) ҳуқуқий фаолиятини ташкил этиш, ҳам барча ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳуқуқий ҳимоясига оид юксак стандартларига мос бўлган ҳуқуқий тизимнинг асосий доираси, чегаралари, мазмуни ва тузилишини ўрнатишга интилаётган қонун чиқарувчига қаратилган **конституциявий талабдир**.

### **Прокуратура органлари томонидан қонунийликни таъминлашнинг хусусиятлари**

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, – “Қонунчилик базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва қонунларни сўзсиз ижро этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, демократик ҳуқуқий давлатни ривожлантириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш ҳамда унинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашда прокуратура органларининг роли катта”<sup>11</sup>.

**Қонунийликни таъминлаш**, қоида тариқасида, қуйидаги учта ҳуқуқий шаклда амалга оширилади: биринчидан, ҳуқуқни ўрнатиш (ҳуқуқижодкорлиги, қонун ижодкорлиги, норма ижодкорлиги);

8 Шершеневич Г.Ф. О чувстве законности // Шершеневич Г.Ф. Избранное / вступ. слово, сост.: П.В. Крашенинникова. М.: Статут, 2016. Б. 454.

9 Қаранг: Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2001. – С.408; Морозова Л.А. Теория государства и права: Учебник. – М.: Юристъ, 2003. – С.348; Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т.: Адолат, 2009. – 615 б.; Большая юридическая энциклопедия. – М.: Изд-во Эксмо, 2005. – С.194-195; Барихин А.Б. Большой юридический энциклопедический словарь. – М.: Книжный мир, 2005. – С.185.

10 Қаранг: Отахонов Ф.Х. Юридик хизматининг назарий-ҳуқуқий муаммолари. Монография/ Масъул муҳаррир Тошқулов Ж.Ў.-Т.: 2019. Б.115.

11 Президент Шавкат Мирзиёев прокуратура ходимлари билан учрашди [https:// president.uz/uz/lists/view/178](https://president.uz/uz/lists/view/178)



иккинчидан, ҳуқуқни қўллаш (ҳуқуқий нормаларни қўллаш бўйича фаолият);

**учинчидан**, ҳуқуқий муҳофаза (оммавий ҳокимият органлари томонидан тузилган махсус давлат мажбурлов институтлари фаолиятининг ҳуқуқий қонунийлик принципини таъминлаш).

Шу ўринда: “Биз ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи бевосита ўз ваколати доирасидан чиқмайдиган, бир-бирининг функциясини такрор этмайдиган тизим шакллантиришимиз шарт. Лўнда қилиб айтганда, ички ишлар – жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш билан, миллий хавфсизлик – давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан шуғулланиши лозим. Прокуратура эса қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши зарур”<sup>12</sup>.

Прокуратура органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг функционал таҳлили қонунийликни таъминлашда прокуратура органларининг қуйидаги ўзига хос жиҳатларини яққол намоён қилди:

**биринчи**, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари, аввало *Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида* ва унда белгиланган нормаларга тўла мос равишда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган;

**иккинчи**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar. Бундай ваколат бошқа ҳеч қайси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органда мавжуд эмас;

**учинчи**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорини лавозимига тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади;

**тўртинчи**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкин, яъни у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти бўлган мансабдор шахс ҳисобланади. Бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари бундай ваколатга эга эмас;

**бешинчи**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Конститу-

циявий судининг мажлисларида иштирок этиши, унинг кўриб чиқиши учун масалалар киритиши ва кўрилаётган масала юзасидан фикр билдириши мумкин;

**олтинчи**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисларида иштирок этади, муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан фикр билдиради, қонунчиликни қўллаш билан боғлиқ масалалар бўйича Пленум тушунтиришлар бериши хусусида таклифлар киритади;

**еттинчи**, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати олдида ҳисобдордир;

**саккизинчи**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширувлар давомида давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг қонунчилик нормаларига номувофиқ бўлган ҳужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритади;

**тўққизинчи**, давлат бошқаруви органлари ва ҳокимларнинг ҳужжатлари фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини жиддий равишда камситаётган бўлса, Бош прокурор бу ҳужжатларни тўхтатиб туриш ёхуд бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиши мумкин;

**ўнинчи**, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ҳисобланади;

**ўн биринчи**, прокурорнинг қонунлар ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнидаги ваколатлари бевосита қонунда белгиланган<sup>13</sup>:

**ўн иккинчи**, қуйидагилар прокурор назорати ҳужжатлари ҳисобланади: протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув.

Прокуратура органларининг қонунийликни

12 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // <https://president.uz/uz/lists/view/1371>

13 Қаранг: Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддаси.

таъминлашда юқорида келтирилган ўзига хос жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардиясига мансуб эмаслигини кўрамыз.

### **Қонунийликни таъминлашнинг механизмини такомиллаштириш масалалари**

Қонунийликни таъминлаш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқдир. Янги Ўзбекистон стратегиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев қуйидаги фикрларни ифодалаган: «Юртимизнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар (қонун устуворлиги, норма ижодкорлиги сифати, ҳукумат фаолияти самарадорлиги, сўз ва ахборот эркинлиги, жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш, бизнесни олиб бориш шарт-шароитлари, глобал рақобатбардошлик, инновацион ривожланиш ва бошқалар) бўйича дунёдаги 50 та етакчи мамлакат қаторига кириши – бизнинг стратегик мақсадимиздир»<sup>14</sup>.

Инсон ҳуқуқлари бузилишларига барҳам бериш мақсадида прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистон стратегиясида бунга алоҳида урғу берилганлиги ҳам прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимида, қонунийликни таъминлаш борасидаги роли муҳим эканлигидан далолат беради. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан келгуси даврда шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасидаги

асосий ислохотлар қаторида прокуратура органлари фаолиятининг халқаро стандартларга мувофиқ шакллари жорий этиш, прокуратура фаолияти ошкоралигини ва унинг жамият олдида ҳисобдорлигини таъминлаш, прокуратура тизими бошқарувида коллегиял органлар ролини кучайтириш белгилаб берилди<sup>15</sup>.

Қонунийликни таъминлаш бўйича прокуратура органлари фаолиятиниянадаривожлантиришнинг бошқа бир йўналиши сифатида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш масаласини айтиб ўтиш мумкин. Кибертаҳдидлар ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, қонунийликни таъминлаш борасидаги илғор механизмлар ва технологияларни назарда тутувчи юқори технологияли прокурор назоратини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, ушбу йўналишда назарий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш тобора долзарблашиб бораётганини айтиб ўтиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, прокуратура органларининг фаолияти мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишини тезкорлик билан аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизmidир. Прокуратуранинг махсус конституциявий мақоми – мамлакат ҳудудида Конституция ва қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни олиб бориш функцияси прокуратура органларининг қонунийликни таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштирувчи муҳим орган эканлигидан далолат беради.

#

14 Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. – 70-71 б.

15 Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston" нашриёти, 2021. – 74 б.



Евгений КОЛЕНКО,  
Начальник Академии Генеральной прокуратуры

## ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРОКУРАТУРЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В СФЕРЕ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ КОРРУПЦИИ

**АННОТАЦИЯ.** В данной статье автор, на основании анализа текущего законодательства и существующей практики, раскрывает актуальные проблемы деятельности органов прокуратуры в сфере противодействия коррупции, а также предлагает возможные пути её совершенствования. Автором сделан особый акцент на борьбе с коррупционными проявлениями в правоохранительной системе.

**АННОТАЦИЯ.** Ушбу мақолада муаллиф мавжуд амалиётни таҳлил қилиш асосида прокуратура органларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятининг мавжуд муаммоларини очиб беради, шунингдек бу фаолиятни такомиллаштириш мумкин бўлган йўлларни таклиф қилади. Муаллиф ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимидаги коррупцияга қарши курашга алоҳида тўхталиб ўтди.

**ANNOTATION.** In this article, the author, on the basis of an analysis of existing practice, identifies existing problems in the activities of the prosecutor's office in the fight against corruption, and also suggests possible ways to improve such activities. The author focuses on the fight against corruption in law enforcement agencies.

**Ключевые слова:** прокуратура, коррупция, государство, законодательство, закон.

**Калит сўзлар:** прокуратура, коррупция, давлат, қонунчилик, қонун.

**Key words:** prosecutor's office, corruption, state, legislation, law.

Органы прокуратуры занимают особое положение в системе государственных органов, осуществляющих борьбу с коррупцией. Одной из ключевых задач прокуратуры является осуществление от имени государства надзора за точным и единообразным исполнением законодательства в сфере противодействия коррупции.

Законы Республики Узбекистан «О прокуратуре», «О противодействии коррупции», Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан и другие акты законодательства регулируют деятельность прокуратуры в сфере противодействия коррупции и наделяют ее специальными полномочиями в данной сфере.

В настоящий момент в структуре Генеральной прокуратуры подразделениями, непосредственно занимающимися вопросами противодействия коррупции, определены Управление по координации мер в сфере противодействия коррупции, Управление по борьбе с организованной преступностью и коррупцией, а также Департамент по борьбе с экономическими преступлениями при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан<sup>1</sup>. Выполнение задач по подготовке, переподготовке и повышению квалификации кадров в сфере противодействия коррупции возложены на Академию Генеральной

прокуратуры Республики Узбекистан.

Для решения актуальных задач и выполнения запланированных мероприятий в рассматриваемой сфере органы прокуратуры реализуют полномочия с помощью института прокурорского надзора.

Прокурорский надзор является основным направлением деятельности прокуратуры, именно средствами прокурорского надзора выявляются и предупреждаются различного рода правонарушения, а при наличии оснований ставится вопрос о привлечении виновных физических и юридических лиц к соответствующему виду ответственности<sup>2</sup>.

Осуществляя прокурорский надзор за соблюдением законодательства о противодействии коррупции, прокуроры вносят протесты, представления, выносят постановления, а также объявляют предостережения.

Вместе с тем, согласно ст. 9 Закона «О противодействии коррупции» Генеральная прокуратура Республики Узбекистан в пределах своих полномочий участвует в разработке и реализации государственных и иных программ в области противодействия коррупции, координирует деятельность органов, осуществляющих оперативно-розыскную деятельность, дознание, предварительное следствие, а также профилактику правонарушений

1 Приказ Генерального прокурора Республики Узбекистан от 9 июня 2018 года № 191; Приказ Генерального прокурора Республики Узбекистан от 27 ноября 2017 года № 168; Приказ Генерального прокурора Республики Узбекистан от 20 декабря 2017 года № 178

2 Пулатов Б.Х. Прокурор назорати. «Тошкент». «Ўзбекистон». 2009 С. 32; Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Тошкент: Илм зиё. 2012 й. С.24; Муаллифлар жамкай. Прокурор навороти. Дарси. – Ташкент. ТДЮУ, 2019 – С.28

в области противодействия коррупции, осуществляет предварительное следствие по преступлениям, связанным с коррупцией, участвует в законотворческой деятельности в области противодействия коррупции, в том числе в реализации права законодательной инициативы.

Характеризуя правовые основы деятельности прокуратуры, следует отметить, что до 2017 года в Республике Узбекистан не существовало закона прямого действия, регламентирующего вопросы противодействия коррупции. За последние несколько лет отмечается динамичное развитие системы законодательства в сфере противодействия коррупции с определением органов прокуратуры в качестве ключевого элемента противодействия коррупции.

Важным шагом в этом направлении явилось принятие ряда нормативно-правовых актов. В частности, приняты Закон «О противодействии коррупции»<sup>3</sup>, указы Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию системы противодействия коррупции в Республике Узбекистан»<sup>4</sup>, «О мерах по созданию среды нетерпимого отношения к коррупции, кардинальному сокращению коррупционных факторов в государственном и общественном управлении, а также широкому вовлечению общественности в этот процесс»<sup>5</sup> и др.

В целях организации разработки и реализации государственных и иных программ в сфере противодействия коррупции, координации деятельности организаций, осуществляющих работу по противодействию коррупции на первом этапе была создана Республиканская межведомственная комиссия по противодействию коррупции<sup>6</sup>, председателем которой являлся Генеральный прокурор.

На основании результатов мониторинга, осуществляемого в рамках полномочий Республиканской межведомственной комиссии, Генеральной прокуратурой в отраслях и сферах, наиболее подверженных рискам коррупции, организовано проведение комплексного изучения причин и условий, способствующих совершению должностных преступлений и других нарушений закона в различных отраслях экономики и социального сектора. Получившие наиболее низкий рейтинг министерства и ведомства подпадали под усиленный мониторинг,

по итогам которого разрабатывались рекомендации и предложения по повышению эффективности антикоррупционных мер.

Очередным этапом антикоррупционных реформ явилось принятие Указа Президента Республики Узбекистан от 29.06.2020 г. № УП-6013, в соответствии с которым Республиканская межведомственная комиссия была преобразована в Национальный совет по противодействию коррупции<sup>7</sup> во главе с председателем Сената, в составе руководителей государственных органов, представителей институтов гражданского общества и научных кругов.

В целях повышения эффективности системы противодействия коррупции обеспечивается реализация периодических антикоррупционных программ. К настоящему времени реализованы две Государственные программы по противодействию коррупции.

В рамках данной работы органами прокуратуры организована поэтапная реализация проекта «Сфера без коррупции». На первоначальном этапе она была реализована в сферах капитального строительства, высшего образования, здравоохранения и государственных закупок.

Органы прокуратуры принимают активное участие не только в организации исполнения антикоррупционных программ, но и в непосредственной реализации предусмотренных ими мероприятий, включая внедрение международных стандартов и передового зарубежного опыта в этой сфере.

Особое внимание в этом процессе было обращено на внедрение антикоррупционных стандартов в государственном и корпоративном секторах.

Так, по инициативе Генеральной прокуратуры совместно с проектом ПРООН при содействии зарубежных экспертов начато внедрение системы противодействия коррупции «комплаенс контроль» в трех министерствах и четырех органах государственной власти на местах.

Наряду с этим, органами прокуратуры ведется постоянный мониторинг состояния коррупционной преступности. В частности, по результатам мониторинга определяются сферы, наиболее подверженные коррупции и проводится детальное изучение эффективности принимаемых антикоррупционных мер.

3 Национальная база данных законодательства, 16.01.2019 г., № 03/19/516/2484; 24.05.2019 г., № 03/19/542/317, 2019 г., № 2, ст. 47; 19.11.2021 г., № 03/21/729/1064

4 Национальная база данных законодательства, 30.06.2020 г., № 06/20/6013/1002

5 Национальная база данных законодательства, 07.07.2021 г., № 06/21/6257/0645

6 Национальная база данных законодательства, 07.06.2018 г., № 06/18/5456/1316, 01.10.2018 г., № 06/18/5547/1975, 09.11.2019 г., № 06/19/5870/4010, 11.12.2019 г., № 06/19/5892/4134; 17.03.2021 г., № 06/21/6188/0216

7 Национальная база данных законодательства, 30.06.2020 г., № 06/20/6013/1002



Результаты такого изучения рассматривались на заседаниях Республиканской межведомственной комиссии и принимались решения, направленные на искоренение в соответствующих сферах причин и условий, способствующих коррупционным правонарушениям, принятие мер по минимизации коррупционных рисков, а также обеспечение соблюдения этических правил и предотвращение конфликта интересов.

В структуре Генеральной прокуратуры также создано и функционирует Управление по обеспечению внутренней безопасности и его территориальные подразделения, обеспечивающие контроль за соблюдением работниками органов прокуратуры Правил профессиональной этики, недопущением фактов злоупотребления служебным положением, коррупции и других негативных явлений, а также предупреждением совершения проступков среди работников системы.

Следует отметить, что специально для прокуроров разработаны письменные руководства, методологические и учебные пособия по вопросам предотвращения коррупции в собственных рядах.

Говоря о специализации учреждений по борьбе с коррупцией следует отметить, что анализ международных стандартов, показывает, что международные правовые инструменты содержат особые положения об учреждении органа или органов, или лиц, специализирующихся на борьбе с коррупцией.

С вступлением в силу в 2003 году Конвенции ООН по борьбе с коррупцией<sup>8</sup> международным сообществом особое внимание было уделено предупреждению и профилактике коррупционных правонарушений. Статья 36 Конвенции требует, чтобы каждым государством было обеспечено, в соответствии с основополагающими принципами своей правовой системы, наличие органа или органов, или лиц, специализирующихся на борьбе с коррупцией с помощью правоохранительных мер. Такому органу или органам, или лицам должна быть обеспечена необходимая самостоятельность, с тем чтобы они могли выполнять свои функции эффективно и без какого-либо ненадлежащего влияния. Такие лица или сотрудники такого органа или органов должны обладать надлежащей квалификацией и ресурсами

для выполнения своих задач.

Аналогичные требования и рекомендации содержатся в Межамериканской конвенции по борьбе с коррупцией 1996 г., Резолюции Комитета Министров Совета Европы (97) 24, Двенадцати основных принципах борьбы с коррупцией 1997 г., Рекомендации № R (2000) 19 Комитета Министров Совета Европы «О роли прокуратуры в системе уголовного правосудия» 2000 г. и др.<sup>9</sup>

Необходимость конкретизации статуса специализированных подразделений в области противодействия коррупции подчеркивается в рекомендациях данных Узбекистану в ходе 4-го раунда мониторинга в рамках Стамбульского плана действий Сети по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии ОЭСР.<sup>10</sup>

В частности, Рекомендация №42 требует обеспечить, чтобы правоохранительные органы, занимающиеся коррупционными делами, были оперативно и структурно независимыми, рассмотреть возможность исключения функций противодействия экономическим и коррупционным преступлениям из полномочий других правоохранительных органов, а также создать или определить орган или подразделение, ответственное за выявление, поиск, арест и управление имуществом, подлежащим конфискации, в том числе за рубежом.

Исходя из того, что в структуре органов, непосредственно осуществляющих противодействие коррупции, функционируют специальные подразделения по противодействию коррупции, в законодательной практике зарубежных стран их статус нормативно регламентирован.

Специализированные прокуратуры по противодействию коррупции созданы и функционируют к примеру в Норвегии (Норвежское Национальное управление по расследованию и уголовному преследованию преступлений в сфере экономики и окружающей среды)<sup>11</sup>, Бельгии (Центральное управление по борьбе с коррупцией)<sup>12</sup>, Испании (Специальная прокурорская служба по преследованию экономических преступлений, имеющих отношение к коррупции)<sup>13</sup>, Хорватии (Управление по предупреждению коррупции и организованной преступности), Румынии (Национальный директорат по борьбе с коррупцией), Венгрии (Центральное

8 Электронный ресурс. – URL: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/corruption.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/corruption.shtml)

9 <http://docs.cntd.ru/document/901934990>; <http://www.consultant.ru/cons/cgi/online.cgi?req=doc&base=INT n=9115#042533738809906385>; <http://docs.cntd.ru/document/901934976>

10 <https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round-Monitoring-Report-2019-RUS.pdf>

11 [https://www.nb.no/items/URN:NBN:no-nb\\_digibok\\_2008102700032](https://www.nb.no/items/URN:NBN:no-nb_digibok_2008102700032) (дата обращения: 15.01.2022).

12 <https://www.police.be/5998/fr/a-propos/directions-centrales/office-central-pour-la-repression-de-la-corruption-ocrc-0> (дата обращения: 27.01.2020).

13 Anti-corruption specialisation of prosecutors in selected European Countries. Working Paper September 2011. P. 72

следственное бюро) и др.

В нашей стране одним из значимых шагов в этом направлении было принятие Указа Президента Республики Узбекистан № УП-5690<sup>14</sup>, в соответствии с которым в структуре Генеральной прокуратуры учреждено Управление по координации мер в сфере противодействия коррупции, ответственное осуществлять надзор за дознанием и предварительным следствием нижестоящих органов прокуратуры в сфере борьбы с организованной преступностью и коррупцией, а также координировать их деятельность.

Проведение предварительного следствия по делам о совершении коррупционных деяний отдельной категорией должностных лиц является исключительной прерогативой органов прокуратуры. В частности, дела о коррупционных преступлениях расследует Управление по борьбе с организованной преступностью и коррупцией Генпрокуратуры, а также нижестоящие подразделения органов прокуратуры.

Важная роль в антикоррупционной деятельности органов прокуратуры отводится Департаменту по борьбе с экономическими преступлениями, являющимся самостоятельным специализированным правоохранительным органом при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан. Департамент, в соответствии с поставленными законом задачами, осуществляет оперативно-розыскную деятельность, доследственную проверку и дознание по экономическим и коррупционным преступлениям, фактам легализации преступных доходов, финансирования терроризма и финансирования распространения оружия массового уничтожения, а также обеспечивает возмещение экономического ущерба, нанесенного в результате совершения указанных преступлений.

Департамент самостоятельно возбуждает уголовные дела по выявленным экономическим преступлениями и фактам коррупции. При этом, находясь в системе органов прокуратуры, Департамент в своей деятельности обеспечивает тесное взаимодействие со следственными подразделениями правоохранительных органов.

Кроме того, Департамент, являясь подразделением финансовой разведки, определен уполномоченным органом республики в рамках Евразийской группы по противодействию легализации преступных доходов и финансированию терроризма (ЕАГ) и обеспечивает выполнение актуальных задач по эффективному взаимодействию и сотрудничеству на региональном уровне, интеграции государств-членов

ЕАГ в международную систему противодействия легализации доходов, полученных от преступной деятельности, финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения в соответствии с Рекомендациями Группы разработки финансовых мер борьбы с отмыванием денег (ФАТФ)<sup>15</sup>.

Департамент также определен в качестве специально уполномоченного органа, ответственного за обеспечения участия страны в деятельности Группы подразделений финансовой разведки «Эгмонт», и выполняет функции национального центра для сбора, анализа и распространения сообщений о подозрительных сделках, касающихся отмывания денег и финансирования терроризма. Работа финансовой разведки основывается на регулярном получении и системном анализе массивов сведений об операциях с денежными средствами и иным имуществом, поступающими от финансовых учреждений.

Генеральной прокуратурой, как координирующим органом по вопросам борьбы с преступностью, на регулярной основе обобщается практика расследования уголовных дел, в том числе коррупционного характера, результаты которых обсуждаются на координационных совещаниях правоохранительных органов республики.

В целях эффективной борьбы с коррупцией и другими злоупотреблениями важно также обеспечение качественного и всестороннего рассмотрения обращений граждан. В этой связи в Генеральной прокуратуре образован Центр приема обращений по телефону доверия (1007), обращения на который принимаются круглосуточно. По итогам рассмотрения поступивших обращений по фактам нарушений законов, работники государственных органов привлекаются к дисциплинарной, материальной, административной ответственности, по фактам совершения коррупционных преступлений возбуждаются уголовные дела.

Осуществляемые преобразования в стране, новые приоритеты социально-экономического развития и задачи по обеспечению верховенства закона и укреплению законности обусловили необходимость дальнейшего совершенствования системы организации подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров органов прокуратуры, в частности в сфере противодействия коррупции.

В рамках определения принципиально новых направлений деятельности органов прокуратуры,

14 Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по коренному совершенствованию системы защиты предпринимательской деятельности и оптимизации деятельности органов прокуратуры» от 15 марта 2019 г., № УП-5690//Национальная база данных законодательства, 16.03.2019 года № 06/19/5690/2772

15 <https://www.fatf-gafi.org/> (дата обращения: 15.01.2022).



повышения их роли в реализации осуществляемых реформ и преобразований, а также формирования достойного кадрового состава, способного эффективно выполнять поставленные задачи, Указом Президента Республики Узбекистан от 8 мая 2018 года № УП–5438 Высшие учебные курсы Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан преобразованы в Академию Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан.

В целях методического обеспечения противодействия коррупции в Академии создан Научно-образовательный центр противодействия коррупции. Центром на постоянной основе изучаются и анализируются причины и условия совершения коррупционных правонарушений, организовываются учебные занятия, семинары, круглые столы, тренинги и другие мероприятия для сотрудников правоохранительных и других органов, специализирующиеся на вопросах противодействия коррупции, а также проводятся научно-прикладные исследования по всему спектру коррупционных проявлений.

Впервые в стране, начиная с 2019/2020 учебного года в Академии Генеральной прокуратуры осуществляется подготовка специалистов антикоррупционной направленности – по направлению магистратуры «Противодействие коррупции». На сегодняшний день выпускники Академии, специализирующиеся в вопросах противодействия коррупции, работают в органах прокуратуры, Агентстве по противодействию коррупции Республики Узбекистан и других государственных органах.

В целях подготовки, переподготовки и повышения квалификации кадров органов прокуратуры в области борьбы с экономическими преступлениями и легализацией преступных доходов в структуре Академии функционирует специализированное подразделение – Кафедра организации борьбы с экономическими преступлениями и легализацией преступных доходов, которая посредством осуществления сотрудничества с зарубежными и национальными учреждениями, в том числе с Международным сетевым институтом в сфере противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных преступным путем и финансированию терроризма, Департаментом по борьбе с экономическими преступлениями и другими органами на системной основе ведет учебно-методическую, учебно-практическую и научно-исследовательскую деятельность по вопросам борьбы с экономическими преступлениями

Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан обеспечивает функции Секретариата Межведомственной сети по возвращению активов Западной и Центральной Азии (ARIN-WCA), цель которой заключается в повышении на межведомственной основе эффективности усилий членов сети в лишении преступников от всех деятельности незаконной прибыли.

Также, Академия принимает активное участие в программе по запуску антикоррупционной сети специалистов-практиков в рамках проекта УНП ООН «Содействие устойчивому развитию путем поддержки осуществления Конвенции ООН против коррупции в странах, расположенных вдоль Экономического пояса Шелкового пути».

Академия всегда придерживается взгляда, что принимаемые и разрабатываемые антикоррупционные меры требуют серьезной научной проработки, от степени и глубины которой напрямую зависит их эффективность. Для того чтобы добиться снижения уровня коррупции до социально терпимого необходим правильный выбор приоритетов, соответствующие научное обоснование и прогнозирование, опирающиеся на тщательно выверенные научные методики локализации очагов коррупционных проявлений. Уже сейчас в процессе осуществления научных исследований выявляются те уязвимые места, на которые надо обращать особое внимание при совершенствовании законодательства о противодействии коррупции в ближайшем будущем.

В этих целях решением Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан от 31 октября 2019 года впервые в Узбекистане Научному совету Академии разрешено проводить защиты диссертаций по специальности «12.00.12 – Проблемы коррупции (по юридическим наукам)». Исходя из этого, для подготовки научных кадров (PhD, DSc) в области противодействия коррупции решением Совета Академии Генеральной прокуратуры открыт институт послевузовского образования по вышеуказанной специальности.

За последние годы органами прокуратуры осуществлены значительные шаги в направлении противодействия коррупции, которые приносят свои результаты. Но важно не останавливаться на достигнутом, искать новые способы и возможности корректировки внутреннего курса органов прокуратуры таким образом, чтобы противодействие коррупционным проявлениям стало более эффективным и целенаправленным.

Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши  
ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори

## СУД ҲАМДА ПРОКУРАТУРА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ БУГУНИ ВА ИСТИҚБОЛИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, шу жумладан мазкур соҳада замон талабларига жавоб берувчи, малакали ва иқтидорли кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш, бу борада суд ҳамда прокуратура илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ҳамда ривожлантириш истиқболлари ҳақида сўз боради.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматриваются проводимые реформы в судебной системе страны, в том числе текущее состояние и перспективы сотрудничества судебной власти и прокуратуры в этой сфере.

**ABSTRACT.** The article discusses the ongoing reforms in the judicial system of the country, including the current state and prospects of cooperation between the judiciary and the prosecutor's office in this area.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ ислохотлари, кадрлар тайёрлаш, ҳамкорлик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, суд амалиёти.

**Ключевые слова:** судебно-правовая реформа, подготовка кадров, сотрудничество, правоприменительная практика, судебная практика.

**Key words:** judicial reform, staff training, cooperation, law enforcement practice, judicial practice.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг самарадорлиги замон талабларига жавоб берувчи, малакали ва иқтидорли кадрлар корпусини шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Хусусан, судьяларнинг юқори касбий тайёргарлик даражасига ҳамда маънавий қиёфага эга бўлиши қонуний ва адолатли суд ишларини юритиш, фуқароларнинг холис ва мустақил суд ҳокимиятига бўлган конституциявий ҳуқуқини амалда таъминлаш кафолати ҳисобланади. Шунинг учун ҳам судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, амалдаги судьяларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш нафақат суд ҳокимиятининг, балки барча ҳокимият бўғинларининг мажмуини ташкил этувчи давлат саналмиш институтнинг асосий вазибаларидан бири саналади. Бинобарин, "Судьялар мақоми тўғрисида"ги Европа хартиясининг 4-моддасида судья ўзининг касбий, ижтимоий ва маданий билимлари даражасини таъминлаш учун малакасини ошириш имкониятига эга бўлиши лозимлиги белгиланган<sup>1</sup>.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, профессионал ва етук судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи махсус давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси – Судьялар олий мактаби

ташкил этилди. Судьялар олий мактабида таълим фаолияти судьялик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш бўйича бир йиллик магистратура курси, судья ва суд ходимларининг касбий билим ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилган малака ошириш курси ҳамда судьяларни раҳбарий лавозимларга қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш билан амалга оширилади.

Судьялар олий мактабида ўқув курсларининг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги инновацион педагогик ва интерфаол ўқитиш услублари таълим жараёнига жорий этилган:

ўқув курсини асосан суд амалиётини чуқур ўрганишга, қонунни тўғри қўллашга йўналтириш;

ўқув машғулотларини назария ва амалиётни биргаликда уйғун ҳолда олиб бориш (назарий ва амалий машғулотларни алоҳида ўтказиш усулидан воз кечиш);

судьялик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам берувчи амалий машғулотлар ва суд имитацияларини кўпроқ ташкил қилиш;

машғулотларни суд амалиёти умумлашмалари ва суд ҳужжатлари обзорларидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил қилиш;

ўқув машғулотларига тажрибали судьялар, суд фахрийлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, олимлар ва етук мутахассисларни жалб қилиш, улар иштирокида қўшма машғулотлар

1 Европейская хартия о статусе судей. Постатейный комментарий // Российская юстиция. 1999.-№ 9.– С. 5,6.



ўтказиш ва ҳ.к.

Эътироф этиш лозимки, БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян 2021 йил 18 майда Женевада берган интервьюсида Судьялар олий мактаби фаолияти йўлга қўйилиб, судьялар ва суд ходимларини мустақил ўқитиш тизими яратилганлиги Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ соҳасида эришган муҳим ижобий натижаларидан бири эканлигини таъкидлаб, таълим жараёнининг амалиёт билан узвий ҳолда олиб борилаётганини ва касбий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилганлигини мамнуният билан қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўтган давр мобайнида Олий мактабда 740 нафар судья (амалдаги 1317 нафар судьядан 56 %) ва 352 нафар суд ходими малака ошириш курсларида, 30 нафар судьялар қайта тайёрлаш курсларида ўқитилди, 132 нафар судьялик лавозимига номзод (2019/2020-ўқув йилида 59 нафар, 2020/2021 ўқув йилида 73 нафар) бир йиллик магистратура курсида таҳсил олди. 2021/2022-ўқув йили учун жами 76 нафар тингловчи магистратурага қабул қилинди. Шунингдек, амалдаги судьялар ва суд ходимлари учун 40 дан ортиқ масофавий ва 10 дан ортиқ сайёр қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Олий мактабни муваффақиятли тамомлаган жами 132 нафар тингловчидан 106 нафари (82%) ҳозирга қадар судьялик лавозимига тайинланган.

Олий мактабда чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида олий ўқув юртидан кейинги таълим институти ташкил этилиб, ҳозирда Олий мактабда 94 нафар тадқиқотчи, шундан 3 нафар докторант, 17 нафар таянч докторант ва 74 нафар мустақил изланувчи илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Шулардан 4 нафари диссертация ишини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 2 нафари юридик фанлар доктори (DSc), 2 нафари юридик фанлар номзоди (PhD) илмий даражасига эга бўлди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг қарори билан Олий мактабда Илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилиб, ўтган даврда 1 та докторлик ва 2 та номзодлик диссертацияларининг ҳимояси ўтказилди ҳамда етакчи ташкилот сифатида 12 нафар тадқиқотчининг диссертациялари муҳокама қилинди.

Қайд этиш лозимки, Олий мактаб фаолиятининг самарадорлиги унинг ҳуқуқий табиатига ёндош бўлган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг амалдаги татбиғига ҳам бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам Судьялар олий мактаби уставида тажриба алмашиш, таълим жараёни сифатини ошириш бўйича саъй-

ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида ҳуқуқий соҳадаги фаолият билан шуғулланувчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш вазифаси алоҳида назарда тутилган.

Қайд этиш жоизки, Судьялар олий мактаби ҳозирга қадар 20 дан ортиқ халқаро ташкилот, миллий ва хорижий давлатлар таълим ва илмий муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Идоралараро ҳамкорлик хусусида сўз юритганда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси билан ўзаро муносабатларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Суд ишларини юритишда бевосита иштирок этувчи ва мақсади одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўлган прокуратура органлари ходимларини тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва малакасини оширувчи мазкур Академия билан кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Бинобарин, судларда прокурор ваколатини таъминлаш, суриштирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш фаолияти судлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, процессуал қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш, бу борада ягона амалиётни таъминлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг асоси ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида ҳамкорликда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уларнинг натижаларини ҳуқуқни қўллаш амалиётига кенг жорий қилиш, шунингдек ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида 2019 йил 16 май куни Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида илмий-тадқиқот консорциуми тузилди. Консорциумнинг асосий вазифаларидан бири суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш, прокурор назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқ соҳасининг бошқа долзарб масалалари бўйича қўшма фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқот ўтказиш ҳисобланади.

Ўтган даврда консорциум доирасида илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш бўйича белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш юзасидан ҳамкорликда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

Бош прокуратура Академияси томонидан тадқиқотчилар учун ташкил этиладиган “Фан соат”ларида Олий мактаб докторантлари ва мустақил изланувчиларининг ҳам мунтазам иштирок этиши

йўлга қўйилди. Фан соатларида диссертацияга қўйилган талаблар, эътибор қаратилиши лозим бўлган асосий вазифалар, илмий мақолаларни тайёрлаш, хорижий журналларда мақолалар ва тезисларни чоп этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиши, икки муассаса мутахассисларининг долзарб масалалар бўйича ўз маслаҳатларини бериб боришлари тадқиқотчиларнинг илмий ишларини ўз вақтида ва сифатли амалга оширишларига хизмат қилмоқда;

суд-ҳуқуқ соҳасидаги долзарб масалалар ва ечимини кутаётган муаммолар юзасидан илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадида икки муассаса ўртасида магистратура тингловчилари, таянч докторантлар ва докторантлар учун фундаментал илмий ишлар мавзулари базасини шакллантириш бўйича ўзаро фикр алмашиш тартиби йўлга қўйилган;

Олий мактаб ва Академияда фаолият юритувчи Илмий кенгаш ва Илмий семинарлар таркибида икки муассаса профессор-ўқитувчиларининг иштироки доимий равишда таъминлаб келинмоқда. Бу эса ушбу кенгашлар томонидан илмий ишлар муҳокамасига оид ягона ёндашув ва амалиётни таъминлашга хизмат қилмоқда. Хусусан, ўтган йилда ҳар икки муассаса илмий кенгашларида 5 нафар тадқиқотчининг илмий ишлари муҳокама қилинган;

Суд ва прокуратура органлари ходимларининг Судьялар олий мактаби ва Бош прокуратура Академиясида мустақил изланувчи сифатида илмий тадқиқотларни амалга оширишлари учун барча имкониятлар яратилган. Хусусан, ўтган йилда Бош прокуратура Академияси 2 нафар мустақил изланувчисининг илмий иши доирасида судьялар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказишга амалий ёрдам кўрсатилган.

Судьялар олий мактаби ва Бош прокуратура Академияси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, мавжуд алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилнинг 30 октябрида икки муассаса ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Унда тарафларнинг йигирмадан ортиқ йўналишларда ўзаро ҳамкорлик қилишлари белгиланди. Хусусан, келишувда суд ва прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш, раҳбарлик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофиқ ҳуқуқни қўллаш, суд амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар ўтказишда томонлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш асосий вазифалар этиб белгиланди.

Шунингдек, томонлар Келишув доирасида

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари бўйича қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, одил судлов ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш, халқаро тажрибани ўрганиш натижалари бўйича суд-ҳуқуқ соҳасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга йўналтирилган ишланмалар, шунингдек одил судловни янада демократлаштириш, суд фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича концепциялар, дастурлар, тавсиялар тайёрлаш юзасидан ҳам ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги ҳақида яқдил тўхтамга келдилар.

Келишув доирасида таълим жараёни ва илмий-тадқиқот ишларига томонларнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимларини жалб этиш, судьялар ва прокурорлар учун долзарб мавзулар бўйича ўзаро тажриба алмашиш ва ягона суд амалиётини таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги ўқув машғулотларини ўтказиш, томонларнинг профессор-ўқитувчилари, ходимлари, тингловчилари билан ҳамкорликда соҳага оид янги авлод дарсликлари, монографиялар, ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар, фаннинг ишчи дастурлари ҳамда долзарб ҳуқуқий мавзуларда илмий мақолалар, тезисларни тайёрлаш, ягона суд амалиётини таъминлаш, фан соҳасидаги долзарб муаммоларнинг ечимларига бағишланган конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, кафедралар томонидан ишлаб чиқилган муаммоли вазиятлар, кейслар, казуслар умумий базасини яратиш мақсадида казус, кейслар билан ўзаро алмашиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида ҳамкорлик доирасида ўқув жараёнини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлар мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, қонунни қўллаш бўйича ягона амалиётни таъминлаш мақсадида ҳамкорликда 30 га яқин турли тадбирлар ташкиллаштирилди.

Жумладан:

Олий мактаб ва Академия профессор-ўқитувчилари томонидан 4 та дарслик, 1 та ўқув-амалий қўлланма, 1 та практикум тайёрланиб, чоп этилди;

6 та илмий-амалий конференция, 2 та ўқув семинари, 2 та қўшма ўқув машғулоти, тингловчиларни мантиқий фикрлаш ва баҳс-мунозарага киришиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида икки марта дебат ўтказилди;

Томонларнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимларини тингловчиларнинг билимини синовдан ўтказиш бўйича синовларда, таянч докторантура, докторантура ва магистратурага



кириш имтиҳонлари комиссиялари таркибида мунтазам ўзаро иштирок этиш амалиёти йўлга қўйилди;

Судьялар олий мактабида назарий билимлар билан бир қаторда, тингловчиларнинг амалий кўникмаларини ошириш мақсадида тингловчилар томонидан ўтказиладиган “суд мажлиси имитациялари”да прокурор иштирокини таъминлаш юзасидан “Судларда прокурор иштироки” имитацион суд процесслари ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ҳар иккала муассаса томонидан ташкиллаштирилган халқаро, илмий-амалий тадбирларда ўзаро иштирок этиш амалиёти жорий этилди. Бинобарин, келишув шартларига мувофиқ ҳам Судьялар олий мактаби ва Бош прокуратура Академияси томонидан ўтказиладиган судьялар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг иштирокида ягона суд амалиётини таъминлаш, фан соҳасидаги долзарб муаммолар ечимларига бағишланган конференциялар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа илмий-амалий анжуманларга томонларнинг профессор-ўқитувчилари, ходимлари, мутахассислари ва тингловчиларини таклиф этиш назарда тутилган.

Юридик кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик узлуксиз давом этадиган муҳим жараён бўлиб, уни доимий равишда такомиллаштириб бориш талаб этилади. Шу боис, Судьялар олий мактаби ва Бош прокуратура Академияси ўртасида ҳамкорликни янада кучайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

ҳар йили амалиётдаги долзарб муаммолар ва ҳал этилиши зарур бўлган масалаларни ўзида акс эттирган ҳамкорликдаги чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш;

Олий мактаб ва Академия тингловчиларининг

ихтисослиги бўйича махсус фанлардан қўшма дарс машғулотларини ташкил қилиш;

Олий мактаб ва Академия профессор-ўқитувчилари томонидан очиқ ва маҳорат дарсларининг мунтазам ўтказилишини, уларда томонларнинг профессор-ўқитувчилари, ходимлари, мутахассислари ва тингловчиларининг кенг иштирокини таъминлаш;

тегишли илмий тадқиқотлар натижаларини суд ва прокуратура органлари фаолиятига татбиқ этиш чораларини кўриш;

соҳага оид янги авлод дарсликлари, ўқув ва амалий қўлланмаларни белгиланган режа асосида тайёрлаш;

дарс машғулотлари самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ўқув-услубий соҳада тажриба алмашишни йўлга қўйиш;

ўқув машғулотларига замонавий ахборот технологияларини жалб қилиш, ахборот алмашиш борасида ҳамкорликни янада кенгайтириш;

суд-ҳуқуқ соҳасидаюзага келаётган муаммоларни биргаликда муҳокама қилиш ва улар ечимига оид таклифларни тайёрлаш;

Олий мактаб ва Академия профессор-ўқитувчилари ҳамда тингловчилари ўртасида интеллектуал, спорт ва маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, Судьялар олий мактаби ва Бош прокуратура Академияси ўртасида йўлга қўйилган ўзаро ҳамкорлик янги Ўзбекистон тараққиётининг устувор ғоясига айланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилиш ҳамда “адолатни қарор топтириш”га қодир бўлган етук ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда муҳим амалий аҳамият касб этади. Зеро, демократик ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам жамиятда қонун устуворлиги ва адолатни қарор топтиришдир.

#

Рустам ХАТАМОВ,  
ИИБ Академияси бошлиғи

# ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ: НАТИЖА ВА ИСТИҚБОЛ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг прокуратура органлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари, ҳамкорликни ташкил этишнинг янги механизмларини амалиётга жорий этишнинг бугунги аҳволи ҳақида баён этилади.

**АННОТАЦИЯ.** В статье описаны основные направления сотрудничества органов внутренних дел и органов прокуратуры в сфере предупреждения и борьбы с преступностью, текущее состояние реализации новых механизмов взаимодействия.

**ABSTRACT.** The article describes the main directions of cooperation between law enforcement agencies and the prosecutor's office in the crime prevention and fight, the current state of implementation of new mechanisms for cooperation.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, ички ишлар ва прокуратура органлари ҳамкорлиги.

**Ключевые слова:** профилактика правонарушений, борьба с преступностью, взаимодействие правоохранительных органов и органов прокуратуры.

**Key words:** crime prevention, fight against crime, cooperation between law enforcement and prosecutor's offices.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бевосита юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ички ишлар ва прокуратура органлари етакчи субъектлардан ҳисобланади. Буни 2014 йил 14 май куни қабул қилинган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддасида келтирилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимида ҳам кузатиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигига субъектларининг тўғри ташкил этилган ҳамкорлигисиз эришиб бўлмайди.

Бу борада ички ишлар ва прокуратура органларининг ҳамкорликдаги фаолияти азалдан Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик

тўғрисидаги кодекслар ва бошқа норматив ҳужжатлар асосида тўғри ташкил этиб келинган.

2017 йил 14 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорининг<sup>1</sup> қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқди десак муболаға бўлмайди.

Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси ташкил этилиб, унда ички ишлар вазири – комиссия раиси ва Бош прокурор ўринбосари эса – комиссия раисининг ўринбосари этиб белгиланди.

Қарор билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилди. Натижада республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарори // URL: <https://lex.uz/uz/docs/3141186> (7.12.2021 й.да мурожаат қилинган).



вазирларнинг сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Шу билан бирга, бу борада ички ишлар ва прокуратура органлари ҳамкорлигини ташкил этишнинг янги механизми амалиётга жорий этилмоқда.

Шунингдек, мавжуд ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланишни йўлга қўйиш, барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишнинг амалий механизмларини жорий этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишдаги ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”<sup>2</sup>ги, 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”<sup>3</sup>ги ҳамда 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”<sup>4</sup>ги қонунларида ҳам ўз ифодасини топган.

Мазкур қонун нормалари таҳлилига асосланиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг прокуратура органлари билан ҳамкорлигини қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

а) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, ушбу соҳада қонунийликни таъминлаш (айниқса, ҳуқуқбузарлик содир этган, содир этишга мойил бўлган ёки оғир аҳволда қолган вояга етмаганлар ва аёллар, шунингдек муқаддам судланганлар билан ишлашда);

б) жамоат хавфсизлигини таъминлаш;

в) ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш (қўшма тергов-тезкор гуруҳлари ва идоралараро комиссиялар шаклида);

г) жиний жазоларни ижро этишда қонунийликни таъминлаш (айниқса, маҳкумлар сақланиши, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларининг таъминланиши, “авф” бўйича

комиссия фаолиятини ташкил этиш ва бошқалар).

Бундан ташқари, ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилишни назарда тутган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга йўналтирилган вазифаларнинг бажарилишида прокуратура органлари масъул сифатида белгиланган. Шундан 11 таси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва 3 таси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2 таси идоравий буйруқ ва 1 таси иш режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари томонидан эришилган қуйидаги натижаларда прокуратура органлари билан амалга оширилган самарали ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш ўринли:

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир жами 3803 та турли даражадаги дастур ишлаб чиқилган бўлиб, шундан 1306 таси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан, 64 таси прокуратура органлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқилиб ижрога йўналтирилган<sup>6</sup>;

2) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга доир фаолиятни баҳолаш ва мониторинг қилиш натижаларига кўра ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси доирасида 679 736 та профилактик суҳбат ўтказилган, 111 711 нафар шахс расмий огоҳлантирилган, 140 382 нафари профилактик ҳисобга олинган, 17 981 нафар шахс маъмурий назоратга олинган.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси доирасида 57 026 маротаба тадбир ўтказилган, шундан 21 311 таси илгари судланган шахслар ўртасида ташкил этилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси бўйича 7 803 та профилактик тадбир ташкил

2 Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги “Прокуратура тўғрисида”ги 257-II-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/106197> (7.12.2021 й.да мурожаат қилинган).

3 Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎПҚ-371-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/2387357> (7.12.2021 й.да мурожаат қилинган).

4 Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎПҚ-407-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/uz/docs/3027843> (7.12.2021 й.да мурожаат қилинган).

5 Ички ишлар органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлар Дастури // <https://lex.uz/docs/3159827> (7.12.2021 й.да мурожаат қилинган).

6 [file:///C:/Users/User/Desktop/Статистика%20қўмитаси%20маъ/profilaktika\\_2021%20yil%20yanvar%20-sentabr-uz.pdf](file:///C:/Users/User/Desktop/Статистика%20қўмитаси%20маъ/profilaktika_2021%20yil%20yanvar%20-sentabr-uz.pdf) (7.12.2021 й.да мурожаат қилинган).

қилинган. Тадбирлар давомида 4 720 нафар шахс ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи бўлиб қолиш эҳтимолида бўлган шахс сифатида рўйхатга олинди, 3083 та ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойлар назоратга олинган<sup>7</sup>;

3) жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш борасида:

– 7 та турдаги процессуал ҳаракатларнинг аудио-видео қайд этиш мажбурийлиги белгиланиб, соҳага илғор криминалистик воситалар, масофадан туриб сўроқ қилиш ҳамда мобил тергов қилиш платформалари жорий этилган;

– ички ишлар органларига келтирилаётган фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли таъминлаш учун жами 1 123 та алоҳида “сўровхоналар” ташкил этилиб, уларнинг барчасига видеокамералар ўрнатилган ва узлуксиз ёзиб олиниши қатъий белгилаб қўйилган;

– ходимларнинг ташаббуси билан 15 434 та жиноят (жами 45 630 тадан 33,8 %) аниқланган. Хусусан, 548 та коррупциявий, 99 та одам савдоси ва 322 та кибержиноят фош этилган, 368 кг наркотик воситалари, 55 дона ўқотар қурол ва 212 дона ўқдорининг ноқонуний айланмасига чек қўйилган, 707 нафар “ҳужра”да қатнашган ҳамда 379 нафар чегарадан ноқонуний ўтган шахсга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланган, аввалги йиллардан очилмасдан қолган 3 833 та жиноят фош этилган.

Тор доирадаги соҳа мутахассислиги бўйича жиноят ишларини тергов қилиш сифатини ошириш мақсадида йўл-транспорт ҳодисалари, фирибгарлик, кибержиноятчиликка ихтисослашган алоҳида бўлинмалар ташкил этилиб, ушбу турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича тергов қилиш методикаси яратилди.

Идоралараро тергов-тезкор гуруҳи томонидан 5 187 та оғир ва ўта оғир жиноят фош этилиб, ўндан ортиқ босқинчилик, талончилик ва ўғирлик жиноятларини содир этувчи жиноий гуруҳларнинг фаолиятига чек қўйилди<sup>8</sup>.

Жиноятлар фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган шахсларнинг қидирувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ва профилактик тадбирлар натижасида Республика бўйича 2020 йилда қидирувда бўлган шахсларнинг

25 фоизи аниқланган<sup>9</sup>;

4) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан жами 19071 та, шундан прокуратура органлари билан ҳамкорликда 954 та тақдимнома киритилган.

Ваколатли орган ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирлар доирасида давлат бошқаруви идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилгани натижасида республика бўйича жами **9 251 та** маҳаллаларнинг **4 559 тасида** (49,3 %) биронта ҳам жиноят содир этилмаганлигига эришилди<sup>10</sup>;

5) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва 12 та вилоятларда ташкил этилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолияти мувофиқлаштирилди.

Улар томонидан 2021 йилда 1 048 694 мартаба манзилли профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиши таъминланди.

Худди шундай вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолияти ҳам мувофиқлаштирилиб, улар томонидан жами 205268 мартаба манзилли профилактик чора-тадбирлар амалга оширилиши таъминланди<sup>11</sup>;

6) Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ташаббуслари билан маҳаллаларда “фуқаробай” ишлаш тизими жорий этилиб, жиноятчиликни “маҳаллабай” жиловлаш ишларини йўлга қўйиш борасида тизимли чоралар амалга оширилди.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ишни “маҳаллабай” ташкил этишда маҳалла раиси, профилактика инспектори, мактаб директори, ёшлар етакчиси ёшлар муаммоларини “фуқаробай” аниқлаб, ушбу йўналишда аҳолининг кайфияти, мурод-мақсади, мавжуд муаммоларига ойдинлик киритиб, сектор раҳбарлари олдида аниқ ва лўнда

7 file:///C:/Users/User/Desktop/Статистика%20қўмитаси%20маъ/профилактика\_2021%20йил%20январ%20-сентябр-уз.pdf (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

8 <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar> (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

9 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи эшитилди // <https://senat.uz/uz/lists/view/2735> (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

10 <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar> (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

11 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи эшитилди // <https://senat.uz/uz/lists/view/2735> (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).



масалаларнинг қўйилишини таъминловчи вазият шакллантирилди<sup>12</sup>.

Бу борада амалга оширилган қуйидаги ишларни келтириб ўтиш мумкин:

– республика бўйича 830 та криминоген вазияти оғир маҳаллада сектор раҳбарлари томонидан “оилабай” ишлаш дастурлари тасдиқланиб, ижрога қаратилди;

– республикадаги барча (9 251 та) маҳаллаларда криминоген вазият танқидий кўриб чиқилиб, 2 908 та маҳалла “қизил”, 1 784 таси “сарик” ва 4 559 таси “яшил” тоифаларга ажратилди<sup>13</sup>;

– “қизил” ва “сарик” маҳаллаларда “жиноят ўчоқ”ларини бартараф этиш учун уларнинг ҳар бири туман-шаҳар ҳоқими, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари ва ўринбосарларига бириктирилди;

– криминоген вазияти энг оғир ҳисобланган 267 та маҳаллада қўшимча патруллик йўналишлари ташкил этилиб, уларга 442 нафар ички ишлар органлари ва 307 нафар Миллий гвардия ходимлари жалб этилди<sup>14</sup>;

– ҳар бир ҳудудда энг оғир бўлган 10 тадан маҳалла вилоят даражасидаги биринчи раҳбарларга бириктирилиб, ҳудудда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича босқичма-босқич “ижтимоий профилактика” тизими амалиётга татбиқ этилмоқда.

Эндиликда муаммоларнинг “маҳаллабай”, “хонадонбай”, “фуқаробай” сингари ёндашувлар асосида ҳал этилиши, шунингдек ҳудудда низоли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, низолашаётган тоифа шахсларни ўрганиш ва келгусида уларнинг ҳар бирига ғайриижтимоий ёки бошқа ҳуқуққа хилоф хулқ-атвор эҳтимоли нуқтаи назаридан индивидуал ташхис қўйиш ҳамда уларга нисбатан профилактик аҳамиятга эга таъсирчан чораларни кўриш яқка тартибда ёндашув асосида ташкил этилиши йўлга қўйилди.

Бу борда “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” асосида хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, “Хавфсиз хонадон” ва “Хавфсиз ҳовли” тизими асосида уймау-уй юриб, индивидуал ёндашув асосида аҳолининг ижтимоий масалалардаги муаммо ва эҳтиёжларини аниқлаш ҳамда аниқланган муаммоларни имкон қадар жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.

Натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик-

лари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқимизнинг розилиги, унинг ишончини оқлашга муайян даражада эришилди. Амалга оширилган ислохотлар Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар ҳамда прокуратура органларига бўлган ишончни яхшилади.

Фикримизнинг тасдиғи сифатида 2020 йилнинг ноябрь ойида “Gallup” халқаро ижтимоий сўров ташкилоти томонидан чоп этилган “Global Law and Order” ҳисоботи Ўзбекистон – ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари аҳоли ишончини қозонган хавфсиз мамлакат эканлигини тасдиқлаганлигини эътироф этиш жоиздир.

Қонун ва тартиб индекси рейтинги “Яшаб турган шаҳрингиз ёки ҳудудингиздаги маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органларига ишонасизми?”, “Яшаётган шаҳрингиз ёки ҳудудингизда кечалари сайр қилишда ўзингизни хавфсиз ҳис қиласизми?”, “Сўнгги 12 ой ичида ўзингиз ёки оила аъзоларингиз пул ёки мулк ўғирлатганми?” ва “Охириги 12 ой ичида сизга ҳужум қилишдими ёки тунашдими?” мазмунидаги саволларга респондентлардан олинган жавоблар асосида тузилган.

Ўзбекистон Туркменистон ва Швейцария билан бирга тўртинчи ўриндан жой олган бўлса, Сингапур рейтингда етакчи бўлди, Афғонистон эса охириги ўринда қайд этилган<sup>15</sup>.

Бироқ мазкур ижобий натижаларга берилмасдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар органларининг прокуратура органлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чораларини кўриш лозим.

Бунинг учун қуйидагиларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

биринчиси, қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ички ишлар органларининг прокуратура органлари билан ҳамкорлигининг аниқ йўналишларини белгилаш;

иккинчиси, Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Бош прокуратура Академияси ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, бу борада ҳар иккала тузулма учун тизимли равишда кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича

12 Мирзиёев Ш.М. “Энди маҳаллада “фуқаробай” ишлаймиз” // <https://kun.uz/49206105> (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

13 Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар // <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar> (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

14 Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ислохотлар // <https://iiv.uz/oz/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar> (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

15 Ички ишлар тизимидаги ислохотлар Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот идораларига бўлган ишончни яхшилади // [https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi\\_ca/features/2019/11/19/feature-01](https://central.asia-news.com/uz-Cyrl/articles/cnmi_ca/features/2019/11/19/feature-01) (7.12.2021 й. да мурожаат қилинган).

ҳамкорликнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;  
учинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ички ишлар органларининг прокуратура органлари билан ҳамкорликдаги фаолиятига ҳамкорликнинг замонавий усул ва шакллари жорий этиш;

тўртинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб муаммоларини ҳамкорликда тадқиқ этиш мақсадида диссертацион, фундаментал ва амалий тадқиқотлар мавзуларини шакллантириш ва илмий тадқиқотлар олиб боришни такомиллаштириш;

бешинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тизимли таҳлил қилиш, илмий асосланган хулосаларни шакллантириш ва шу асосда мамлакатнинг ушбу йўналишдаги стратегиясини ишлаб чиқишни самарали йўлга қўйиш;

олтинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг янги тактика ва методикаларини тизимли равишда ишлаб чиқиб, ички ишлар ва прокуратура органлари амалиётига жорий этиб бориш;

еттинчиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

ва жиноятчиликка қарши курашишда ички ишлар ва прокуратура органларининг ҳамкорлигини тартибга солувчи норматив ҳужжатларни ўрганиш, қонунчилик нормаларида мавжуд бўлган зиддият ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаб, бартараф этиш чораларини кўриш;

саккизинчиси, пробация тизимини янада такомиллаштириш бўйича ҳамкорликда бошланган ишларни давом эттириш ва кутилган натижаларга эришиш;

тўққизинчиси, ички ишлар ва прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлигини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

Ўйлаймизки, келгусида ушбу йўналишдаги ишлар ва мақсадли ҳамкорлик **“Халқ манфаатларига хизмат қилиш”** тамойили асосида ташкил этилган мутлақо янги механизм ва тартиблар асосида давом эттирилади. Ички ишлар ва прокуратура органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлигининг мувофиқлиги етарлича таъминланади ва кутилган натижага эришилади.

#



## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИДА КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ ТИЗИМИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада мамлакатимизда кадрларни тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш борасидаги ислохотлар, прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш замонавий тизимининг яратилиши, унинг ривожланиш, ўқитиш шакллари, малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш сифатини яхшилаш, масофавий электрон таълим тизимини ташкил этиш фаолияти, илмий кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш масалалари ёритилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматриваются вопросы реформирования системы подготовки, переподготовки и повышения квалификации и профессионального мастерства прокурорско-следственных кадров, его развитие, формы обучения, вопросы повышения качества подготовки квалифицированных юридических кадров, создания дистанционной "Электронной" образовательной системы, подготовка научных кадров и осуществление научных исследований.

**ANNOTATION.** The article covers the reforms in the field of training and advanced training of personnel in our country, the creation of a modern system of advanced training of prosecutorial and investigative personnel, its development, forms of training, improving the quality of training of qualified lawyers, activities for the organization of a "electronic" distance educational system, training of scientific personnel and the implementation of scientific research.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ ислохотлари, кадрларнинг касб маҳоратини ошириш, замонавий малака ошириш тизими, малакали мутахассислар, илмий кадрларни тайёрлаш, масофавий электрон таълимни ташкил этиш, илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

**Ключевые слова:** судебно-правовые реформы, повышение профессионального мастерства кадров, современная система повышения квалификации, подготовка квалифицированных специалистов, дистанционное (электронное) обучение, осуществление научных исследований.

**Keywords:** judicial and legal reforms, professional development of personnel, modern system of advanced training, training of qualified specialists, creation of distance e-learning, implementation of scientific research.

Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш борасида прокуратура органларининг зиммасига юклатилган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши кадрларнинг билими, тажрибаси ва касб маҳоратига боғлиқдир.

Республикада амалга оширилаётган ва суд-ҳуқуқ ислохотлари прокуратура органлари олдида янги-янги ва муҳим вазифаларни қўймоқда. Уларни бажариш ва кўзланган мақсадларга эришиш Бош прокуратура, шу жумладан, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси ва уларнинг жойлардаги органлари ходимларининг малакасини доимий равишда ошириб бориш, раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва илмий салоҳиятни юксалтириб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин собиқ тузумдан қолган прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш тизимини янгидан ислоҳ этиш зарурати

вужудга келди. Чунки, Собиқ Иттифоқ даврида республика прокуратурасининг кадрлар бўлими таркибида кадрларни тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш бўлими фаолият юритган бўлиб, кадрларни тайёрлаш ва касб маҳоратини ошириш бўйича ўқиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш, ўқитиш услуги ва қоидаларини етарли даражада эгалламаган ходимлар томонидан амалга оширилган эди.

Собиқ Иттифоқ қонунлари ва топшириқлари устуворлигини таъминлаш ҳамда уларнинг сўзсиз ижросини бажариш мақсадида барча иттифоқдош республикаларнинг прокурор-тергов ходимларининг (бир ой ва ундан ортиқ муддатга) малакасини ошириш СССР прокуратурасининг Россия Федерацияси ва Украинада жойлашган ўқув муассасаларида фақат рус тилида ташкил этилар эди. Бу эса, айрим маҳаллий кадрларга ўқув фанларини ўзлаштиришда қийинчиликлар туғдирган, фаолият самарадорлигига салбий таъсир қилган ва оқибатда миллий кадрлар, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимида ижобий натижаларни бермаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни

муваффақиятли амалга ошириш ҳар бир прокуратура ходимидан доимий равишда ўз касб маҳорати ва малакасини ошириб боришини, иш услубларини такомиллаштиришини талаб қилишини назарда тутиб, ходимларни тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида 1992 йилнинг 24 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 33-сонли қарори билан прокуратура органларининг таркибий тузилмаси тасдиқланиб, унда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида “Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази” ташкил этилди ва шу даврдан бошлаб прокурор-тергов ходимларини малакасини ошириш тизими яратилди.

Малака ошириш фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси прокурори томонидан 1993 йил 25 майда “Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 337-сонли буйруғи қабул қилинган.

Ушбу муассаса дастлабки босқичда прокуратура органлари ходимларининг малакасини оширишда алоҳида ўринга эга бўлди. Ўқув жараёнларини амалга оширишни самарали ташкил этиш учун учта кафедра ташкил этилди. Ўқув жараёнларига тегишли мутахассислар, амалиётчилар, олимлар жалб қилинди. Марказ фаолияти давомида республикада қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммоларини таҳлил қилиш, мавжуд салбий ҳолатлар, хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан тавсияларни ишлаб чиқиш ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш борасида ижобий ишларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотларини изчил олиб борилиши ва бу жараёнларда прокуратура органлари тизимида ҳам туб ислохотлар юз бериши прокурор-тергов ходимларини замон талабига мос равишда фаолият юритишлари учун юридик билимларни такомиллаштириш, хизмат вазифаларини самарали адо этишлари учун уларнинг малакаларини ошириш талаби янада кучайди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-727-сонли Қарори қабул қилинди. Бош прокуратуранинг Қонунчиликни

мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази тугатилиб, унинг негизда Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари ташкил этилди. Олий ўқув курсларининг асосий вазифаси этиб юридик фан, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил этишнинг энг янги ютуқларини ўргатиш мақсадида прокуратура органларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш белгиланди<sup>1</sup>.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши прокуратура органлари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган намунавий ўқув режалари ва Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари талабларига мувофиқ равишда фаолиятини амалга оширди.

Жумладан, ўқиш жараёнини самарали ташкил этиш ва прокурорлик назорати фаолияти бўйича фанларни ҳар томонлама қамраб олиш мақсадида Олий ўқув курсларида “Қонунлар ижроси устидан назорат”, “Судларда прокурор ваколатини таъминлаш”, “Жиноятчиликка қарши курашиш ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат” кафедралари ҳамда Ўқув жараёнини методик таъминлаш бўлими фаолият юритди. Шунингдек, Олий ўқув курсларида таълим жараёнининг асосий йўналишларини кўриб чиқиш ва умумий раҳбарлик қилиш учун Илмий кенгаш фаолият кўрсатди. Илмий кенгаш таркиби Олий ўқув курслари бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тасдиқланган.

**Олий ўқув курслари ҳам ўз фаолияти давомида** юридик фан, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқарувни илмий ташкил этишнинг энг янги ютуқларини ўргатиш асосида прокуратура органларининг раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини ошириш, ишчанлик ва касбий фазилатларини, ахборот-таҳлил ишлари кўникмаларини ривожлантириш, профессионал вазифаларни ҳал этишда замонавий компьютер технологияларидан, глобал ахборот тармоқлари ресурслари имкониятларидан фойдаланиш борасидаги билимларни чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларни, ташкилотчилик қобилияти ва раҳбарлик маҳоратини такомиллаштириш, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликка қарши кураш муаммолари бўйича тадқиқотларни амалга

1 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси архиви.



ошириш ҳамда амалий таклифлар, тавсиялар ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш кўникмаларини шакллантиришда маълум ютуқларга этишди.

Амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга янги ёндашув ҳамда қонун устуворлигини ва қонунчиликнинг мустақамлигини таъминлаш бўйича вазифалар келгусида прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш зарурлигини шарт қилиб қўйди. Президентимизнинг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курслари Академияга айлантирилди. Фармонга мувофиқ, Академиянинг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб:

прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустақамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва бошқа долзарб масалалар белгиланган.

Пандемия шароитида прокуратура органлари ходимлари билим ва кўникмаларини узлуксиз давом эттириш мақсадида ходимларни масофавий ўқитиш бўйича махсус электрон платформа яратилиб, онлайн ўқув курслари ташкил этилди. Мазкур курсларда ўтган 2020-2021 йиллар давомида қарийб 6957 нафар прокуратура ва 1675 нафар бошқа вазирликлар ва идоралар

ходимлари электрон таълим тармоғи орқали ўқитилди.

Академияда илмий салоҳиятни такомиллаштириш тадбирларига алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Академия профессор ва ўқитувчилар, амалиётчи ва илмий ходимлари прокуратура органларида илм-фан ва амалиётнинг уйғунлашувига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



Академиянинг бир йиллигига бағишланган халқаро конференция



Академия илмий кенгашидан лавҳалар



Академиянинг танлов совриндор ходимларини тақдирлаш

Академияда прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни самарали йўлга қўйган ҳолда ошкора амалга ошириб келмоқда. Жумладан, 2020 йил 23 ноябрь куни Бош прокуратура Академиясида Академия фаолияти билан танишиш бўйича пресс-тур ташкил этилиб, унда 20 нафардан зиёд давлат ва нодавлат ОАВ вакиллари, блогерлар ҳамда интернет журналистика соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар иштирок этди. Пресс-тур давомида меҳмонлар Академия кафедралари, бўлим ҳамда марказлари фаолияти, шунингдек ўқув жараёни, илмий тадқиқотлар ҳамда таҳлилий фаолиятнинг ташкил этилиши билан атрофлича танишиш имкониятига эга бўлдилар. ОАВ вакилларига Академия фаолиятига оид видеоматериаллар ва тақдимотлар намойиш этилиб, тегишли брошюра ва буклетлар тақдим этилди. Меҳмонлар суд процесси имитацияси хонаси, криминалистика хонаси ва полигони, электрон тир ва бошқа амалий ҳамда вазиятли машғулотлар ўтказиш учун махсус жиҳозланган хоналар, шунингдек Академия ўқув аудиторияларини кўздан кечиришди. Уларда электрон (масофавий) ўқитиш, воқеа жойини виртуал кўздан кечириш, Академия мультимедиа марказининг имкониятлари қизиқиш уйғотди. Пресс-тур иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ва ишчанлик сифатлари, юқори адолатпарварлик ҳамда масъулият ҳиссини шакллантириш ва мустаҳкамлаш таъминланмоқда. Академияда Олий ўқув юртидаги каби амалий характерга эга ва прокуратура органларининг профессионал фаолияти билан яқин ўзаро алоқада магистр мутахассислар тайёрланмоқда. 2019–2020 ўқув йилидан бошлаб Академия, хусусан, ихтисослиги бўлмаган олий маълумотли ва меҳнат стажи беш йилдан кам бўлмаган прокуратура органлари ходимлари сафидан ҳам магистрлар тайёрлай бошлади<sup>2</sup>.



Академия магистрлари билан суд имитацияси машғулоти



Академияда тезкор-тергов гуруҳи тингловчилари билан амалий машғулот



ОАВ ходимлари билан учрашув (очиқлик ва шаффофлик) лавҳалари

Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизими билан Академия шуғулланади. Уларнинг билим ва кўникмаларини такомиллаштириш, шу билан бирга, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлаш, шахсий

Шунингдек, Академия ҳузурида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш фаолият кўрсатмоқда ва мазкур кенгашга учта ихтисослик бўйича диссертациялар ҳимоя қилишга рухсат берилган. Аҳамиятлиси, мазкур DSc 31/30 12 2019.1.Yu.67.01 рақамли илмий Кенгаш “12.00.07 – Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура”, “12.00.09 – Жиноят

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Тошкент шаҳри, 2018 йил 8 май ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида буйруғи.



процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси”; ва “12.00.12 – «Коррупция муаммолари (юридик фанлар)” ихтисосликлари бўйича диссертациялар ҳимоя қилишга рухсат берилган республика бўйича ягона Илмий кенгаш ҳисобланади<sup>3</sup>.

Академиянинг олий ўқув юртидан кейинги таълим институти томонидан илмий кадрлар тайёрлаш фаолияти амалга оширилиб, унда бугунги кунда 10 нафар докторант ва 92 нафар мустақил изланувчи илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланмоқда. Шу кунга қадар докторант ва мустақил изланувчилар томонидан 200 дан зиёд илмий мақола ва тезислар чоп этилган, монография ва ахборот-таҳлилий маълумотномалар тайёрланган. Академияда 1 нафар ходим юридик фанлари доктори ва 8 нафар ходим юридик фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини мувафақиятли ҳимоя қилди.

Шунингдек, Академияда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида идоралараро илмий тадқиқотларни амалга ошириш ва уларни мувофиқлаштириш мақсадида мамлакатимиз юриспруденция тарихида биринчи марта ТДЮУ, Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, ИИВ Академияси, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, ДХХ институти, ДБҚ Божхона институти, Адлия вазирлиги қошидаги Юристарлар малакасини ошириш маркази ва ДСҚ ҳузуридаги Малака ошириш маркази каби олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларини ўзида бирлаштирган Илмий-тадқиқот консорциуми ташкил этилди.

Консорциум доирасида турли илмий-амалий конференциялар ташкил этилмоқда, ахборот-таҳлилий маълумотномалар, қўшма тадқиқотлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланмоқда. Академиянинг профессор-ўқитувчиларининг саъй-ҳаракатлари билан 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг лойиҳаси, 150 дан ортиқ дарслик, ўқув, услубий ва амалий қўлланмалар, монографиялар ва бошқа махсус адабиётлар тайёрланди ва чоп этилди<sup>4</sup>.

2010 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўқув муассасасини илмий-амалий, ижтимоий-ҳуқуқий журнали Ахборотнома чоп этилиб келинади. Мазкур нашр такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Прокуратура органларини кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Бош прокуратура Академиясининг

Ахборотномасига айлантирилди.



Академияда тайёрланган ва чоп этилган махсус адабиётлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бошлиғининг 2020 йил 7 февралдаги 23-сонли буйруғи билан, 2018 йил 5 июнь куни тасдиқланган Бош прокуратура Академияси Ахборотномаси таҳририяти Низомига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқланган ва 2020 йил 7 февралдаги 26-сонли буйруғи билан Академия Ахборотномаси нашри таҳририятининг Низоми тасдиқланиб, Ахборотнома таҳририяти фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ахборотнома жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, давлатни модернизациялаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, давлат ва жамият қурилишининг турли соҳаларида қонунчиликни такомиллаштиришга оид илмий-оммабоп, таҳлилий материалларни тайёрлаш ва чоп этиш, илмий тадқиқотлар натижаларини ёритиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ҳамда уларни аҳолига, тингловчиларга етказиш ва бошқа долзарб масалаларни ҳал қилиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2018 йил 30 май кундаги 253/7-сонли қарори билан диссертациялар илмий натижаларини нашр қилиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Академиянинг бир қатор олимлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ” ИТК экспертлари сифатида илмий-тадқиқот ишлари – диссертациялар ва илмий лойиҳаларнинг муҳокамасида иштирок этиб, республикамиз илмий салоҳиятини ривожлан-

3 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясининг “Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш тўғрисида”ги 431-сон қарори, 2019 йил 30 декабрь.

4 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси архиви.



Марказ фаолиятига оид фотолар

тиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

2018 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан Бош прокуратурада Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрар прокуратураларида Жиноий-ҳуқуқий статистика бўлимлари, шунингдек, Академияда “Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази” ташкил этилди.

Қайд қилинган Марказ ташаббуси билан Тошкент шаҳар ИИББ билан ҳамкорликда БМТ Тараққиёт дастури ва Буюк Британия элчихонасининг техник кўмаги билан “Хавфсиз ҳудуд” мобил иловаси ишлаб чиқилиб Тошкент шаҳри ҳудудида ишга туширилди ҳамда вилоятларда йўлга қўйиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. БМТнинг Гиёҳвандлик ва жиноятчилик бўйича бошқармаси билан биргаликда Чилонзор туманида “Шаҳар муҳитида хавфсизликни бошқариш ёндашувини жорий этиш” лойиҳаси йўлга қўйилди.

Шунингдек, Марказ томонидан Тошкент шаҳрининг Чилонзор тумани прокуратураси ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар Фонди (ЮНИСЕФ) билан биргаликда илғор хорижий тажриба асосида ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларни жиноий таъқибдан холи қилиш лойиҳаси амалга оширилиб келинмоқда. Шу туманда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олишга янгича ёндашув асосида ишларни моделлаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 486-сонли қарори ишлаб чиқилди.

Марказ ташаббуси билан тажриба сифатида Тошкент шаҳрининг бир қанча аҳоли гавжум бозор

ва савдо марказларида тезкор қўнғироқ тугмачалари ўрнатилди ва замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва жамоат тартибини сақлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасида инновацион ғояларни жорий этиш соҳасида Телеграм ижтимоий тармоғида ахборот каналлари яратилди.

Марказ томонидан жиноятларни тизимли таҳлил қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида шу кунга қадар халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда 30 га яқин учрашув, семинар ва бошқа тадбирлар ўтказилди<sup>5</sup>.

Прокуратура органларида кадрлар сиёсатида оид амалга оширилаётган ислохотлар – жамиятда қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, халқимиз ва мамлакатимиз Президентининг ишончини оқлашга сафарбар этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мастақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида”ги 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ–4926-сон қарорига кўра, халқимиз учун энг улуғ ва азиз бўлган айём “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик” ғояси асосида кенг нишонлаш белгиланди. “Янги Ўзбекистон” деганда, янги иш услуби, инсонга янгича муносабат назарда тутилади. Халқ манфаатларини ҳамма нарсдан устун қўйиш, одамларни рози қилиш тамойилини амалга ошириш – янги Ўзбекистоннинг ўзига хос чизгилари десак муболаға бўлмайди. Халқимизнинг фаровон, тинч ва осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш, мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий эттириш барчамизнинг олий мақсадимиздир. Ушбу фикрлар прокуратура органларида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ва илмий фаолият тизимининг такомиллашувида дастуриламал бўлмоғи лозим.

5 Бош прокуратура Академияси Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази ҳужжатлари.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАШАББУСИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада дастлаб бугунги кунда прокуратура органлари тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун моҳияти ҳақида сўз боради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва амалдаги қонунчилик қиёсий таҳлил қилиниб, суд-ҳуқуқ тизимида прокуратура органларини инсонпарварлаштириш, унинг фаолиятини халқаро ҳуқуқ нормаларга мослаштириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида баён этилади. Мақола сўнггида муаллиф прокуратура органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини ифода этган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматривается сущность осуществляемых в системе прокуратуры реформ. Проводится сравнительный анализ Закона Республики Узбекистан «О прокуратуре» 1992 года и действующего законодательства, описываются меры по гуманизации прокуратуры в судебной системе и приведению ее деятельности в соответствие с нормами международного права.

**ABSTRACT.** The article discusses the essence of the ongoing reforms in the system of prosecutors. It also provides a comparative analysis of the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutor’s office” of 1992 year and the current legislation, and describes the efforts to humanize the prosecutor’s office in the judicial system, to bring its activities in line with international law.

**Калит сўзлар:** Бош прокурорнинг Президент ва Парламент олдидаги ҳисобдорлиги, прокурор назорати ҳужжатлари, амрнома.

At the end of the article, the author expressed his views and comments on further improving the work of the prosecutor’s office.

**Ключевые слова:** подотчетность Генерального прокурора Президенту и Парламенту, документы прокурорского надзора, амрнома.

**Keywords:** accountability of the General prosecutor to the President and Parliament, documents of prosecutorial supervision, amrnama.

Мамлакатимизда охириги йилларда ҳар жабҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ва улкан яратувчилик ишлари дунё ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу халқаро муносабатлар соҳасида бўладими, мамлакатни ёппасига ободонлаштиришми, иқтисодийни юксалтиришни муҳим омили бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашми ва энг асосийси аҳолининг турмуш тарзини юқори савияга кўтариш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш каби масалами, барча-барчаси устувор йўналишлардан бўлиб, давлатнинг мавқеини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

Кўпгина мамлакатлар пандемияга қарши курашишда, унинг олдини олишда ва бу шароитда тартиб-интизомни, давлат идоралари бошқарув тизимларининг етарли даражада уйғунлигини таъминламаганлиги туфайли инқироз арафасига келиб қолди. Таассуфки, ҳали бу балонинг йўлини тўсишга эришилган эмас.

Ўзбекистонда бу шароитда ҳам давлатни бошқариш, устувор вазифаларни белгилаб олиш, вазиятга тўғри ва аниқ баҳо бериш, ягона мақсад йўлида аҳолини жипслаштира олишга эришилмоқда, бунинг учун эса улкан матонат ва масъулият талаб этилди. Мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ҳар соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бевосита белгилаб, уларни Ўзбекистоннинг янада

ривожланишига улкан замин бўлишга, белгиланган тадбирлар ижросининг самараси тинчлик ва барқарорликни таъминлаганлигида ҳам кўринади.

Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди платформасида мамлакатнинг келгусида ривожланиш босқичлари ва тенденциясини баён этган эди. Ушбу учрашувларда мамлакат раҳбарининг юрт тараққиёти асосларига таклифлари, келажак режалари, ғоялари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Бу улкан ғоялар мажмуи янги Ўзбекистоннинг улкан ривожланиши ва тараққий этишининг режаларини белгилаб берадиган, келажак авлодни озод ва фаровон яшашга янада юқори шароит яратадиган мамлакатнинг Тараққиёт стратегияси асосларини белгилаб берган.

Сайловолди учрашувларда қайд этилган мамлакатимизнинг тараққий этиши, ҳар соҳани қамраб олган ривожланиш йўналишларининг барча-барчаси замирида шахс, инсон, фуқаро манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолатлари ётади.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишларини белгилаган Ҳаракатлар стратегияси кейинги ривожланиш босқичларининг заминини, унинг мустаҳкам пойдеворини яратган ва янги стратегик йўналишларни аниқ белгилашга хизмат қилди.

Бу ўтган давр янги Ўзбекистон давлатида ўз йўлини аниқ белгилаб олиш, дунё ҳамжамияти эътиборига яратувчилик жамияти эканлигини танитиш, эътироф этиш даври бўлди. Шунингдек, барча соҳалар бўйича амалга оширилган ислохотлар билан бир қаторда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайдиган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ижросини назоратга олиш механизмлари такомиллаштирилди, виртуал қабулхоналар ташкил этилди, кўплаб ва турли хилдаги амалий чоралар кўрилди.

Хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси”, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги, янги таҳрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунлар ва яна кўплаб шунга ўхшаш қонун, фармон ва қарорларни келтириш мумкин. Ушбу норматив ҳужжатларни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад битта, яъни Ўзбекистонда яшовчи барча инсонларнинг қадр-қиммати, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилишдан иборат.

Албатта, Ўзбекистонда давлат органларининг ушбу йўналишда амалга оширган ишлари, уларнинг бу борадаги фаолияти халқаро ҳамжамият эътиборидан четда қолмади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқаро мурожаатлари бўйича адолатли қарорлар қабул қилиш, шунингдек жамиятимизнинг барча соҳаларида демократик ислохотларнинг амалга оширилаётганлиги Ўзбекистон давлатига халқаро ташкилотларнинг қарашларини, муносабатларини ижобий томонга ўзгартирди.

Янги Ўзбекистон шароитида бу йўналишларда амалга оширилаётган ишлар бесамар кетмади. Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзолигига сайланди. Бу нуфузли ташкилотнинг кенгаши аъзолигига сайланиш Ўзбекистон тарихида биринчи марта бўлди.

Қайд этиш лозимки, мамлакат миқёсида амалга оширилаётган чет эллик мутахассислар ва кўплаб давлат арбоблари томонидан эътироф этилаётган ислохотларда албатта прокуратура органларининг ҳам ўрни салмоқли.

Ш.М.Мирзиёев ўзининг сайловолди платформасининг “Адолат ва қонун устуворлиги – халқпарвар давлат пойдевори” қисмида кейинги йилларда

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида қўйилиши лозим бўлган вазифалар, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар хусусида муҳим вазифаларни белгилади. Шу билан бирга, “Прокуратура органлари қонунлар ижросини назорат қилишга масъул”, деб таъкидланган<sup>1</sup>.

Ушбу маърузаларнинг айнан шу қисми 7 банддан иборат бўлиб, мамлакатда келгусида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириладиган ислохотларнинг йўналишлари назарда тутилган долзарб масалалар қайд этилди. Таъкидланган ҳужжатнинг 3-бандида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари олдида қўйилган устувор вазифалар ва бу тизимнинг янги ҳуқуқий асослари яратилиши ташаббуси баён этилди. Ушбу ташаббус мамлакат раҳбари томонидан асослаб берилди.

Президентимиз мамлакат прокуратура органлари фаолиятини баҳолаш мезони сифатида уларнинг фуқаролар қадр-қимматини, ҳуқуқ ва эркинликларини қай даражада ҳимоя қилишларига, бу йўналишни устувор йўналиш сифатида белгилашни таъкидлади.

Бундан ташқари, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш масаласи прокуратура органлари фаолиятида бош мезон этиб белгиланиши эътироф этилди. Бунда қонун олдида барчанинг тенглиги, содир этилган ножўя ҳаракатлар учун тегишли муносабат билдирилиши назарда тутилди. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ўз оқибатига яраша жазога тортилиши лозимлиги таъкидланди.

Шавкат Мирзиёев 2021 йил 6 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида нутқ сўзлади.

Ушбу нутқда янги Ўзбекистоннинг келажақда назарда тутилган давлат бошқарувини, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт, таълим тизими, маънавий-маърифий соҳалар, табиатни муҳофаза қилиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш каби энг долзарб масалаларга катта аҳамият берилди.

Маърузадан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатда охириги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар йўналишларини янада кенгайтириб, янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттиришни асосий устувор вазифа этиб белгиланганлиги кўринади. Бу саъй-ҳаракатлар юртимизни дунё эътирофига лойиқ мамлакат сифатида юксалишига асоси бўлади.

Бу хусусда маърузада: “Ҳаммамиз кўриб турибмиз – бугун замон жуда тез, мислсиз шиддат билан ўзгармоқда. Шунинг учун биз ислохотларимиз суръатини асло пасайтирмасдан, фақат олдинга



боришимиз, ҳар бир соат, ҳар бир кундан унумли фойдаланишимиз керак”<sup>2</sup>, деб таъкидлаб ўтилди.

Бугун мамлакатимизда ошкоралик, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик муносабатлари, ўзаро ишонч ва ишчанлик муҳитини яратиш, улар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик каби масалалар ўта долзарб.

Сир эмас, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура органлари фаолиятида очиқликни таъминлаш адолатли қарорлар қабул қилишнинг асосий омилларидан бири. Прокуратура органлари фаолиятини очиқ ва адолатли юритиш мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга замин бўлади. Фуқаролар ўзларига, яқин қариндошларига нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан олиб борилаётган турли хилдаги процессуал тадбирларнинг асослигини билиш имкониятларини кенгайтириш адолатни ўрнатишга ёрдам беради, ноқонуний ҳаракатлар қилишга, асоссиз қарорлар қабул қилишга йўл бермайди.

Шу туфайли, прокуратура органлари тизимининг янги ҳуқуқий асосларини яратишда уни “очиқ ва адолатли” бўлишига эътибор бериш назарда тутилган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида, прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тариқасида қуйидагилар қайд этилган: “Прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади”.

Ўзбекистон Республикаси собиқ Совет давлати таркибида бўлган даврда ҳам фаолиятининг энг асосий ҳуқуқий асоси “СССР прокуратураси тўғрисида”ги Қонуни бўлган. Барча, яъни 15 та республиканинг прокуратура органлари, шу жумладан Ўзбекистон ССР прокуратураси ҳам битта 1984 йилда қабул қилинган “СССР прокуратураси тўғрисида”ги қонунга асосан ўз фаолиятини амалга оширар эди. Ушбу қонун энг аввало, барча республикаларда Марказ, яъни Москванинг манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган эди. Қонуннинг бирор жойида собиқ республикаларнинг ҳимоясига, уларнинг мавқеини белгилашга, қандайдир ҳуқуқлари мавжудлигига ҳатто ишора ҳам йўқ эди. Бундан ташқари, қонунда “иттифоқдош” республикаларнинг ўзига хослиги умуман инобатга олинмаган, уларнинг ҳаммаси учун бир хил вазифа, қоида, тартиб-интизом белгиланган.

Собиқ Марказ қонунининг мамлакатнинг устувор йўналишини “белгилаб қўйган” яна бир унсури, бу давлат манфаати фуқаро, шахс, инсон манфаатларидан устун, давлат мулки шахсий мулкдан юқори туриши эди. Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон

ССРнинг Жиноят кодексида шахсий мулкни талон-торож қилиш, нобуд қилиш, ўғирлашга белгиланган жазо камроқ, давлат мулкни талон-торож қилганлик учун эса ҳатто ўлим жазоси ҳам назарда тутилган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Табиийки, қарийб 70 йил СССР прокуратураси таркибида қайд этилган тарзда ва муҳитда фаолият юритган, мустақил Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқишда ва қабул қилишда собиқ Иттифоқ қонунларининг таъсири ҳам бўлди. Яъни СССРнинг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда белгиланган прокурорнинг ваколатларини халқаро андозаларга мос бўлмаган жиҳатлари кўзга ташланарди. Бу прокурорнинг судлар фаолияти устидан назоратни олиб бориши, қонуний кучга кирган суд қарорларининг прокурор томонидан тўхтатиб қўйилиши, сўзсиз ижро қилинадиган ва муҳокама қилиниши мумкин бўлмаган даражадаги амрнома прокурор назорати ҳужжатларини қўллаш каби масалаларга тегишли эди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган, прокуратура органларининг ҳуқуқий асоси бўлиб ҳисобланган бу қонун, қарийб ўн йил фаолият кўрсатди. Ушбу қонун ҳам мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги прокуратура органлари вазифалари бажаришларида асос бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон давлати эркин фуқаролик жамияти қуриш, давлат бошқарувини либераллаштириш, суд-ҳуқуқ соҳасида кенг ислохотлар ўтказиш йўлини танлаганлиги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг такомиллашувини талаб этар, бу эса уни янги таҳрирда қабул қилиш заруратини келтириб чиқарди. Шу туфайли, 2001 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди.

Янги таҳрирда қабул қилинган қонунда айнан юқорида айтиб ўтилган прокурорнинг суд тизими соҳасидаги назорат функцияси, амрнома прокурор назорати ҳужжати қонундан чиқарилди. Республика Бош прокурорининг Президент ва Парламент олдидаги ҳисобдорлиги каби масалалар такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, қонуннинг 2-моддасида белгиланган прокурорнинг вазифалари доираси кенгайтирилиб, прокурорга ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш юклатилди. Бу эса, прокурорга ўз фаолиятини аниқланган ноқонуний ҳаракатлар учун жазо чорасини кўришни таъминлашга эмас, балки энг аввало, қонунбузарликлар, жиноий ҳаракатларнинг олдини

олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш юклатилди.

Ҳозирда прокуратура органлари ходимлари мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда фаолиятларини мувофиқлаштириб ҳаракат қилмоқда.

Жамият ривожини, янги Ўзбекистонни яратиш даври бошланди. Шу туфайли охириги йилларда амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга яна қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида<sup>3</sup>: “Вилоятлар, туман-шаҳар прокурорлари тегишли кенгашларга, зарур бўлган ҳолларда эса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига қонунийликнинг ҳамда жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида ҳар йили ахборот берадилар”, деб белгиланган эди.

Юқорида қайд этилган моддага ўзгартириш 2017 йил 14 сентябрда киритилди. Ўзгартиришга мувофиқ бу органларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йил ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Бу ерда ҳисобот тақдим этиш ушбу органларнинг ҳудудларда ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб боришни таъминлаш назарда тутиш билан бирга давлат органлари, хусусан прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг бир элементи сифатида намоён бўлади.

Прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кенгайтириш бу тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг масъулиятини янада оширади.

Бундан ташқари, 2021 йил 18 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 8-моддасига ўзгартириш киритилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органидир<sup>4</sup>, деб белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларга кўра, прокуратура органларининг ҳуқуқий асосларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб борилаётгани кўринади. Мамлакат Президенти бу йўналишда прокуратура органлари тизимининг янги ҳуқуқий асосларини яратишни назарда тутиб таклиф берди.

Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан турли тадбирлар ўтказиш, халқ фаровонлигини юксалтириш, хориж давлатлари, айниқса қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш каби масалаларда бутунлай янги йўналишларни танлади. Бу ҳаракатлар янги Ўзбекистоннинг пойдеворини мустаҳкамлашда алоҳида ўринга эга бўлган маҳаллий ҳокимиятлар, кенгашлар ролини ошириш йўли танланганида ҳам кўринади.

Мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ва бу жараёнлар доирасида фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутган ҳолда бу соҳадаги фаолиятни инсон-жамият-давлат тамойили асосида олиб бориш мамлакат раҳбари томонидан таклиф этилди.

Президентнинг очиқ ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асосларини яратиш ташаббуси бу тизим фаолиятининг янги Ўзбекистон шароитидаги талабларга мос равишда ривожланиши ва такомиллаштирилишини белгилаб беради. Бунда эса, прокуратура органлари ходимлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида қайд этилган вазифаларни сўзсиз ижро этишга қаратадилар. Бу йўлда уларнинг билим савиясини юксалтириш, янги қабул қилинаётган қонунларни аҳолига ва масъул шахсларга етказиш, қонунларни тўғри талқин этиш ва ягона қўллаш методларини оммалаштириш прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширади.

Республика Президентининг янги Ўзбекистон шароитида қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очиқ ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асосларини яратиш ташаббуси асосида қабул қилинадиган норматив ҳужжатлар бу орган фаолиятини янада халққа яқин бўлишига олиб келади.

#

3 Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03/19/597/4193-сон; 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон

4 Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон



Ислам ДЖАСИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси  
Раисининг биринчи ўринбосари

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ПРОКУРАТУРАНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИДИР

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада прокуратура органларининг конституциявий мақоми ва Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунида белгилаб берилган устувор вазифа ва функциялари мазмун-моҳияти очиб берилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье раскрывается суть и содержание конституционного статуса прокуратуры, а также приоритеты и функции, закрепленные в Законе Республики Узбекистан «О прокуратуре».

**ABSTRACT.** The article reveals the essence of the constitutional status of the prosecutor's office and the priorities and functions set out in the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prosecutors Office”.

**Калит сўзлар:** прокуратура, қонун устуворлиги, мансабдор шахслар, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари.

**Ключевые слова:** прокуратура, законность, должностные лица, законные права и интересы граждан.

**Key words:** prosecutor's office, rule of law, officials, legal rights and interests of citizens.

Мустақил Ўзбекистоннинг илк қадамларидан, энг муҳимларидан бири – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги фармони асосан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси прокуратурасини мустақил Ўзбекистон суверенитети остига ўтказиши бўлди.

Бу фармоннинг тарихий аҳамияти шунда эдики, эндигина ўз мустақиллигини қозонган Ўзбекистонда ҳали Конституция қабул қилинмаган ва умуман миллий қонунчилик шаклланмаган ўтиш даврида вужудга кела бошлаган турли хил тартибсизликлар, давлат бошқарувидаги зиддиятлар ва қарама-қаршилиқлар ҳамда фаолият бошлаган бир қатор деструктив ташкилотларининг ноқонуний ҳаракатларига қарши кураш олиб бориш ва уни мувофиқлаштиришда айнан прокуратура масъул этиб белгиланишига ҳуқуқий асос яратилди.

Ушбу муҳим вазифаларни бажариш эса зудлик билан прокуратура фаолиятини тартибга солидиган қонуний асосларни яратишни тақозо этди.

Айнан шу боис, энг аввало 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияда ҳуқуқ ҳимоясини таъминловчи миллий тизимда прокуратуранинг ўрни ва ҳуқуқий мақоми белгиланди.

Шу ўринда, бир муҳим масалага эътиборни қаратиш тўғри бўлар эди. Гап шундаки, мустақил Ўзбекистон прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш каби тарихий ўрни ва ролидан воз кечмади. Аксинча, прокуратуранинг ўрни Конституциянинг алоҳида бобида белгиланиб, қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижроси устидан назоратни амалга оширувчи ягона давлат органи сифатида қайд этилди.

Прокуратура ҳуқуқий мақомининг бундай юксак даражада белгиланиши кейинчалик унинг имкониятлари ва қонуний ваколатларидан давлат

суверенитети ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида муваффақиятли фойдаланишга замин яратди.

Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси Конституция билан Бош прокурорга қонунчилик ташаббуси берилганлиги билан янада кучайтирилди.

Конституциядан бир кун кейин, яъни 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги қонун бу орган фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Қонуннинг ҳуқуқий аҳамиятини, авваламбор, давлатчиликни шакллантириш ва миллий қонунчилик яратилмаган шароитда барқарорлик ва жамоат тартибини сақлаш, жинойтчилик кенг тарқалишининг олдини олишда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида прокуратуранинг фаолиятини тартибга солиш ўта зарур бўлганлиги билан тушунтириш мумкин.

Шу боис, прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари зудлик билан муваффақиятли яратилди ва унинг фаолияти тартибга солинди.

Қонуннинг яна бир муҳим аҳамияти шундаки, қонун устуворлигини таъминлашда прокуратуранинг барча ваколатлари, шу жумладан, кучли қаршилиқларга қарамасдан, умумий назорат функциялари ҳам тўлиқ сақланиб қолинди.

Албатта, бунга қабул қилинган Конституциянинг 118-моддаси ҳам замин яратиб берди.

Шу билан бирга, ўша пайтдаги прокуратура раҳбарияти, лойиҳа устида ишлаган прокуратура ходимларининг қатъиятлилиги ва Олий Мажлис сессиясида давлат раҳбари томонидан қўллаб-қувватланганлигини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Қонунга асосан барча вазирликлар, муассасалар, қўмиталар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиш устидан назорат қилиш прокуратура органларининг асосий йўналишларидан биттаси сифатида белгиланди.

Мустақилликнинг илк йилларида прокуратуранинг назорат фаолияти ўша даврга хос бўлган бир қатор хусусиятларга эга эди.

Биринчидан, прокуратура республика суверенитети остига ўтказилган бўлса-да, то “Прокуратура тўғрисида”ги қонун қабул қилингунча назоратни амалга оширишда собиқ Совет Иттифоқи прокуратураси тўғрисидаги қонундан фойдаланиб келинган.

Иккинчидан, назоратни миллий қонунчилик эндигина шаклланаётган, аксарият ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар мавжуд бўлмаган шароитда ташкиллаштиришни тақозо этган эди.

Бундай шароитда назоратни ташкил этишнинг қийинчилиги шунда эдики, текширишни ўтказиш ва таъсир чоралар қўллашда собиқ Совет Иттифоқи қонунларидан агарда улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясига зид ёки қарама-қарши бўлмаган тақдирда фойдаланиш мумкин эди.

Шундай бўлса-да, прокуратура ўз олдида турган вазифаларини самарали бажариб, ўтиш даврида мамлакатимиз иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, айниқса қишлоқ хўжалиги, саноат, молия ва бошқа соҳалардаги ислохотларни рўёбга чиқаришда, эндигина шакллантирилаётган тадбиркорлик ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга ҳамда жамиятда қонунийликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиб келган.

2000 йилга келиб мамлакатимизда амалга ошириб келинган суд-ҳуқуқ ислохотларини чуқурлаштириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, уни янада демократлаштириш ва бунинг мантиқий давоми сифатида прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ҳамда фаолиятини давр талабига мослаштиришни, унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олган ҳолда такомиллаштиришни тақозо этди.

Бу вазифалар 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда ўз ечимини топди. Қонунда прокуратуранинг ҳуқуқий мақоми ва унинг давлатчилик-ҳуқуқий институтлар тизимидаги ўрни аниқ белгилаб берилди.

Бу қонун билан прокуратуранинг назорат йўналишидаги фаолиятига ҳам бир қатор янгиликлар киритилди.

Биринчидан бутун фаолияти жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган, қонунбузилишларни тезкор равишда бартараф этадиган,

қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасидаги жамият талаблари қондирилишига жавоб берадиган прокуратура органлари давлатимиз ва жамиятимизга керак эканлиги яна бир бор исботланди.

Иккинчидан прокуратура фаолиятининг мақсади ва вазифалари тубдан ўзгарди. Тоталитар режимдан қолган асоратдан, яъни фуқаролар устидан назорат қилиш ваколатидан воз кечилди. Эндиликда ҳар бир ваколатни амалга оширишда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура ходимларининг бош мақсади этиб белгиланди.

Учинчидан прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари кучайтирилди. Шу мақсадда қонунга махсус боб киритилиб, унда инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш ҳамда бу борада қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатлари ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш лозимки, прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари, шу жумладан судга даъво аризаси тақдим этиш, авваламбор, алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар, яъни вояга етмаганлар, қариялар, касаллар, ногиронлар ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Инсонпарварлик нуқтаи назаридан бу вазифа ўта муҳим аҳамиятга моликдир. Прокурорнинг назорат ваколатларини, унинг имкониятларини инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳимоясига йўналтириб, давлатимиз инсон ҳуқуқлари ҳимояси кафолатларини қатъиян таъминланишидан манфаатдор эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Давлатчилик ривожланганлиги сари айрим соҳаларда прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияларидан кенгроқ фойдаланиш эҳтиёжини келтириб чиқарди.

Буни энг аввало, прокуратура ўтиш даврида қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва миллий қонунчиликни яратишда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариб келганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Солиқ соҳасидаги қонунбузилишлар кенг тарқалиб, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига жиддий таҳдид яратганлиги сабабли бу соҳадаги қонунбузилишларга қарши кураш прокуратурага топширилди.

Шу мақсадда Бош прокуратура ҳузурида 2001 йилда Солиқ ва валюта жиноятларига қарши курашиш департаменти ташкил этилди ва 2018 йилда фаолияти тубдан такомиллаштирилди.

Худди шундай, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги



ислохотларнинг самарасини ошириш зарурлиги прокуратуранинг назорат функцияларидан шу соҳада кенгроқ фойдаланишни талаб этди. Шунинг учун прокуратура тизимида қишлоқ хўжалиги соҳасида назоратни амалга оширувчи махсус бўлимлар ташкил этилди ва бугунги кунда ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Навбатдаги қадам эса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида прокуратуранинг ўрни ва ваколатларини кучайтириш бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги 3406-сонли фармони билан прокуратура органларининг янги тузилмаси тасдиқланиб, аввалги умумий назорат бошқармаси ва жойлардаги бўлимлар ўрнига Бош прокуратурада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Бошқарманинг номидан ҳам кўриниб турибдики, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг устувор ва биринчи навбатдаги вазифасига айланди. Ваҳоланки, собиқ иттифоқ даврида прокуратура биринчи ўринда давлат манфаатларини ҳимоя қилар эди.

Кейинги йилларда юқоридаги бошқарма ўрнида ташкил этилган тузилмалар ҳам ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни шараф билан уддаламоқдалар.

Прокурор назоратининг мазмун-моҳияти бу шаклда тубдан ўзгарганлиги, энг аввало, прокурорларнинг онгини ўзгартириш, уларни ўз фаолиятида инсон қадрияти ва ҳуқуқларига устун аҳамият беришга ўргатиш ва йўналтиришни талаб этди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида прокуратура тизимида амалга оширилган ислохотларнинг пировард натижасида бу орган инсон ҳуқуқлари ҳимоясида халқ ишончини қозониб, ўзига хос ва муносиб ўринни эгаллади.

.....  
#

Алишер МАХМУДОВ,  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада прокуратура органлари фаолиятининг мустақиллиги тамойили қонун устуворлигини таъминлашнинг асоси сифатида таҳлил қилинади, шунингдек, бу масала ҳокимиятлар бўлиниши тамойили нуқтаи назаридан ўрганилади. Муаллиф дунёда прокуратура фаолиятига оид асосий ёндашувларни ўрганиб чиқиб, баъзи мамлакатларда бу органлар ҳеч қайси давлат органлари тизимига кирмаслиги, бошқа давлатларда Адлия вазирлиги тизимига кириши, учинчи далаатларда эса суд тизимига кириши ҳақидаги хулосага келади. Ўзбекистон МДҲ аъзоси бўлиб биринчи гуруҳга киради, унга кўра прокуратура органлари ҳеч бир давлат ҳокимияти тизимига кирмайди ва шу орқали бу органларнинг ижро этувчи ёки суд ҳокимиятларига қарамлигини чеклайди, пировардида прокуратуранинг асл мустақиллигини таъминлайди.

**АННОТАЦИЯ.** В статье анализируется принцип независимости деятельности органов прокуратуры как основа обеспечения верховенства закона, а также изучается данный вопрос с позиции принципа разделения властей. Автор исследует основные подходы относительно деятельности органов прокуратуры: в ряде стран данные органы не входят в систему каких-либо государственных органов, в других – входят в состав Министерства юстиции, а в третьих – в состав судебной власти. Узбекистан, являясь членом СНГ, придерживается первой позиции, согласно которой органы прокуратуры не входят в систему какой-либо государственной власти, и тем самым, в отличие от двух иных позиций, обеспечивается их подлинная независимость.

**ABSTRACT.** The article analyzes the principle of independence of the activities of the prosecutor's office as a basis for ensuring the rule of law, studies this issue from the standpoint of the principle of separation of powers. The author examines the main approaches in the world regarding the activities of the prosecutor's office and concludes that in some countries these bodies are not a part of the system of State bodies, in others they are the part of the Ministry of Justice, while in other - they are the part of the judiciary system. ... Uzbekistan, being a member of the CIS, adheres to the first position, according to which the prosecution bodies are not included into the system of any state power, thereby ensuring the true independence of the State bodies, in contrast when these State bodies are included into the of executive or judicial branch.

**Калит сўзлар:** прокуратура органлари, мустақиллик, қонун устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили, ижро этувчи ҳокимият, суд ҳокимияти.

**Ключевые слова:** органы прокуратуры, независимость, верховенство закона, принцип разделения властей, исполнительная власть, судебная власть.

**Key words:** prosecution authorities, independence, rule of law, separation of powers, executive branch, judicial branch.

Маълумки, прокуратура ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган ваколатларга эга давлат органидир.

Бинобарин, у ижтимоий ҳаётни тартибга солиш ва жамиятда ҳуқуқий хулқ-атворни таъминлашда алоҳида ва муҳим роль ўйнайди.

Шунинг учун ҳам Давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан сўнгги йилларда прокуратура органларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу ўзгаришлар прокуратура органларининг том маънода қонун устуворлигини ва жиноят учун жазо муқаррарлигини, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кафолатланган ҳимоясини таъминловчи тизимга айлантиришга қаратилган.

Ўз навбатида, прокуратура органларининг ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни ушбу соҳада илмий-назарий изланишлар олиб бораётган ҳуқуқшуносларнинг баҳс ва мунозараларига сабаб

бўлиб келган.

Ҳанузгача бу борада ягона тўхтама келинмаган, кенг жамоатчилик, олимлар, амалиётчилар, халқаро экспертлар ушбу масала ечими атрофида бош қотирмоқда. Халқаро ҳужжатлар ва тавсиялар, дунё мамлакатларида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар тенденциялари таҳлили ушбу масала борасида бир қанча ёндашувларни илгари суришган.

Прокуратура органларининг ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни Марказий Осиё, МДҲ, Америка ҳамда Европа давлатларида бир-биридан фарқ қилади, қайд этиб ўтилганидек, бу борада ягона андоза мавжуд эмас.

Бизнингча, прокуратура органларини у ёки бу ҳокимият тизими таркибига киритишда манфаатлар мувозанатини сақлаш ва бир-бирини тийиб туриш тамойили моҳиятини чуқур англаш ҳамда давлат тузилишини инobatга олиш мақсадга мувофиқдир.



Ушбу тамойилни том маънода рўёбга чиқаришда прокурор назорати муҳим ва ҳал қилувчи воситалардан бири сифатида майдонга чиқади.

Хорижий мамлакатларда прокуратура органлари фаолиятини ҳоқимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрндан келиб, бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Дастлабки гуруҳ прокуратура органлари ҳеч қайси бир ҳоқимият тизимига кирмайдиган, мустақил орган ҳисобланадиган давлатлардир.

Иккинчи гуруҳга прокуратура органлари Адлия вазирлиги тизими таркибига кирадиган давлатлар мансубдир.

Учинчи гуруҳни прокуратура органлари суд ҳоқимияти таркибида фаолият юритадиган давлатлар ташкил этади.

МДХга аъзо давлатларнинг ҳуқуқ тизими бир-бирига ўхшаш бўлганлиги учун уларнинг аксариятида прокуратура органларининг айнан бирон-бир ҳоқимият таркиби сифатида белгиланмаганлигини кузатиш мумкин.

Энг муҳими мазкур давлатларнинг конституцияларида ҳам прокуратура органлари ижро этувчи, қонун чиқарувчи ёки суд ҳоқимияти таркибига киритилмаган.

Шу билан бирга, олимлар томонидан прокуратура органлари ҳоқимият тармоқларининг барчасида у ёки бу тарзда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилади.

Масалан, Россия, Молдова, Озарбайжон, Арманистон ва Қозоғистон каби МДХ мамлакатлари қонунчилигида прокуратура органлари алоҳида, мустақил ва ҳеч бир ҳоқимият таркибига бўйсунмаслиги белгиланган.

Ўзбекистонда ҳам прокуратура ҳоқимиятнинг бирон-бир тармоғига киритилмаган ҳамда прокуратура ўз фаолиятини қонун чиқарувчи, суд ва ижроия ҳоқимиятидан мустақил амалга оширади.

Жумладан, Конституциямизнинг 120-моддасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга ошириши мустақамлаб қўйилган.

Шунингдек, ушбу моддада прокурорлар ўз ваколатлари даврида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб туриши, прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланиши назарда тутилган.

Бу қоида прокуратурани қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳоқимиятларидан институционал, персонал ва функционал ажратиб, органнинг

мустақиллигини кафолатлайди.

Иккинчи гуруҳ мамлакатларига прокуратура органлари Адлия вазирлиги таркибига киради. Канада, Япония, Жанубий Корея, Эстония, Польша, Бельгия каби мамлакатлар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу тоифадаги мамлакатларда прокурорлар ижро ҳоқимияти таъсири доирасидадир.

Фикримизча, ушбу ҳолат қонунларни ижро этувчи ҳоқимият органлари фаолияти устидан самарали прокурорлик назоратини тўлиқ ўрнатиш имконини бермайди.

Прокуратура органлари суд ҳоқимияти таркибида фаолият юритувчи мамлакатлар доирасига эса Латвия, Испания ва Болгария каби давлатларни киритиш мумкин.

Шу ўринда, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг тавсияларига эътибор қаратган мувофиқ кўринади.

Тавсияларда қайд этилишича, агар прокурорлар суд ҳоқимияти таркибида фаолият юритса, қонунларда прокурорлар ва судлар роли чегараси, шунингдек имконият бўлса, ушбу функцияларни бажариш тартиби аниқ белгиланиши шарт.

Ушбу тавсиянинг ўзи мазкур тизимни шубҳа остига олмаяптими, деган савол туғилади ҳамда қонуншуносни мураккаб вазиятга солиб қўймоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳоқимиятлар ўртасида вужудга келган суиистеъмолликлар ҳамда ноқонуний ҳолатлар ижро ҳоқимияти таркибига кирган прокуратура органлари мустақиллигини асосий қомус даражасида белгилаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, бугунги кунда айрим давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган муаммоларнинг бартараф этилмасдан қолаётганлигининг асосий омилларидан бири ҳам ҳоқимият тармоқларидан мустақил, алоҳида назорат қилиш тизимининг мавжуд эмаслигидадир.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда дунёда прокуратура органларининг мустақиллигини таъминлаш, айниқса уларни мустақил орган сифатида ҳоқимиятлар таркибидан чиқариш масаласи кун тартибидаги долзарб масалага айланди ҳамда бу борада аниқ ислохотлар ва амалий чоралар кўриб борилмоқда.

Айрим давлатлар дастлаб ижроия ҳоқимияти таркибига киритилган прокуратура органларининг мақомини мустақил қилиб белгилаш борасида ислохотларни ҳам амалга оширган.

Масалан, Ирландияда 1974 йилда қабул қилинган “Жиноятларни таъқиб қилиш тўғрисида”ги қонунда мустақил ижроия органи сифатида прокуратура

идораси директори ва алоҳида идора ташкил этилган.

Бош прокурор ўз функциясига тааллуқли масалалар бўйича директор билан маслаҳатлашиш ҳуқуқига эга, лекин кўрсатма ёки буйруқ бериш ҳуқуқига эга эмас.<sup>1</sup>

Англия ва Уэльсда 1986 йилда Қироллик прокуратураси хизмати ташкил этилганидан сўнг<sup>2</sup>, Бош прокурор ва Бош прокуратура директорлари (*Қироллик прокуратураси хизмати ва йирик фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш идораси*) ўртасидаги муносабатлар протоколида прокуратура идораларининг мустақиллиги янада аниқлаштириб берилган.<sup>3</sup>

Ушбу протоколнинг 2.4-бандида Бош прокурор прокуратура органлари томонидан қарорлар қабул қилишда уларнинг мустақиллигини кафолатлаши кераклиги кўрсатилган.

Бу каби тенденциялар Аргентина, Бразилия, Канада ва Шимолия Ирландияда ҳам кузатилмоқда.

Кўпчиликка аён, Грузия 2018 йилда кенг кўламли конституциявий ислохотларни амалга оширди ва кенг жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди. Ушбу ислохотлар доирасида прокуратура органлари Адлия вазирлиги таркибидан чиқарилиб, фақат Конституция ва қонунга амал қиладиган мустақил органга айлантирилди.

Европа иттифоқида мустақил Европа прокуратураси ташкил этилган бўлиб, у 2021 йил 1 июндан ўз фаолиятини бошлади.

Биринчи халқаро прокуратура Европа иттифоқининг молиявий манфаатларига дахлдор жиноий ҳуқуқбузарликларни тергов қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш ва судга бериш ваколатига эга бўлди.

Мустақил прокуратуранинг ташкил этилиши Иттифоқ ҳудудида трансмиллий жиноятларга қарши курашни сифат жиҳатидан янги, самарали босқичга олиб чиқувчи воситаларга эҳтиёж билан изоҳланади.

Халқаро прокурорлар ассоциацияси стандартларида прокурорнинг фаолияти мустақил равишда амалга оширилиши ва сиёсий аралашувдан холи бўлиши кераклиги аниқ белгилаб қўйилган.

Прокуратура томонидан қарорлар қабул

қилишнинг мустақиллиги ижроия ҳокимиятига қонун устувор, жазо муқаррарлиги ҳақидаги тамойилни ҳис этишга ёрдам беради.

Ушбу вазифани бажариш мутлақо эркин ва тўсқинликсиз таъминланиши зарур.

Акс ҳолда прокуратура бошқа бўғинларнинг ноқонуний таъсирига тушиб қолиши мумкин.

Шундай қилиб прокуратура мустақиллиги холислик гаровидир. Бу эса ўз навбатида, прокуратуранинг қатъий ахлоқий меъёрлар ва қонун устуворлигига асосланган ҳолда фаолият юритишини талаб этади.

Халқаро стандартларда қайд этилганидек, оммавий ахборот воситалари ва жамиятдаги алоҳида шахслар ёки гуруҳлар томонидан юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай тазйиқларга қарамасдан, прокуратура органлари фаолияти мустақиллиги доимо қўллаб-қувватланиши керак.<sup>4</sup>

Мустақил прокурор назорати ва чора кўриш механизмнинг йўқлиги ижро ҳокимияти органларида қонунбузарликларнинг авж олишига сабаб бўлиши мумкин.

Прокуратура органларининг ижро ҳокимиятига бўйсунishi назорат ва мувозанат тизимини бузади, деб ҳисоблаймиз.

Халқаро прокурорлар ассоциациясининг стандартларида прокурорлар ижроия ҳокимиятининг сиёсий ва бошқа тарздаги ҳар қандай таъсиридан холи, қонунларга амал қилган ҳолда ўз ихтиёри билан қарор ва ҳуқуқий таъсир чораларини қабул қилиш ҳуқуқлари кафолатланган бўлиши лозимлиги қайд этилган<sup>5</sup>.

Айнан прокуратура мустақиллиги миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини тўлиқ таъминлашнинг энг муҳим шартидир.

Ўз навбатида мустақил прокуратура органлари устидан самарали жамоатчилик ва парламент назорати ўрнатилиши зарур.

Шунингдек, прокурор фаолияти халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка риоя этган ҳолда ошкора ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлик асосида амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга.

Прокуратура ҳокимият бошқа тармоқларидан

1 Ireland, Office of the Attorney General, Prosecution of Offences Act, 1974, sect. 2 (5) and (6).

2 In England and Wales, the Crown Prosecution Service was established in 1986 as a statutory authority under the direction of the Director of Public Prosecutions by The Prosecution of Offences Act 1985. Section 3(1) of the Act provided as follows: "The Director shall discharge his functions under this or any other enactment under the superintendence of the Attorney General"

3 United Kingdom, Attorney General's Office, Crown Prosecution Service, Serious Fraud Office and the Revenue and Customs Prosecutions Office, Protocol between the Attorney General and the Prosecuting Departments (London, July 2009).

4 International Association of Prosecutors, Standards of Professional Responsibility and Statement of the Essential Duties and Rights of Prosecutors, item

5 Ўша манба



кўрсатмалар олиши мумкин, бундай кўрсатмалар шаффоф ва қонун талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Қайд этилганларни инобатга олиб, қуйидагиларни таъкидлашни ўринли деб биламиз:

прокуратура органларининг ҳокимиятнинг бошқа бўғинларидан ҳуқуқий жиҳатдан конституциявий мустақиллигини таъминлаш зарур;

прокуратура органлари ходимларини айна бир вақтда ҳокимиятнинг бошқа тармоқларида хизмат қилишига йўл қўймаслик керак;

прокурорлар қарорларни қабул қилишда мустақил ва фақат қонунга асосланиши, сиёсий ҳокимият таъсиридан ва турли партиявий манфаатлардан холи тарзда амалдаги қонунлар асосида фаолият юритиши муҳимдир;

прокуратура органлари ўз фаолиятлари бўйича халқ ва жамоатчилик олдидагина ҳисобдор бўлмоғи лозим;

прокуратура фаолиятини назорат қилиш идоравий, парламент ва жамоатчилик назорати шаклидагина амалга оширилиши керак.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли чоралар кўрилди. Хусусан, 2016–2021 йилларда прокуратура фаолиятига оид 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Ушбу ислоҳотлар прокуратура органлари тарихида ўзига хос, муҳим туб бурилиш ясади, тизимда шаффофлик ва очиқликни таъминламоқда.

Прокуратура органлари фаолияти устидан самарали вакиллик органлари назоратини йўлга қўйиш мақсадида Олий Мажлис Сенатида махсус комиссия ташкил этилган.

Шунингдек, жойлардаги прокуратура органларининг халқ депутатлари Кенгашларига ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этиб бориши тартиби жорий этилди.

Маълумки, “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилинганига 20 йил тўлди.

Бугунги кунга келиб 100 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатда прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи қоидалар, вазифалару ваколатлар белгиланган. Қолаверса, халқаро ташкилотларнинг прокуратура органлари мустақиллигини таъминлаш, ваколатларини белгилаш,

хизматни ўташ, ходимлар ижтимоий ҳимоясига оид бир қатор тавсиялари ишлаб чиқилган.

“Прокуратура тўғрисида”ги қонун нормалари ўз мазмун-моҳиятига кўра давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришлардан, ҳуқуқий ислоҳотлардан, халқаро стандартлардан анча орқада қолган ва турдош қонун ҳужжатларига ҳам мос эмас.

Қолаверса, битта тизим фаолиятига оид қоидаларнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тарқоқ ҳолда белгиланиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу боис, “Прокуратура тўғрисида”ги янги Конституциявий қонунни қабул қилиш зарурати вужудга келган деб ҳисоблаймиз.

Давлатимиз раҳбари ҳам сайловолди дастурларида “Қонун – устувор, жазо – муқаррар” тамойили прокуратура органлари фаолиятининг бош мезони бўлиши учун мамлакатимизда қонунийликни қатъий таъминлайдиган, очиқ ва адолатли прокуратура тизимининг янги ҳуқуқий асослари яратилишини<sup>6</sup> алоҳида таъкидлаган эдилар.

Шу муносабат билан прокурорларнинг мақоми, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари, танлаш ва хизмат поғоналаридан ўстиришнинг холис мезонларини қонунда аниқ белгилаш<sup>7</sup> зарур.

Шунингдек, халқаро стандартлардан келиб чиқиб ҳамда “Инсон қадрини учун” деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида қонунда прокуратура органлари фаолият йўналишларини танқидий кўриб чиқиш, аниқса, қонунлар ижроси устидан назорат фаолиятини янада кучайтириш, фуқароларнинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга, судлардаги иштирокини такомиллаштириш ҳамда тергов сифатини оширишга қаратилган нормаларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Ўз навбатида, прокуратура органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни тўлиқ таъминлаш ҳамда самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, прокуратура органларининг том маънодаги мустақиллиги ҳар қандай жамиятда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашга, ижро ҳокимияти органлари фаолияти самарадорлигини оширишга, пировардида инсон ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

#

6 Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ш.М.Мирзиёевнинг сайловолди дастури. <https://uzlidep.uz/news-of-party/10076>

7 Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 йил, 108 бет.

Худоёр МАМАТОВ,  
Марказий сайлов комиссияси котиби

## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ – ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ КАФОЛАТИ, ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИНГ ҲИМОЯЧИСИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада прокуратура органларининг Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этиш шароитидаги ўрни, конституциявий мақсадларга эришиш, жумладан қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида сўз юритилади.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматривается роль прокуратуры в построении демократического правового государства и справедливого общества в Узбекистане, достижении конституционных целей, в том числе законности, укреплении законности, защите прав и свобод человека, интересов государства и общества.

**ABSTRACT.** The article discusses the role of the prosecutor's office in building a democratic state governed by the rule of law and a just society in Uzbekistan, achieving constitutional goals, including the rule of law, strengthening the rule of law, protecting human rights and freedoms, and the interests of the state and society.

**Калит сўзлар:** прокуратура, криминоген вазият, “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашлари.

**Ключевые слова:** прокуратура, криминогенная обстановка, «красная», «желтая» и «зеленая» категории, координационные советы правоохранительных органов.

**Key words:** prosecutor's office, criminogenic situation, “red”, “yellow” and “green” categories, coordinating councils of law enforcement agencies.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаш, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатни намоеън қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби ноёб принциплар мустаҳкамланган бўлиб, орадан қарийиб ўттиз йил ўтган бўлса-да, улар наинки ўзининг муҳимлигини камайтирди, балки йилдан-йилга ушбу ноёб, инсонпарвар принципларнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

Давлат ва жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида юқоридаги конституциявий мақсадларга эришиш, кўп жиҳатдан давлат органларининг, айниқса фаолиятлари ҳар қандай шароитда ҳам ҳуқуқ ва қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятининг самарадорлигига боғлиқ.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият барпо этиш шароитида прокуратура органлари алоҳида ўрин тутди. Чунки улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида қонунийлик ва ҳуқуқий изчиликка эришишда муҳим рол ўйнайди. Қонун ижодкорлиги фаолиятида фаол иштирок этади. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилади. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади.

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-52-моддаларида назарда тутилган. Бош қомусимизнинг ажралмас қисми сифатида ушбу ҳуқуқлар кейинчалик шахс ва фуқаро иштирок этадиган ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатларида янада аниқлаштирилган ва кенгайтирилган ҳолда белгиланиши учун ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилмоқда.



Ушбу ижтимоий муносабатларда иштирок этувчи шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари билан белгиланади ва тартибга солинади. Булар жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал, маъмурий, меҳнат, оилавий, иқтисодий, уй-жой ва бошқа кўплаб ҳуқуқ соҳаларидаги муносабатларни тартибга соладиган турли қонун ҳужжатларидир. Инсонларнинг юқорида санаб ўтилган ва бошқа қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш прокуратура органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан саналади.

Давлат ва жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий тараққиётининг ҳозирги босқичида – янги Ўзбекистон шароитида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг аҳамияти сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Хусусан, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2-моддасида – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда Прокуратура органлари ходимлари куни олдидан бир гуруҳ соҳа ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда: “Мустабид тузум даврида одамлар прокуратура органлари ходимларини фақат қораловчи, жазоловчи тизим вакиллари сифатида биларди. Биз ушбу соҳа фаолиятини халқаро талаблар даражасида қайта ташкил қилишда ижобий натижаларга эришмоқдамиз, прокуратура органлари кундалик ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши зарур”, деб таъкидлаган эди.

Мазкур йиғилишда Президентимиз тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида прокуратура органларининг роли ҳақида гапирар экан, “Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлади. Бунинг учун ишбилармонларга кенг шароит яратиб беришимиз лозим. Прокурор тадбиркорга кўмакчи бўлиши, у билан ҳамкорликда ишлаши даркор” эканлигига урғу берди. Албатта, бу юксак ишонч ва масъулиятли вазифа соҳа ходимларининг зиммасига юклатилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва тўла ижро этилишини назорат қилиш

ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда янада самарали фаолият юритиш мажбуриятини юклайди.

Дарҳақиқат, “Прокуратура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 5-моддасига мувофиқ прокуратура органларининг ходимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт эканлиги аниқ белгилаб қўйилган. Зеро, ривожланган ҳуқуқий демократик давлатлар тажрибаси ва амалиётидан ҳам маълумки қонунларни аниқ бажариш ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилинишидан қатъи назар, қонун талабларини бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Қонунга биноан прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширади. Прокуратура органларининг фаолиятига аралашини эса тақиқланади. Агарда, давлат органларининг мансабдор шахслари ёки фуқаролар томонидан прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир кўрсатилса ёки фаолиятини амалга оширишига тўсқинлик қилинса ёки унинг дахлсизлигига тажовуз қилинса белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Сўнгги йилларда прокуратура органлари зиммасига юклатилган вазифа ва функциялар қамрови бир мунча кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида, соҳа ходимлари олдида замонавий билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, амалдаги қонунларни пухта ўзлаштириш, ҳар қандай шароитда ҳам қонунлардан оғишмай, масъулиятни тўла ҳис этган ҳолда ўз вазифасини виждонан ва ҳалол бажариш каби талабларни кучайтирди.

Прокуратура органлари сўнгги йилларда қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш ҳамда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб, ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан фаолиятини очиқ ва ошкора, юқори самарадорлик билан амалга оширмоқда.

Бу борада статистик маълумотларга эътибор қаратсак, 2021 йилнинг 9 ойи давомида прокуратура органлари томонидан қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти давомида кўрилган чоралар натижасида жами 235 813 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган, 36 239 та қонунга

зид ҳужжатларга нисбатан протест келтирилган, тегишли идораларга 14 700 та тақдимнома киритилган, судларга 170 млрд сўм зарарни ундириш ҳақида 39 499 та ариза берилган, 15 519 нафар шахс расман огоҳлантирилган, 30 442 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган, қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 2 976 та жиноят иши қўзғатилган. Прокурор текширишлари ва дастлабки тергов давомида жами 1,1 трлн сўм зарар ундирилиши таъминланган.

Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасида асосий эътибор жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг туб сабабларини аниқлаб, уларнинг содир этилишига шароит яратган омилларни бартараф этиш, жиноятчилик динамикасига оид кўрсаткичлар ҳаққонийлигини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан қўшма қарор имзоланиб, республика ҳудудидаги маҳаллалар криминоген вазиятидан келиб чиққан ҳолда “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратилган ҳолда манзилли ишлар амалга оширилган.

Ҳар бир ҳудудда амалга оширилаётган ишлар чуқур таҳлил қилиниб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгашлари йиғилишларида танқидий муҳокама қилинган ва аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, ижрога қаратилган. Шунингдек, жиноятчиликка қарши курашиш юзасидан 20 093 та тарғибот тадбирлари, шу жумладан 4 178 марта оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар амалга оширилган.

Ўз вақтида қўрилган чоралар натижасида республика бўйича 9 168 та маҳалланинг 4 168 тасида ёки 45,5 фоизида жиноят қайд этилмаган, 2 256 тасида ёки 24,6 фоизида жиноятлар камайишига эришилган. 4 465 та жиноятни ҳисобдан яшириш

ҳолатлари аниқланиб, барчаси ҳисобга қўйилган ҳамда жиноятларни қасддан яширган масъул ходимларга нисбатан 21 та жиноят иши қўзғатилган. Ўтган йилларда содир этилиб, очилмай қолган 1 405 та жиноят фош этилган. Қидирувда бўлган 2 049 нафар шахс ушланган. Прокуратура органлари фаолиятида эришилган самарадорликни ифода этувчи бундай ижобий мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, шубҳасиз, бугун прокуратура органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан самарали назорат ўрнатган ҳолда мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳамда бош қомусимизда олий қадрият деб эътироф этилган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш каби зиммаларига юклатилган серқирра вазифани бажаришга виждонан, садоқат ва юксак масъулият билан ёндашиб, юқори даражада самарадорликка эришиб келмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сўнгги йилларда тизимда амалга оширилган инсонпарвар ислохотлар туфайли халқ прокуратурасига айланиб, фаолиятда очиқлик ва шаффофликни тўла таъминлаган ҳолда, фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қилиб келаётган соҳа ходимларини Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни, касб байрамлари билан самимий муборакбод этаман. Сермазмун фаолиятларида янги ва янада юксак марраларни эгаллашларини, масъулиятли ва шарафли вазифаларини сидқидилдан адо этишларида куч-қувват ва саломатлик тилайман.

#



Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,  
Бош прокуратура Академияси бошлиғининг ўринбосари

## ПРОКУРОРНИНГ ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА ИШТИРОКИ: ҲОЛАТИ, ЗАРУРАТИ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**АННОТАЦИЯ:** Ушбу мақолада фуқаролик суд ишларини юриштида прокурор иштирокининг қонунчилик ва амалиётдаги ҳолати, бу масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси, юридик адабиётларда олимлар ва мутахассислар илгари сурган фикр-мулоҳазалар ҳамда прокурор иштирокининг зурурати таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижасида фуқаролик суд ишларини юриштида прокурор иштирокининг асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асослантирилган.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье анализируются правовой и практический статус участия прокурора в гражданском процессе, законодательный опыт зарубежных стран по данному вопросу, взгляды ученых и специалистов в юридической литературе, необходимость участия прокурора. В результате анализа обоснованы предложения, направленные на совершенствование основания участия прокурора в гражданском процессе.

**ABSTRACT:** This article analyzes the legal and practical status of the participation of the prosecutor in civil proceedings, the legislative experience of foreign countries on this issue, the views of scientists and experts in the legal literature, the need for the participation of the prosecutor. As a result of the analysis, proposals are substantiated aimed at improving the basis for the participation of the prosecutor in the civil process.

**Калит сўзлар:** фуқаролик суд ишларини юришти, прокурор, судда иштирок этиш, асослар, хорижий тажриба, зарурат, такомиллаштириш.

**Ключевые слова:** гражданский процесс, прокурор, участие в суде, основания, зарубежный опыт, необходимость, совершенствование.

**Key words:** civil process, prosecutor, participation in court, grounds, foreign experience, necessity, improvement.

Ўзбекистон мустақиллигининг ўтган йиллари мобайнида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жамиятда қонунийлик, қонун устуворлигини тўлиқ таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Конституция ва қонунларнинг устуворлиги принципи суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни ҳаракатлантирувчи қудратли омилга айланди. Бугунги кунда мамлакатимизда кенг кўламда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари мазкур ислоҳотларнинг ажралмас қисми сифатида прокуратура идоралари вазифаларининг аниқ белгиланишига олиб келди.

Мамлакатимизда прокуратура органларининг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби, шунингдек прокурорларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган. Ўзбекистон Республикасида прокуратура бутун мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадиган давлатнинг мустақил органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан

назоратни амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланган (118-модда).<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 2-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдир.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 7 январда прокуратура органлари ходимлари куни олдидан соҳа ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда: “Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак, ... прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади, ... қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир

1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон. 2021 й. –Б. 32-33.

2 Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й. 9-10-сон, -41 б.

кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт", деб алоҳида таъкидлаган.<sup>3</sup> Ушбу вазифалар прокуратура органлари фаолиятида дастуруламал бўлмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш жараёнида прокуратура органлари фаолиятини ҳамда уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Сўнги йилларда прокуратура органлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига оид қонун ҳужжатларига бир қатор қўшимча ва ўзгаришлар киритилди, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилишга доир ваколатлари кучайтирилишига устувор аҳамият берилди. Эндиликда прокуратура инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, давлат ва жамият манфаатлари ҳимоячиси сифатида янги ҳуқуқий мақомда фаолият юритмоқда. Шу ўринда, прокурорнинг судларда фуқаролик ишлари кўришда иштирокига оид нормалар такомиллашиб бораётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Маълумки, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири судларда фуқаролик ишларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларга протест келтириш ҳисобланади ("Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси). Қонунларни тўғри татбиқ қилиш борасида прокуратура органларининг фаолияти судларниқига бирмунча ўхшаш бўлса-да, судлар ўз фаолиятини одил судловни амалга оширишга қаратадилар, прокуратура эса, одил судловни амалга оширишда судларга ҳар томонлама кўмаклашувчи орган ҳисобланади. Суд ва прокуратура органлари қонунларнинг тўғри татбиқ қилинишидаги назорат вазифаларини амалга оширишда турли ўзига хос усул ва шакллардан фойдаланади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг янги Фуқаролик процессуал кодекси қабул қилиниши (2018 йил 22 январь) муносабати билан прокурорнинг фуқаролик процессидаги вазифаси борасида ҳам ўзгаришлар юз берди. Фуқаролик суд ишларини юритишда прокуратура органлари ўз олдига қўйилган ва қонунда кўрсатилган қатор вазифаларни амалга ошириш билан бирга суд процессида фаол қатнашиб, иш юзасидан қонуний ва асосли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишини таъминлашга кўмаклашади. Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг аҳамиятини аниқлашда, биринчи навбатда, ҳуқуқий демократик давлат, адолатли жамият қуришнинг муҳим принципларидан бўлмиш қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган

манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатларининг талаб ва нормаларига сўзсиз риоя этиш ғоясидан келиб чиқиш керак. Зеро, ҳуқуқий давлатда юқорида қайд этиб ўтилган принципларнинг амалда бўлиши нақадар муҳим бўлса, ушбу принципларга амал қилинишини кафолатлаш ҳам шу даражада муҳим ҳисобланади.

Судларда фуқаролик ишларини кўриш жараёнида прокурор қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича зиммасига юклатилган асосий вазифаларни бажариш баробарида фуқаролик суд ишларини юритишнинг Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади) 2-моддасида назарда тутилган вазифаларини амалга ошириш борасида судларга кўмаклашади ва шу орқали мамлакатимизнинг янада ривожланишига ўз ҳиссасини қўшади.

Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асоси прокурор зиммасига қонун билан юклатилган мақсад ва вазифалардан, яъни қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш муддаосидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар "ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларни аниқ ва оғишмай бажариш, фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура идораларининг роли муҳим"лигини алоҳида таъкидлашади.<sup>4</sup>

Жамиятимизда турли хил ҳуқуқий муносабатлар ривожлангани сари фуқаролик ишлари бўйича судларга келиб тушаётган мурожаатлар сони ортиб, суд тартибида ҳал этилишига муҳтож турли, янги ва бирмунча мураккаб ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишлари кўпайиб бораётганлиги, натижада фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьялари иш ҳажмининг кўпайиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини тўғри ва ўз вақтида, самарали ҳимоя қилиш заруратининг юзага келаётганлиги фуқаролик процессида прокурор иштирокининг долзарб аҳамият касб этишини кўрсатмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда сўнги бир йилнинг ўзида биринчи инстанция судларида кўрилган фуқаролик ишлари ва чиқарилган суд буйруқларининг сони бир неча

3 Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон манфаатларини таъминлашнинг муҳим омилдир // "Нуқуқ". 2017 йил 8 январь, 2 (1052)-сон.

4 Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Адолат. 2001 й. –73 б.



баравар кўпайган. Масалан, 2020 йилнинг 1-ярмида биринчи инстанция судларида кўрилган фуқаролик ишлари ва чиқарилган суд буйруқларининг сони 122 772 тани ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилнинг 1-ярим йилида 234 477 тани ташкил этиб, қарийб икки бараварга кўпайган. Туманлараро судларда ишлаётган судьяларнинг сони 2020 йилнинг 1-ярмига қараганда 2021 йилнинг 1-ярмида 50 тага кўпайган бўлса-да, бироқ судьяларнинг кўрилган фуқаролик ишлари ва чиқарилган суд буйруқларининг сони бўйича иш юкломаси 2020 йилнинг 1-ярмига қараганда 2021 йилнинг 1-ярмида жиддий ўсганлиги кузатилади (120792 / 234400).<sup>5</sup>

Фуқаролик ишлари бўйича судьялар иш ҳажмининг юқорилиги, ундан ташқари туманлараро, туман судлари тузилмасидаги, уларнинг ҳудудий жойлашувидаги ҳамда судьялар сонидagi мавжуд номутаносибликлар фуқаролик ишларини кўриб чиқиш сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бундай вазиятда барча давлат органларидан, шу жумладан прокуратура идораларидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясидан тўлиқ фойдаланиш тақозо этилади. Зеро, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларни, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланидиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура идораларининг асосий вазифалари сифатида белгилаб қўйилган. Қолаверса, юридик адабиётларда прокуратура бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тезкор, малакали ҳамда бепул ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирлар кўра оладиган орган сифатида эътироф этилади.<sup>6</sup>

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-661-сонли қонуни билан фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек прокурорнинг аризасига кўра қўзғатилган ишлар бўйича фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этишга ҳақли эканлиги, прокурор бошқа шахсларнинг аризалари билан қўзғатилган ишнинг муҳокамасида ўз ташаббуси билан иштирок этиши мумкин эмаслиги белгиланди.<sup>7</sup>

Шу ўринда, прокуратура органларининг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирокига доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш, фуқаролик процессида прокурор иштирокининг

самарадорлигини ошириш борасида хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасини ўрганиш, уни қиёсий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, хорижий давлатларнинг фуқаролик процессида прокурор иштирокига тааллуқли қонунчилик тажрибаси ва бу борадаги илмий тадқиқотларни чуқур ўрганиш қонунчилиги-мизни бойитиш учун янги материалларга эга бўлиш, миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимиз олдида турган айрим ҳуқуқий муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради. Шу билан бирга, турли давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигининг ижобий жиҳатларини ўзаро яқинлаштириш, ўхшаш ҳуқуқий институтларини унификация қилиш халқаро ҳуқуқий интеграциялашув жараёнларини жадаллашувига ҳисса бўлиб қўшилади.

Бундан ташқари, қиёсий таҳлиллар хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларини ўрганиш асосида фуқаролик процессуал қонунчиликнинг муайян бир йўналиши ёки соҳасида қўлланилаётган самарали усуллар билан ҳам яқиндан танишиш имконини беради. Бироқ бошқа бир илғор давлатнинг қонун ижодкорлиги борасидаги тажрибасини миллий қонунчилигимизга жорий қилиш жараёнида ўша мамлакатнинг бошқарув шакли, ўрганилаётган соҳанинг ҳолати ва вақти, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сабаблари албатта эътиборга олиниши керак. Шундай экан, ривожланган давлатлар, хусусан, АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия каби давлатларнинг, МДХ давлатлари фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб ўрганиш мамлакатимиз қонун ҳужжатларининг прокурор иштирокига доир нормаларини теран тарзда назардан ўтказиш қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришда, прокурорнинг фуқаролик процессида тутган процессуал ҳолатини янада аниқлаштиришда, келажакда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокига доир замонавий йўналишларни аниқлашда муҳим ўрин тутди.

Хорижий давлатларда прокуратура институтининг қандай ишлаётганлигидан келиб чиқиб, унинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги ҳуқуқий мақомини тўғри белгилаб олиш учун, аввало, унинг давлат органлари тизимидаги тутган ўрнини аниқлаб олиш муҳим. Зотан, прокуратуранинг қайси тизимга мансублиги унинг ваколатлари доирасини белгилаб беради. Хорижий давлатлар қонун ҳужжатлари таҳлили шуни кўрсатадики,

5 Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 2021 йил 1-ярмидаги иш фаолияти тўғрисида статистик маълумотлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Олий суди. -Т.: 2020 й. -Б. 71-72.

6 Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Саратов, 2012 й. -2с.

7 Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги "Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-661-сонли қонуни // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.01.2021 й., 03/21/663/0013-сон.

агар прокуратура идоралари Адлия вазирлиги ёки суд тизими таркибига кирган бўлса, ушбу орган асосан жиноят содир этган шахсларни жиноий таъқиб қилиш, судда оммавий айбловни қўллаб-қувватлаш, қамоққа олиш жойларида қонунийликни таъминлаш каби вазифалар билан шуғулланади. Мабодо, прокуратура мамлакат Парламенти ёки Президентига бўйсунадиган алоҳида мустақил тизимга мансуб бўлса, у ҳолда прокуратура органлари юқорида қайд этилган вазифалардан ташқари жамиятда қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлаш устидан умумий назорат функциясини ҳам бажаради.<sup>8</sup>

Юридик адабиётларда прокуратурани унинг давлат органлари тизимида тутган ўрнидан келиб чиқиб, қуйидагича таснифлаш кузатилади:

1) прокуратура Адлия вазирлиги тизими таркибига киради (АҚШ, Бельгия, Германия, Голландия, Дания, Исроил, Польша, Руминия, Сурия, Франция, Эстония, Япония ва бошқ.);

2) прокуратура суд ҳокимияти тизими таркибига киради ва суднинг ҳузурида жойлашган суд корпуси (магистратура) таркибига қўшилган бўлади (Болгария, Грузия, Озарбайжон, Туркия, Испания, Италия, Индонезия, Колумбия, Латвия);

3) прокуратура умуман мавжуд эмас (Буюк Британия, Ҳиндистон);

4) прокуратура алоҳида мустақил тизимга ажратилиб, мамлакат Парламенти ёки Президентига ёхуд ҳар иккаласига ҳисобдор бўлади (Миср, ХХР, КХДР, МДХга аъзо давлатлар).<sup>9</sup>

Юқорида келтирилган таснифлардан кўриниб турибдики, дунёда прокуратурани ташкил қилишнинг, фаолиятини ҳам ташкилий, ҳам функционал нуқтаи назардан тартибга солишнинг ягона стандартлари мавжуд эмас. Манбаларда таъкидланишича, бу каби стандартлар ҳатто Европа иттифоқига аъзо давлатларда ҳам мавжуд эмас экан.<sup>10</sup> Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, у ёки бу давлатнинг прокуратура тизимидан шундоққина нусха кўчиришга шошилмаслик керак. Зеро, хорижий давлатларнинг атоқли ҳуқуқшунос олимлари ҳам, амалиётчилари ҳам у ёки бу ҳуқуқий тизимни намунали деб ҳисобламайди, ундан андоза олишни тавсия қилмайдилар.

Шундай бўлса-да, ҳозирги кунда юридик адабиётларда ва хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасида прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштирокининг қуйидаги икки йўналиши кўпроқ кузатилмоқда:

**биринчи йўналиш** – прокурорнинг ҳуқуқларини чеклаш;

**иккинчи йўналиш** – прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари ва функцияларини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш.<sup>11</sup>

Шунга мувофиқ ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ҳам прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишдаги иштирокининг долзарблиги борасида турлича фикр-мулоҳазалар илгари сурилаётир. Масалан, атоқли процессуалчи олимларимиздан бири Ш.Ш.Шорахметов ўз дарслигида “ҳуқуқий демократик давлат қуриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларни аниқ ва оғишмай бажариш, фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдек муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура идораларининг роли катта” эканлигини алоҳида қайд этган.<sup>12</sup> Хорижлик қатор мутахассислар ҳам ўз асарларида фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки учун объектив зарурат мавжудлигини баён этадилар.<sup>13</sup> Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, юридик адабиётларда фуқаролик процессида прокурор иштирокини чеклаш ёки тўлиғича чиқариб ташлаш ҳақида фикрлар ҳам учрайди.<sup>14</sup>

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари шароитида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этаётган бир пайтда фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган прокурорларнинг фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал этиш жараёнидаги иштироки алоҳида эътибор талаб этади. Шунинг учун ҳам фуқаролик процессида прокурор иштирокига объектив заруратлар мавжуд. Қолаверса, юридик адабиётларда тўғри таъкидланганидек, жамиятда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига юридик

8 Қаранг: Мухаммеджанов Э.Б. Прокуратура в зарубежных странах. Учебник. –Алматы: «Нур-пресс», 2005. -5 с.

9 Қаранг: Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Учебник. В 4-х томах. Тома 1-2. Отв. ред. Б.А.Страшун. -М.: Изд-во БЕК, 1995. - 647 с.; Российский прокурорский надзор. -М., 2001. -С. 136-170.

10 Қаранг: Журсимбаев С.К. Прокурорский надзор в Казахстане. Алматы, 2003. -С. 36-37.

11 Қаранг: Власов А. Не ограничивать права прокурора в гражданском процессе // Законность. 2000. № 8. -41 с.

12 Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: Адолат. 2001. -73 б.

13 Тараненко В. Участие прокурора в гражданском судопроизводстве не только допустимо, но и необходимо // Прокурорская и судебная практика. М. 1999. № 1-2. -С. 131-136.

14 Қаранг: Похмелкин В. Участие прокуратуры в рассмотрении гражданских дел – юридический атавизм // Российская юстиция, 2001. № 5. - 6 с.



ёрдам кўрсатиш борасида адвокатлар хизматидан фойдаланиш имконияти муайян маънода чекланган<sup>15</sup> бир пайтда аҳоли ушбу қатламнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор ваколатларининг чекланиши мақсадга мувофиқ эмас. Айниқса, мамлакатимиз қонун ҳужжатларида фуқаролик ишлари бўйича адвокатлар томонидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган бир вақтда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб прокуратура идораларига мурожаат қилишлари турган гап.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев таъкидлаганидек, бугунги кунда прокуратурани том маънодаги “Халқ прокуратураси”га айлантириш бўйича кўрилатган чоралар самараси ўлароқ, узоқ йиллар давомида одамларда жазоловчи орган сифатида тасаввур уйғотиб келган тизим энди уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, ўз навбатида, давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи, жамиятда қонун устуворлиги ва адолат тантанасини таъминлашга ҳисса қўшувчи тузилмага айланмоқда.<sup>16</sup>

Маълумотларга қараганда, сўнгги 5 йилда ўтказилган назорат тадбирлари натижасида 413 мингдан зиёд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қонунга зид бўлган 32 мингдан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар прокурор протестлари асосида бекор қилинди. Қарийб 54 мингтаси эса қонунга мувофиқлаштирилди. Сўнгги 5 йилда прокуратура органларига 1 млн. 249 мингта мурожаат тушди, 1 млн. 187 минг нафар фуқаро бевосита қабул қилинди. Олис ва чекка ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллар орқали 323 минг нафар фуқаронинг муаммолари ҳал этилди. Айнан мурожаатлар асосида 183 минг нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, уларга етказилган 330 млрд. сўмликдан ортиқ зарар ундириб берилди.<sup>17</sup>

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-661-сонли қонуни билан мамлакатимиз ФПКга юқорида баён этилган ўзгартиш киритилгунига қадар ўтган йиллар давомида фуқаролик ишлари бўйича судларда прокурорлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатлари билан боғлиқ ишларда иштирок этиб, судлар томонидан қонуний, асосли ва адолатли қарорлар қабул қилинишида кўмаклашиб келган.

Маълумотларга қараганда, 2021 йилнинг 6 ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича судларда жами 155,5 млрд. сўмлик 949 та прокурор даъво аризалари кўрилиб, шундан 154,2 млрд. сўмлик 824 та ёки 87 фоиз ариза қаноатлантирилган. Даъво аризаларнинг 276 таси 58 млрд. сўмлик фуқароларнинг манфаатларини, шу жумладан 110 таси 490 млн. сўмлик меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида, 177 таси ерга оид қонунбузилишлар юзасидан, 91 таси 255 млн. сўмлик регресс тартибда ва 293 таси 147 млрд. сўмлик бошқа тоифадаги ишлар бўйича киритилган. Шунингдек, ушбу даврда 11 млрд. сўмни ундириш тўғрисидаги 1951 та прокурор аризалари асосида суд буйруқлари қабул қилинган бўлиб, барчаси қаноатлантирилган.

Кўриб турганимиздек, фуқаролик суд ишларини юритишда суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига эришиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда прокурор иштироки муҳим ўрин тутаяди.

Таъкидлаш жоизки, МДХга аъзо давлатлар қонунчилик тажрибасида ҳам прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштироки доирасини, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида прокурор ваколатларини чеклаш кузатилган эди. Хусусан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддаси биринчи қисмида прокурор фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси учун судга ариза прокурор томонидан фақат фуқаронинг соғлиғи, ёши, муомалага лаёқатсизлиги ва бошқа узрли сабабларга кўра ўзи мурожаат эта олмайдиган ҳолатларда берилиши мумкинлиги қатъий белгиланган эди. Бироқ Россия Федерацияси ФПКни ривожлантиришнинг кейинги босқичларида ушбу чекловларга қайси ҳолатларда йўл қўйилмаслиги ҳақидаги норма мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерацияси ФПКнинг 45-моддасига 2009 йилнинг 5 апрелида киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан юқоридаги чекловлар фуқаро ўзининг бузилган ёки низолашилаётган меҳнат (хизмат) муносабатлари ва бевосита унинг ўзи билан боғлиқ муносабатлар соҳасидаги ижтимоий ҳуқуқларини; оилани, оналик, оталик ва болаликни ҳимоя қилиш; ижтимоий ҳимоя, шу жумладан ижтимоий таъминот, давлат ва муниципал уй-жой фондларида турар жойга нисбатан бўлган ҳуқуқларни таъминлаш; соғлиқни сақлаш, шу жумладан тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи; қулай атроф табиий муҳитга бўлган ҳуқуқ; таълим олишга бўлган ҳуқуқни таъминлаш мақсадида қилинган мурожаатларга асосланиб прокурор тақдим этган аризага нисбатан татбиқ этилмаслиги

15 Қаранг: Маслова Т.Н. Проблемы участия прокурора в гражданском судопроизводстве: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -Саратов, 2002. - 3 с.

16 Йўлдошев Н.Т. Янги Ўзбекистон прокуратураси: ислохотларнинг дастлабки самаралари // “Халқ сўзи” газ. 2021. 27 август, 184-185-сон.

17 Йўлдошев Н.Т. Янги Ўзбекистон прокуратураси: ислохотларнинг дастлабки самаралари // “Хуқуқ” газ. 2021. 2 сентябрь, 35-сон.

белгилаб қўйилди.<sup>18</sup>

Шунингдек, Беларусь Республикаси ФПКга кўра, қонун ҳужжатларининг бузилиши аниқланганда, прокурор ўз ваколатлари доирасида давлат ва жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судга даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.<sup>19</sup>

Қозоғистон Республикаси ФПКнинг 54-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритишда қонунларни аниқ ва бир хилда қўлланилиши устидан олий назоратни давлат номидан Қозоғистон Республикасининг Бош прокурори бевосита ва унга бўйсунувчи прокурорлар орқали амалга оширади. Давлат манфаатларига дахлдор ишлар бўйича, агар жамият манфаатларини ёки ўзини мустақил ҳимоя қила олмайдиган фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш талаб этилса, шунингдек ишда иштирок этиш суд ёки прокурор томонидан зарур деб топилган ҳолларда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирок этиши шарт.

Прокурорнинг мазкур ваколатлари суд томонидан кўришга тайинланган барча ишлар бўйича уларни ўз вақтида хабардор қилиш суднинг интернет ресурсига бу ҳақда ахборотни жойлаштириш орқали таъминланади.

Прокурор қонунчиликка мувофиқ қуйидаги шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво аризаси, (ариза) билан мурожаат қилишга ҳақли:

1) жисмоний, руҳий ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқларини мустақил ҳимоя қила олмайдиган шахсларни;

2) номуайян шахслар доирасини;

3) Қозоғистон Республикаси хавфсизлиги ёки инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи учун хавфли оқибатларни бартараф этиш учун зарур бўлса давлат ва жамият манфаатларини.

Мазкур ҳолатларда прокурор томонидан даъво аризалари манфаатдор шахсларнинг илтимоси ва аризаси бўлиш-бўлмаглигидан қатъи назар тақдим этилиши мумкин.

Судда кўрилаётган низоли ишда прокуратура идораларининг манфаатини даъвогар ёки жавобгар сифатида ифода этаётган прокурор тарафларнинг барча процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларидан фойдаланади.<sup>20</sup>

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси таҳлили асосида Ўзбекистон

Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига ҳамда ФПКни такомиллаштириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судларда ишларнинг кўрилишида прокурор ваколатлари доирасини кенгайтиришни талаб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмида прокурорнинг давлат ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқи назарда тутилиши лозим. Бинобарин, ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмида прокурорнинг давлат ва юридик шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш ҳуқуқининг белгиланмаганлиги натижасида прокурорларнинг давлат ва юридик шахслар манфаатида киритган даъво аризалари асоссиз қайтарилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунингдек, мазкур таклифнинг процессуал қонунчиликка киритилиши ФПК нормаларини амалдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонун нормалари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлайди. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 41-моддасида прокурор фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Қолаверса, мамлакатимиз Солиқ кодексининг 329-моддасида прокуратура органлари – давлатнинг, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан умумий юрисдикция судларида давлат божидан озод қилиниши ҳақидаги нормалар назарда тутилган.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишда прокурор иштирокига оид хорижий давлатлар тажрибаси ҳамда буборада махсустадқиқотишларини амалга оширган олимлар ҳам прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги ролини юқори баҳолайдилар. Шундай экан, янги Ўзбекистон шароитида мамлакатимиз фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, прокурорнинг фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини янгича қараш орқали қайта кўриб чиқиш тақозо қилинади.

#

18 Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации от 14.11.2002 №138-ФЗ // Собрание законодательства Российской Федерации, 2002, № 46, ст. 4532.

19 Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь // <https://kodeksy-by.com>

20 Кодекс Республики Казахстан от 31 октября 2015 года № 377-V «Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан» // <https://online.zakon.kz>



Уйғун НИГМАДЖАНОВ,  
заместитель начальника Академии Генеральной прокуратуры

# ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЕ И ПРАВОВОЕ РАЗВИТИЕ ПРОКУРАТУРЫ В ВОПРОСАХ ВОЗВРАТА АКТИВОВ

(НА ПРИМЕРЕ БЕЛЬГИИ, ДАНИИ И НИДЕРЛАНДОВ)

**АННОТАЦИЯ.** На основе изучения зарубежного опыта в статье анализируется практика создания на базе прокуратуры офисов (подразделений) по возврату активов, их задачи и функции, рассмотрены вопросы образования такого подразделения в Узбекистане, обосновывается необходимость укрепления роли органов прокуратуры в данной области, а также дается авторская позиция о способе правового урегулирования данного вопроса в национальном законодательстве.

Вопросы экологической безопасности в отдельных сферах регулируются также законами «О радиационной безопасности» от 31.08.2000 года, «О промышленной безопасности опасных производственных объектов» от 28.09.2006 года, «О безопасности гидротехнических сооружений» от 20.08.1999 года и др.

Основную часть экологического законодательства составляют подзаконные нормативно-правовые акты, в которых конкретизируются положения законов, определяются конкретные механизмы деятельности в данной сфере и служат упорядочению государственного управления в сфере природопользования и охраны окружающей среды. К таковым нормативно-правовым актам относятся указы и постановления Президента Республики Узбекистан, постановления Кабинета министров и решения уполномоченных органов. Необходимо отметить, что количество таких актов из года в год увеличивается и только за последние 3 года их принято более ста.

В частности, Указом Президента Республики Узбекистан «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» от 30.10.2019 года №ПП-5863 определены приоритетные направления государственной политики в области охраны окружающей среды, внедрения эффективных механизмов профилактики, выявления и пресечения нарушений природоохранного законодательства, усиления

4 <http://lex.uz/docs/7065> [дата обращения: 03.06.2020].

5 А.Н.Межецкий. Правовые основы деятельности органов прокуратуры по охране Конституции Российской Федерации. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Тюмень-2007 год. С.15.

персональной ответственности руководителей государственных органов и хозяйствующих субъектов, граждан за санитарное и экологическое состояние населенных пунктов республики.

Указом утверждена Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года, которая определяет приоритетные направления государственной политики в области охраны окружающей среды на указанный период, реализация которых позволит обеспечить устойчивое развитие государства в интересах будущих поколений.<sup>6</sup>

Необходимо отметить, что большинство нормативно-правовых актов подзаконного характера в отличие от указанной выше Концепции, которая регулирует отношения, охватывающие общегосударственный уровень, направлены на регулирование отношений более узкого характера в рассматриваемой отрасли.

К таковым можно отнести постановления и указы Президента Республики Узбекистан «О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды» от 21.04.2017 года, «О мерах по совершенствованию системы государственного управления в сфере охраняемых природных территорий» от 20.03.2017 года, «О мерах по совершенствованию управления водными ресурсами Республики Узбекистан для повышения уровня обеспеченности населения питьевой водой и улучшения ее качества» от 26.11.2019 года, «О мерах по коренному совершенствованию системы санитарно-эпидемиологической службы Республики Узбекистан» от 09.09.2019 года, «О мерах по охране окружающей среды и организации деятельности государственных органов в сфере экологического контроля» от 30.12.2021 года и другие.

Еще большее количество подзаконных нормативно-правовых актов в рассматриваемой сфере принимается Кабинетом Министров Республики Узбекистан. Среди них имеются как постановления регулирующие общие вопросы охраны окружающей среды и экологии в целом, так и узкоспециализированные отрасли.

В качестве примера постановлений первой категории можно привести постановления Кабинета Министров «О совершенствовании системы мониторинга окружающей природной среды в Республике Узбекистан» от 05.09.2019 года, «О мерах по дальнейшему совершенствованию экономических механизмов обеспечения охраны природы» от 11.10.2018 года, «О создании единой системы мониторинга, обмена информацией и прогнозирования чрезвычайных ситуаций природного, техногенного и экологического

характера» от 28.12.2017 года и другие.

К категории постановлений Правительства, хотя и регулирующих отношения в сфере экологии, но затрагивающих, как правило, ее отдельные аспекты можно отнести Постановления Кабинета Министров «Об усилении экологического контроля над деятельностью предприятий по производству цемента» от 14.04.2020 года, «О дополнительных мерах по обеспечению эффективного и рационального использования природных ресурсов и повышению доходов государственного бюджета» от 10.09.2018 года, «О дополнительных мерах по совершенствованию деятельности органов государственного лесного хозяйства и использованию природных ресурсов приграничных территорий лесных хозяйств» от 10.09.2018 года, «Об утверждении нормативно-правовых актов в области обращения с отходами» от 06.02.2019 года, «О мерах по повышению эффективности использования воды в сельском хозяйстве и покрытию затрат на водоснабжение» от 22.05.2020 года и ряд других.

Необходимо отметить, что в качестве примеров выше приводились лишь постановления Правительства, принятые за последние 3 года, при этом количество нормативно-правовых актов, принятых в данной сфере с момента обретения Независимости Республикой Узбекистан, является весьма обширным и до настоящего времени не систематизировалось исходя из специфики отрасли.

Отдельного внимания также заслуживают нормативно-правовые акты Правительства, в которых отражаются стратегические цели и задачи отдельных отраслей природопользования и охраны окружающей среды. Данные постановления вносят большой вклад в обеспечение охраны и сохранения природных ресурсов, а также возлагают на органы прокуратуры определенные задачи.

К таким актам в частности относятся Постановление Кабинета Министров «О мерах по дальнейшему повышению эффективности использования биологических ресурсов Айдар-Арнасайской системы озер» от 22.04.2019 года, «О дополнительных мерах по оптимизации земельных участков фермерских хозяйств и других предприятий сельского хозяйства, а также эффективному использованию посевных площадей сельского хозяйства» от 09.01.2019 года, «О дополнительных мерах по дальнейшему развитию рыбной отрасли» от 06.11.2018 года и другие.

Отдельное место в регулировании правоотношений, связанных с охраной окружающей среды и природопользованием, занимают ведомственные подзаконные нормативно-правовые акты ответственных ведомств, которые имеют характер общеобязательных государственных предписаний. Назовем некоторые из них: Приказ

6 <http://lex.uz/docs/4574010> [дата обращения: 03.06.2020].



Председателя Государственного комитета Республики Узбекистан по охране природы «Об утверждении правил охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан» от 22.03.2006 года, Постановление Государственного Комитета Республики Узбекистан по охране природы, Министерства сельского и водного хозяйства и Министерства финансов Республики Узбекистан «Об утверждении «положения по определению ущерба, нанесенного сжиганием стерни зерновых колосовых культур и применению штрафных санкций в отношении юридических и физических лиц, совершивших указанные деяния» от 27.11.2006 года, Постановление Государственного Комитета Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды «Об утверждении правил транспортировки бытовых отходов» от 07.10.2019 года, Постановление Государственного Комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам «Об утверждении инструкции по учету запасов полезных ископаемых Республики Узбекистан и составлению отчетных балансов» от 03.07.2015 года.

В ходе осуществления прокурорского надзора работники органов прокуратуры опираются также на отдельные постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан, связанные с ответственностью за экологические правонарушения. Таковым, например, является Постановление Пленума Верховного суда «О судебной практике по делам о преступлениях и иных правонарушениях в сфере охраны окружающей среды и природопользования» от 20.12.1996 года. Вместе с тем, следует отметить, что данное постановление значительно устарело и подлежит пересмотру исходя из принятых после его принятия нормативно-правовых актов. В частности, часть 2 п.8 данного постановления гласит, что под нарушениями правил охоты или рыболовства следует понимать ведение промысла без соответствующего на то разрешения или с превышением количества дичи или рыбы, указанных в разрешении, а равно в запретное время или в недозволенных местах или недозволенными орудиями, способами и приемами. Однако, п.13 Правил охоты и рыболовства на территории Республики Узбекистан дает более широкий перечень действий, запрещенных в ходе осуществления охоты и рыболовства.

Экологическое законодательство Республики Узбекистан в последние несколько лет претерпело много изменений и продолжает изменяться на фоне осуществляемых в стране реформ. Необходимо отметить что большое количество нормативно-правовых актов в данной сфере усложняет как работу соответствующих органов по их исполнению, так и работу органов прокуратуры по обеспечению их единообразного применения и надзора за их исполнением. Несмотря на наличие

ряда законов в данной сфере, характерной их чертой является наличие ряда отсылочных норм и как следствие наличие большого количества подзаконных нормативно-правовых актов. Данная проблема повышает актуальность кодификации экологического законодательства, принятия единого акта, который будет регулировать сферу экологии и охраны окружающей среды и как следствие значительного уменьшения подзаконных нормативно-правовых актов. Представляется, что принятие Экологического кодекса Республики Узбекистан значительно упростит деятельность ответственных органов, в том числе органов прокуратуры.

Важной правовой основой прокурорского надзора в сфере экологии и охраны окружающей среды являются акты организационно-управленческого характера Генерального прокурора, обязательные для исполнения всеми работниками органов прокуратуры. К таким актам относятся приказы, указания, распоряжения, положения и инструкции, которые регулируют вопросы организации деятельности органов прокуратуры Республики Узбекистан, в том числе вопросы организации надзора за соблюдением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды. В частности, в ряде отраслевых приказов Генерального прокурора Республики Узбекистан имеются нормы обязывающие работников органов прокуратуры усилить надзор за исполнением законодательства, направленного на обеспечение экологической безопасности и охрану окружающей среды, предотвращение вредного воздействия отходов на здоровье граждан. Приказами закрепляются нормы по обращению особого внимания на исполнение законодательства об охране окружающей среды и рациональном использовании природных ресурсов, земельного, водного, лесного хозяйства, о недрах, охране атмосферного воздуха, растительном и животном мире, а также их использовании. Несмотря на наличие данных норм, единого акта организационно-управленческого характера, направленного на организацию прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды не имеется. В связи с чем, представляется целесообразным принятие отдельного приказа Генерального прокурора об организации деятельности органов прокуратуры по надзору за исполнением законодательства в сфере экологии и охраны окружающей среды.

Необходимо также обратить внимание и на структурные вопросы системы органов прокуратуры Узбекистана. В настоящее время в системе органов прокуратуры осуществляют деятельность несколько подразделений, ответственных за выполнение функций по надзору за исполнением законодательства в экологической сфере.

Так, на основании Постановления Президента

Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления аграрной и продовольственной сферами» от 18.03.2020 года в структуре Генеральной прокуратуры и прокуратурах на местах введены должности заместителя Генерального прокурора и прокуроров областей ответственных за соблюдение требований законодательства в сфере сельского хозяйства и продовольственной безопасности, организованы подразделения по надзору за исполнением законодательства по развитию аграрной и продовольственной сфер. На данные подразделения возложены задачи по содействию в том числе в обеспечении рационального использования природных ресурсов в сфере сельского хозяйства, широкого внедрения водосберегающих технологий и повторного введения в оборот земель, выведенных из оборота.

Также, в структуре органов прокуратуры действуют подразделения по надзору за исполнением законодательства в социальной сфере, на которые возложены задачи по обеспечению экологической безопасности и охрану окружающей среды, улучшение экологической обеспечении, предотвращение вредного воздействия отходов на состояние здоровья граждан.

Отдельно следует отметить о наличии в структуре прокуратуры Республики Каракалпакстан отдельной Приаральской природоохранной прокуратуры, а также Специализированной прокуратуры по надзору за исполнением законодательства об охране окружающей среды и устранению незаконного использования земель в Ташкентской области, специализацией которых является именно экологическая деятельность.

Особую деятельность осуществляет также управление Генеральной прокуратуры по надзору за исполнением законодательства в сфере развития Айдар-Арнасайской системы озер, на которое возложены функции по осуществлению надзора за исполнением законодательства об обеспечении экологической безопасности, охране окружающей среды и улучшении экологической обстановки в регионе, принятию мер по выявлению экологических правонарушений, их пресечению и принятию мер в отношении правонарушителей.

Несмотря на наличие указанных выше подразделений, до настоящего времени во всей структуре органов прокуратуры отсутствуют

специализированные подразделения, а имеющиеся подразделения являются разрозненными. Необходимо отметить что до настоящего времени не имеется также единого ведомственного акта регулирующего деятельность органов прокуратуры Узбекистана в сфере защиты окружающей среды.

Также необходимо отметить, что статус природоохранной функции органов прокуратуры, а также специализированных природоохранных прокуратур до настоящего времени не определен. Отсутствует единый развернутый нормативный акт, который может определить конкретные функции и задачи природоохранных прокуратур.

В связи с изложенным, исходя из изучения организационных вопросов и нормативной базы представляется целесообразным:

- закрепить на уровне Закона Узбекистана «О прокуратуре» природоохранной функции органов прокуратуры, с включением отдельной главы об особенностях организации и деятельности специализированных природоохранных прокуратур;

- принять единый ведомственный акт, который будет регулировать деятельность прокуроров в сфере защиты окружающей среды с детальным описанием всех задач, функций и полномочий прокуроров в данной сфере;

- образовать в структуре Генеральной прокуратуры Узбекистана единое специализированное подразделение, на которое будут возложены функции по надзору за исполнением законодательства в сфере охраны окружающей среды, которое будет иметь обособленные отделы в прокуратурах регионов;

- образовать межрегиональные специализированные прокуратуры по примеру природоохранных прокуратура Республики Каракалпакстан и Ташкентской области, и наделить их полномочиями по проверке экологического законодательства в хозяйствующих субъектах без получения разрешения компетентных органов. Данные меры позволят прокурорам оперативно реагировать на правонарушения в сфере экологии.

Указанные меры будут способствовать повышению эффективности прокурорского надзора в сфере экологии, обеспечению неукоснительного исполнения экологического законодательства на местах и в конечном результате обеспечению благоприятной окружающей среды и здоровья людей.

#



## ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАҚАМЛИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг мақсадлари, вазифалари, асосий йўналишлари, босқичлари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асослари ўрин олган. Прокуратура органлари ахборот тизимлари ва ахборот ресурслари вазифалари, уларда фаолият шаффофлигини таъминловчи механизмлари мавжудлиги таъкидлаб ўтилган. Прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси таҳлил қилинган. Прокуратура органлари инфратузилмаси элементлари, шу жумладан Маълумотларни қайта ишлаш маркази, корпоратив ҳисоблаш тармоғи, сервер ва тармоқ ускуналари, IP-телефония, аудио-видеоконференцалоқа тизимлари жорий этилганлиги кўрсатилган. Бош прокуратуранинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича мустақил бошқармаси вазифалари ва фаолияти ҳақида қисқа маълумот берилган. Вазирлик, идоралар ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция қилиш муҳимлиги, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бажарилган ишлар таҳлил қилинган.

**АННОТАЦИЯ:** В статье учтены цели, задачи, основные направления, этапы и теоретико-правовые основы цифровой трансформации деятельности органов прокуратуры. Рассмотрены информационные системы и информационные ресурсы, обеспечивающие прозрачность деятельности органов прокуратуры. Проанализирован ход реализации нормативно-правовых актов по внедрению информационно-коммуникационных технологий в деятельность органов прокуратуры, а также рассмотрены элементы инфраструктуры органов прокуратуры. Автор отмечает значение интеграции с информационными системами и ресурсами министерств и ведомств, принятых в этой связи нормативно-правовых актов.

**ABSTRACT:** The article takes into account the goals, objectives, main directions, stages and theoretical and legal foundations of the digital transformation of the activities of the prosecutor's office. It was noted that the Prosecutor's offices have the functions of Information systems and information resources that ensure transparency of their activities. The implementation of normative legal acts on the introduction of information and communication technologies in the activities of the prosecutor's office is analyzed. It is indicated that elements of the infrastructure of the prosecutor's office are being introduced, including a data processing center, a corporate computer network, server and network equipment, IP telephony, audio-video conferencing systems. The importance of integrating ministries and departments with information systems and resources, the regulatory legal acts adopted in this regard and the work carried out were analyzed.

**Калит сўзлар:** рақамли трансформация, прокуратура органлари, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий тенденциялар, миллий қонунчилик, Маълумотларни қайта ишлаш маркази, корпоратив ҳисоблаш тармоғи, ахборот тизимлари.

**Ключевые слова:** цифровая трансформация, органы прокуратуры, информационно-коммуникационные технологии, современные тенденции, национальное законодательство, Центр обработки данных, корпоративная вычислительная сеть, информационные системы.

**Keywords:** digital transformation, prosecutor's offices, information and communication technologies, current trends, national legislation, Data processing center, corporate computer network, information systems.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда прокуратура органларининг ролини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Халқаро стандартларга жавоб берадиган соҳа қонунчилиги шакллантирилиб, доимий равишда такомиллаштирилмоқда.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, судларга мурожаатлар кўпайиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Бу тенденция ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар, хусусан, прокуратура органлари фаолияти рақамли трансформация қилиниши билан боғлиқ. Дарҳақиқат, республикамизда барча соҳа ва тармоқлар, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида шаффофликни ошириш, коррупция хатарларини камайтириш ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли учун қулайлик яратиш мақсадида маъмурий жараёнларни рақамлаштириш бўйича кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда.

Зотан, ахборот тизимлари ва ресурслари давлат органлари ва ташкилотларида анъанавий жараёнларни қисқартириш, тезкорлик ва унумдорликни ошириш, инсон омилини истисно қилишга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг, хорижий ва халқаро

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти натижадорлигини уларнинг самарали ахборот-коммуникация хизматларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Масалан, биргина электрон ҳужжат айланишини рақамлаштириш жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш жараёнини тезлаштириш, қоғоз ва почта хизматлари харажатларини тежашга имкон берди (биргина 2021 йилда “Электрон ҳужжат айланиши” тизими ёрдамида 3,2 млрд сўм тежалган).

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизимидир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда иқтисодий низоларни кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек

давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Юқорида кўрсатилган прокуратура органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини ошириш, назорат функцияларини амалга ошириш усулларини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари ижроси устидан таъсирчан назоратни кучайтириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида фаолият изчил рақамли трансформация қилинмоқда.

Фаолиятни рақамлаштириш бўйича қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 16 ноябрдаги “Прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2433-сон қарори билан Прокуратура органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган.

Ушбу дастурда, хусусан, қуйидаги тадбирлар белгиланган:

оптик толалари алоқа линиялари асосида туман даражасигача бўлган хавфсиз корпоратив компьютер тармоғини яратиш;

Маълумотларни қайта ишлаш марказини барпо этиш;

хавфсиз электрон почтани амалга ошириш; аудио-видеоконференцалоқа тизими ва IP-телефония тармоғини яратиш;

электрон ҳужжат айланишига ўтиш;

прокуратура органларининг ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларини яратиш;

идоралараро ахборот ҳамкорлигини ташкил этиш;

компьютер ва периферик ускуналар, дастурий таъминот билан жиҳозлаш.

Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2568-сонли қарорига мувофиқ Бош прокуратура тузилмасида Ахборот-коммуникация технологияларини жорий



этиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси ташкил этилди. Мазкур қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва Транспорт прокуратураларида тегишли тармоқлар ташкил этилди.

Бошқарма фаолияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 29 августдаги буйруғи билан тартибга солинади. Жойлардаги тармоқлар мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом талаблари асосида ўз иш фаолиятларини олиб боришмоқда.

Бошқарманинг асосий вазифаларига прокуратура органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, яъни ахборот тизимлари, дастурий таъминотларни яратиш, маълумотларни қайта ишлаш маркази, ахборот тизимлари, корпоратив тармоқ ва IP-телефонияни узлуксиз ишлашни таъминлаш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги соҳасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш киради.

Бошқарма ва унинг жойлардаги бўлимларига қуйидаги вазифалар юклатилган:

Бош прокуратуранинг бошқа тармоқлари билан ҳамкорликда Бош прокуратура марказий маҳкамаси ва жойлардаги прокуратуралар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ва дастурий таъминотларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тизимлаштирилган ахборот базаларини яратиш ва жорий этиш, прокуратура органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва профилактика қилиш соҳасида ахборот билан таъминлаш;

прокуратура органларининг ахборот тизимлари ва дастурий таъминотини лойиҳалаш, қайта ишлаш ва ривожлантириш, шунингдек улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва кенг жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

прокуратура органларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфсизлиги бўйича талабларга риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, ахборот тизимлари, ресурслари ва ахборот базаларини ҳимоя қилиш бўйича техник инфратузилмани жорий этиш ва ривожлантириш;

прокуратура органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги малакаларини ошириш чораларини кўриш ва бошқалар.

Бошқарманинг иштироки билан прокуратура органлари ахборот инфратузилмаси яратилиб, асосий фаолият йўналишларини автоматлаштириш бўйича ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Бош прокуратурада замонавий Маълумотларни қайта ишлаш маркази барпо этилди.

Маълумотларни қайта ишлаш марказида сервер ва тармоқ ускуналари жойлаштирилган.

Ягона Маълумотларни қайта ишлаш марказида маълумотларни сақлашни ташкил этишнинг афзалликлари:

бутун ахборот инфратузилмасининг ишончлилигини ошириш (маълумотларни сақлаш ишончлилиги, ускуналар ва дастурий таъминотнинг носозликларга чидамлилиги);

маълумотларни сақлаш учун меҳнат харажатларини тежаш;

ахборот тизимларига уланишни соддалаштириш;

ахборот инфратузилмасини марказлашган ҳолда бошқаришни таъминлаш;

молиявий харажатларни камайтириш.

Маълумотларни қайта ишлаш маркази ҳисоблаш қувватини марказлаштирилган тарзда тақсимлаш ва бошқариш, ускуналарнинг захиралашни ташкил этиш имконини беради.

Республика, вилоят ва туман даражадаги прокуратура органларида локал ҳисоблаш тармоқлари яратилди. Уларни ўзаро боғлаш учун оптик линиялари ўтказилиб, корпоратив тармоқ ишга туширилди. Бу прокуратура органларининг барча ходимларига ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланишга имкон берди.

Ходимларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш мақсадида IP-телефония ва аудио-конференцалоқа тизимлари яратилиб, республика миқёсида жорий этилди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура, вилоят прокуратуралари, Транспорт ва Ҳарбий прокуратуралар ўртасида видео-конференцалоқа тизими жорий этилди. Натижада йиғилишлар ўтказилиши билан боғлиқ вақт ва транспорт харажатлари сезиларли даражада тежалмоқда.

Шунингдек, прокуратура органлари замонавий компьютер ва офис техникаси билан жиҳозланиб келинмоқда.

Хорижий тажрибани ўрганиб, дунё бўйлаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига рақамли технологиялар фаол жорий этилаётганини эътироф этиш керак ва ушбу тенденция Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Бошқарма томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилган ҳолда Бош прокуратуранинг ахборот тизимлари ва ресурслари яратиб келинмоқда.

Хусусан, “Электрон ҳужжат айланиши”, “E-material”, “Процессуал мажбурлов чораларининг ягона электрон ҳисобини юритиш модули”, “Ягона ҳисобот портали”, “Кадрлар сиёсати”, “Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик”, “Бюджет

назорати” дастурлари ишлаб чиқилиб, фаолиятга жорий этилди.

Электрон ҳужжат айланиш тизими ҳужжатларни шакллантириш, қайта ишлаш, қабул қилишдан тортиб, уларни архивга топшириш ва йўқ қилишгача бўлган даврдаги ҳужжатларнинг ҳаракатини автоматлаштирилган ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимидир.

Бош прокуратуранинг “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими 2019 йил 15 октябрдан расмий равишда ишга туширилиб, Бош прокуратура, вилоят ва туман (шаҳар) прокуратуралар, Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларда ҳамда Департамент органларида жорий этилди. 2021 йилдан мазкур тизим Мажбурий ижро бюроси органларида ҳам жорий этилди. Тизим жорий этилганлиги сабабли ҳужжатларни рўйхатга олиш ва ижрочиларга етказишнинг анъанавий 15 та босқичидан 10 таси бекор қилинди.

Ахборот тизимида электрон рақамли имзо билан имзоланган ҳужжатда QR-кодни яратиш функциялари жорий этилди. Ўзбек тилидаги матнларда хатолар мавжудлигига текширувчи функция ишлаб чиқилди. Ходимлар файл ва хабарлар билан алмашиш имкониятини яратиш мақсадида тизимда мессенджер жорий этилди.

“Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими ижро интизомини онлайн равишда назорат қилишга, ҳужжатларнинг йўқолиб кетиш хавфини истисно қилишга, ходимлар жойлашишидан қатъи назар, ҳужжатлар алмашинувини тезкор равишда таъминлашга, қоғоз ва почта харажатларининг камайишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизимида ўзбек тилидаги матнларнинг хатосини текширувчи база янгиланди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг муваффақияти ўтмишда содир этилган жиноятлар, уларга алоқадор шахслар, содир этиш воситалари ва усуллари, жиноятларнинг турли излари ва жиноий ҳодисалар билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги тизимлаштирилган маълумотлар билан таъминлаш даражасига, шунингдек, ҳодисалар ва объектларни аниқлаш, қидириш ва аниқлаш мақсадида терговчининг бундай маълумотлардан фойдаланиш қобилиятига боғлиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида ҳисобот ва статистик маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизимлари, тезкор, тергов амалиёти, криминалистик, бошқарув, эксперт фаолияти учун мўлжалланган автоматлаштирилган ахборот

тизимлари ишлатилиши мумкин. Шунингдек, маълумотларни қайта ишлаш тизимлари, автоматлаштирилган ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлаштирилган иш жойлари (ҳар хил ситуацион ёки call-марказлар) қўлланиши мумкин.

Мисол учун, Финляндия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг интеграциялашган ахборот тизими 63 та суд округи, 6 та апелляция судлари ва Финляндия Олий судига хизмат кўрсатади. Тизим 30 та жазони ижро этиш муассасаси, криминал полиция ва прокуратура органлари, суд қарорларини ижро этиш идоралари, жиноятлар учун жарима ундириш бошқармаси жорий этилган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича АҚШ тажрибаси ҳам эътиборга молик. Хусусан, 1997 йилдан буён АҚШда жиноят ишини юритишда электрон ҳужжат айланишига ўтишга қаратилган бир нечта федерал қонунлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3723-сон<sup>1</sup> қарорига ва 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>2</sup> ПФ-6041-сонли фармонига кўра, республикада жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири жиноят ишини юритиш тартибини босқичма-босқич рақамлаштириш ҳамда жиноят ишларини тергов қилиш жа-раёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 октябрдаги “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5566-сонли<sup>3</sup> фармони ижроси бўйича бошқарма томонидан “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизими (stat.prokuratura.uz) ишлаб чиқилиб, ишга туширилди. Ягона ахборот тизими Олий суд, прокуратура, ДХХ, ИИБ, ДБҚ, Департамент ва МИБ органларида жорий этилди.

Ушбу ахборот тизими статистик карточкаларнинг электрон шакллари тузиш орқали жиноят ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси

1 <https://lex.uz/docs/3735818> [кириш санаси 29.01.2022].  
2 <https://lex.uz/docs/4939467> [кириш санаси: 29.11.2022].  
3 <https://lex.uz/docs/4034449> [кириш санаси: 29.01.2022].



натижалари, шунингдек айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобини юритишга, жиноятлар ҳисобини юритишнинг шаффофлигини таъминлашга ва жинойи-ҳуқуқий статистикани шакллантиришда инсон омилини истисно этишга хизмат қилмоқда. Жиноят ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақамлари ягона ахборот тизимига тегишли статистик маълумотлар киритилгандагина берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли<sup>4</sup> фармони ижросини таъминлаш мақсадида “Электрон жинойи-ҳуқуқий статистика” Ягона ахборот тизими ҳамда 2019-2021 йилларда тўпланган ҳуқуқий статистик маълумотлар архиви Ички ишлар вазирлиги тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4551-сонли қарори<sup>5</sup> ижросини таъминлаш доирасида қўлланилган процессуал мажбурлов чоралари рўйхатини юритиб бориш мақсадида “Электрон жинойи-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимида ҳуқуқни чеклайдиган процессуал мажбурлов чораларининг ягона электрон ҳисобини юритиш бўйича “Мажбурлов” дастури яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли фармони<sup>6</sup> ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йил 1 январдан терговга қадар текшириш материаллари ҳисобини юритиш бўйича “E-material” ахборот тизими яратилиб, тегишли давлат органлари уланиши таъминланди.

Прокуратура органлари томонидан ҳисоботларни электрон тарзда топширишни таъминлаш мақсадида “Ягона ҳисобот портали” яратилди. Муқаддам прокуратура органлари фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисобот қоғоз шаклида тақдим этилган. Туман (шаҳар) прокуратуралари ҳисоботларни вилоятлар прокуратураларига тақдим этган. Сўнгра ҳисоботлар Бош прокуратурага юборилган.

Айни пайтда вилоят ва туман даражасидаги ҳар бир прокуратура органи ва тармоғи ягона ҳисобот тизими порталидаги шахсий кабинетлари орқали ҳисобот маълумотларини тақдим этмоқда. Ушбу портал жорий этилиши қуйидаги имкониятларни берди:

фаолият натижалари бўйича ҳисобот маълумотларининг шаффофлигини ошириш;

ҳисоботларни тақдим этиш ва таҳлил қилиш жараёнлари вақтини қисқартириш ва соддалаштириш;

инсон омилини минималлаштириш, ишончлиликни ошириш, маълумотларга тузатиш киритилиши эҳтимолини камайтириш;

#### **қоғоз учун харажатларни камайтириш.**

Бош прокуратурада прокурор назорати фаолиятини рақамлаштириш йўналишида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” ва бошқа дастурлар ижроси бўйича қонунийликни таъминлаш, маблағлар талон-торож қилишининг олдини олиш мақсадида “Бюджет назорати” ахборот тизими ишга туширилиб, муайян натижаларга эришилди.

#### **Ушбу дастур орқали:**

ҳар бир объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари, экспертиза, тендер, молиялаштириш ва бажарилган иш ҳажмлари билан боғлиқ барча ҳуқуқий ҳужжатлар дастурга киритилади;

қайд этилган масалаларнинг ҳар бири бўйича белгиланган муддатлар бузилган тақдирда дастур автоматик тарзда масъул ходимни хабардор қилади ва ишчи гуруҳ томонидан ушбу ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўрилади;

ишчи гуруҳларга ҳар бир объект бўйича топшириқ ва вазифалар бериб бориш имконияти мавжуд;

давлат дастурлари ижроси бўйича соҳалар, ҳудудлар ва объектлар кесимида статистик маълумотларни шакллантириш ҳамда таҳлил қилиш автоматик тарзда амалга оширилади;

жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида фуқароларга “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига киритилган ҳар бир объект бўйича мурожаатлар ва маълумотларни юбориш имконини берувчи **Telegram-бот** ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда прокурор назорати ҳужжатларини юритиш имкониятини берувчи “Прокурор назорати” ахборот тизимини жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур ахборот тизими прокурор назорати доирасида ўтказилган текширишлар ва қўлланилган прокурор назорати ҳужжатларини электрон шаклда юритишга мўлжалланган.

4 <https://lex.uz/docs/5344118> [кириш санаси: 29.01.2022].

5 <https://lex.uz/docs/4647329> [кириш санаси: 29.01.2022].

6 <https://lex.uz/docs/4939467> [кириш санаси: 29.01.2022].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сонли фармони<sup>7</sup> ижросини таъминлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси ҳамда Давлат хизматлари агентлигининг Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими билан интеграция қилинди. Ходимлар зарур маълумотларни олиш тезкорлигини ошириш мақсадида 16 та давлат ташкилотининг ахборот тизимлари билан электрон маълумот алмашувини таъминловчи 20 дан ортиқ дастурий таъминот ишга туширилди. Интеграция натижасида маълумотларни масофадан туриб электрон шаклда олиш имконияти яратилди. Интеграция натижасида “Электрон ҳужжат айланиши” ахборот тизими интерфейси орқали маълумотларни масофадан туриб электрон шаклда олиш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-43-сонли қарори<sup>8</sup> ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратуранинг “Бюджет назорати” электрон дастурини Молия вазирлигининг “Давлат молиясини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими” ва Қурилиш вазирлигининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграция қилиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-105-сон қарори<sup>9</sup>да “Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ягона ахборот тизими яратилиши белгиланган. Мазкур қарор билан давлат органлари ва ташкилотларнинг ахборот тизимлари билан

интеграция қилиш бўйича тегишли “йўл харитаси” тасдиқланган. Бугунги кунда ахборот тизимини бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органлари фаолиятини рақамли трансформация қилишнинг асосий мақсадларидан бири коррупция хатарларини камайтириш, коррупцияга оид қонун бузилишларининг олдини олишдир.

Шу мақсадда қуйидаги вазифалар ҳал қилиниб келинмоқда:

прокуратура органлари фаолиятига жорий этиб келаётган ахборот тизимларида шаффоф механизмларини яратиш;

ахборот тизимлари орқали жисмоний ва юридик шахслар билан алоқаларни чеклаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишини автоматлаштириш;

фаолиятнинг барча йўналишларини автоматлаштириш;

топшириқлар ижроси сифати ва муддати устидан автоматик тарзда ишлайдиган назоратни жорий этиш;

қонунчилик ва жиноятчилик ҳолати тўғрисидаги статистик ҳисоботларнинг автоматлаштирилган тарзда шакллантирилишини таъминлаш;

ўзаро электрон ҳамкорлик орқали идоралараро ахборот алмашиш усулларини такомиллаштириш.

Шу билан бирга, вазирлик, идора, ҳокимликларда ахборот тизимлари ва ресурслари мавжуд бўлса-да, улар ва прокуратура органлари билан электрон ҳамкорлик (интеграция) ҳанузгача тўлақонли йўлга қўйилмаган. Таъкидлаш керак, интеграция жараёнлари муайян хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли улар давлат органларидан меҳнат ресурслари, вақт ва маблағ сарфлашни талаб қилади. Шунга кўра, Бош прокуратуранинг ахборот тизимларини бошқа давлат органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш жараёнларини жадаллаштириш мақсадида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиб борилмоқда.

#

7 <https://lex.uz/docs/5339616> [кириш санаси: 29.01.2022].

8 <https://lex.uz/uz/docs/5768536> [кириш санаси: 29.01.2022].

9 <https://lex.uz/uz/docs/5840465> [кириш санаси: 29.01.2022].



Алимжан АКИЛОВ,  
Начальник отдела Института проблем  
законодательства и парламентских исследований  
при Олий Мажлисе Республики Узбекистан

## СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ КОНСТИТУЦИОННЫХ ОСНОВ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОРГАНОВ ПРОКУРАТУРЫ

**АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада рўёбга чиқарилаётган Янги Ўзбекистон Стратегияси доирасида прокуратура органлари фаолиятининг конституциявий асосларини янада такомиллаштириш эҳтиёжлари асослаб берилмоқда. Бунда прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари ва функцияларини Конституцияда мустақамлаш, шунингдек унинг раҳбар органларини шакллантириш тизимида демократик асосларини жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье обосновывается необходимость дальнейшего совершенствования конституционных основ деятельности органов прокуратуры в свете претворяемой в жизнь Стратегии Нового Узбекистана. При этом, основное внимание уделяется необходимости конституционного закрепления основных направлений и функций органов прокуратуры, а также внедрения демократических начал в систему формирования ее руководящих органов.

**ABSTRACT.** The article explains the need for further improvement of the constitutional foundations of the activities of the prosecutor's office in the light of the strategy of New Uzbekistan being implemented. At the same time, the main attention is paid to the need for constitutional consolidation of the main directions and functions of the prosecutor's office, as well as the introduction of democratic principles into the system of forming its governing bodies.

**Калит сўзлар:** Конституция, ислохот, прокуратура, назорат, қонунийлик, ижро этиш.

**Ключевые слова:** Конституция, реформа, прокуратура, надзор, законность, исполнение.

**Keywords:** Constitution, reform, prosecutor's office, supervision, legitimacy, execution.

В своем праздничном поздравлении в связи с 29-летием принятия Конституции Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев вновь высказался о необходимости конституционных реформ в качестве объективной необходимости формирования конституционной основы и еще более прочной законодательной базы для гармонизации Основного закона с современными реалиями нашего общества, сутью наших последовательных реформ, а также создания прочного правового фундамента Стратегии развития Нового Узбекистана.

При этом, одним из направлений Стратегии Нового Узбекистана обозначена защита прав и свобод, законных интересов каждого жителя Узбекистана, независимо от его нации, языка и религии.

В этом вопросе, как известно, особая роль отведена институту прокуратуры, которая, согласно Основному закону страны, призвана обеспечивать надзор за точным и единообразным исполнением законов на территории Республики, в том числе и через призму обеспечения прав, свобод и законных интересов граждан. С учетом этого обстоятельства, в Законе Республики Узбекистан «О прокуратуре» защита прав и свобод граждан закреплена в качестве одной из основных задач органов прокуратуры.

За последние годы благодаря усилиям и инициативам Руководителя страны осуществлены коренные преобразования в системе органов прокуратуры, значительно обновлен ее кадровый состав, укреплены правовые и организационно-

институциональные основы ее деятельности. Внедрены современные стандарты оценки работы сотрудников прокуратуры, передовые технологии надзорной деятельности, значительно улучшена эффективность её правозащитной функции: надзор за исполнением законов со стороны граждан исключён из числа основных направлений органов прокуратуры. Постепенно искореняются негативные формы и методы прокурорской деятельности, насаждённые в начале 2000 годов.

Вместе с тем, как справедливо отметил Глава государства в своём поздравлении «В то же время мы хорошо понимаем, что нам предстоит еще многое сделать в целях полного претворения в жизнь норм нашей Конституции, более эффективного обеспечения верховенства закона и справедливости в обществе, прав и интересов человека, его чести и достоинства».

**Какие же аспекты деятельности, связанные с деятельностью органов прокуратуры, могут быть предметом конституционных реформ с учетом тенденций динамично реализуемых демократических преобразований, начатых Президентом Узбекистана в рамках Стратегии Нового Узбекистана?**

На наш взгляд, их несколько.

**Во-первых**, конституционного развития требуют основные функции органов прокуратуры, которые в настоящее время значительно шире тех, которые закреплены в Конституции страны.

Так, исходя из содержания статьи 118 Конституции Республики Узбекистан, основной функцией Генерального прокурора и подчиненных ему прокуроров является, как было указано выше, надзор за точным и единообразным исполнением законов на территории Республики.

Вместе с тем, если исходить из функций, закрепленных в Законе Республики Узбекистан «О прокуратуре», то в настоящее время органы прокуратуры, помимо надзора за исполнением законов,:

- **осуществляют производство предварительного расследования** преступлений;

- **поддерживают государственное обвинение** при рассмотрении в судах дел;

- **участвуют в законотворческой деятельности** и работе по повышению правовой культуры в обществе (ст.4 Закона);

- **координируют** деятельность в сфере профилактики правонарушений (ст.8 Закона);

- реализуют предоставленное Генеральному прокурору **право законодательной инициативы** (ст.13);

- **ведут борьбу с экономическими преступлениями** с помощью созданного в ее структуре специального Департамента (ст.18);

- **исполняют судебные акты** и акты иных органов с помощью созданного при Генеральной прокуратуре и ее территориальных подразделений Бюро принудительного исполнения (ст.18<sup>1</sup>);

- **продлевают срок** дознания, предварительного следствия, **ходатайствуют перед судом о продлении срока содержания под стражей или домашнего ареста; возвращают уголовные дела** органам дознания и предварительного следствия; **санкционируют** производство следственных действий, ходатайствуют перед судом или дают согласие на ходатайство: о применении меры пресечения, о производстве отдельных действий (например, об отстранении обвиняемого от должности, о помещении лица в медицинское учреждение и т.д.); **возбуждают уголовные дела или отказывают в их возбуждении, прекращают уголовные дела либо приостанавливают производство по ним; утверждают обвинительное заключение** и др. (ст.28).

Такой «разрыв» между конституционными положениями и нормами закона в вопросе функций органов прокуратуры не в полной мере соответствует **принципу конституционализма**, закрепляющего механизм государственной власти и, ограниченный конституцией, а также политическую систему, опирающуюся на конституцию и конституционные методы управления.

С целью дальнейшего развития конституционных основ деятельности органов прокуратуры предлагается статью 118 Конституции Республики

Узбекистан изложить в следующей редакции:

«Статья 118.

Генеральный прокурор и подчиненные ему прокуроры:

осуществляют надзор за точным и единообразным исполнением законов;

осуществляют производство предварительного расследования преступлений;

- поддерживают государственное обвинение при рассмотрении в судах дел;

- участвуют в законотворческой деятельности и работе по повышению правовой культуры в обществе;

- координируют деятельность в сфере профилактики правонарушений;

- реализуют право законодательной инициативы;

- ведут борьбу с экономическими преступлениями;

- исполняют судебные акты и акты иных органов;

- продлевают срок дознания, предварительного

следствия, ходатайствуют перед судом о

продлении срока содержания под стражей или

домашнего ареста; возвращают уголовные дела

органам дознания и предварительного следствия;

санкционируют производство следственных

действий, ходатайствуют перед судом или

дают согласие на ходатайство: о применении меры

пресечения, о производстве отдельных действий;

возбуждают уголовные дела или отказывают в их

возбуждении, прекращают уголовные дела либо

приостанавливают производство по ним; утверждают

обвинительное заключение».

Закрепление всех функций прокуратуры в Конституции осуществлено во всех государствах-участниках СНГ, за исключением Грузии. Так, например, в статье 121 Конституции Украины закреплены следующие функции органов прокуратуры: 1) поддержание государственного обвинения в суде; 2) представительство интересов гражданина или государства в суде в случаях, определенных законом; 3) надзор за соблюдением законов органами, осуществляющими оперативно-розыскную деятельность, дознание, досудебное следствие; 4) надзор за соблюдением законов при исполнении судебных решений по уголовным делам, а также при применении иных мер принудительного характера, связанных с ограничением личной свободы граждан.

**Во-вторых**, демократизация всех сторон государственной и общественной жизни, осуществляемая по многочисленным инициативам Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева, требует усиления демократических начал и в деятельности органов прокуратуры.

В соответствии с частью первой статьи 119 Конституции Узбекистана, единую централизованную систему органов прокуратуры возглавляет Генеральный прокурор Республики Узбекистан,



что означает единоначалие в этом важном государственном органе. События, связанные с деятельностью бывших генеральных прокуроров в период 2000–2018 годов, показали пагубность такого принципа руководства деятельностью органов прокуратуры, негативно отразившегося на имидже и авторитете этого надзорного органа в глазах граждан страны.

При этом, следует отметить, что в системе руководства деятельностью органов прокуратуры важное место занимает Коллегия Генеральной прокуратуры и коллегии Прокуратуры Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента.

Члены коллегии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан назначаются по согласованию с Администрацией Президента Республики Узбекистан, а члены коллегии областных прокуратур – по согласованию с Генеральным прокурором Республики Узбекистан. Кроме того, многие приказы Генерального прокурора и областных прокуроров принимаются на основе решений коллегий, что придаёт этим решениям демократический характер.

С целью усиления демократических начал в системе управления органами прокуратуры предлагается часть первую статьи 119 Конституции Республики Узбекистан изложить в следующей редакции:

«Единую централизованную систему органов прокуратуры возглавляет Генеральный прокурор Республики Узбекистан, который издаёт обязательные для исполнения всеми сотрудниками органов прокуратуры приказы на основании решения коллегии Генеральной прокуратуры. Прокуроры Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента также издают приказы на основании решения коллегии этой прокуратуры. Члены коллегии Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан назначаются по согласованию с Президентом Республики Узбекистан, члены коллегии Прокуратуры Республики Каракалпакстан назначаются высшим представительным органом Республики Каракалпакстан по согласованию с Генеральным прокурором Республики Узбекистан, члены коллегии областных прокуратур и города Ташкента – Генеральным прокурором Республики Узбекистан.»

**В-третьих**, усиления демократических основ требует и срок полномочий Генерального прокурора, прокуроров Республики Каракалпакстан, областей, города Ташкента, районов и городов.

В части четвёртой статьи 119 Конституции Республики Узбекистан закреплено, что срок полномочий Генерального прокурора Республики Узбекистан, прокурора Республики Каракалпакстан, прокуроров областей, районов, городов – пять лет. Однако каких либо ограничений в сроках полномочий ни в Конституции, ни в Законе «О прокуратуре» не установлено, что привело к тому, что на практике одно и то же лицо занимало одну и ту же должность в течение нескольких сроков полномочий. Это способствовало сращиванию прокуроров с представителями поднадзорных органов, представителями бизнеса и последующему совершению в их интересах различных злоупотреблений, а порою – коррупционных проявлений.

Данное обстоятельство не соответствует демократическому принципу сменяемости власти, который является одним из эффективных способов предотвращения деградации власти. Данный принцип в Узбекистане применен на конституционном уровне к Президенту Республики Узбекистан и судьям Конституционного суда Республики Узбекистан.

В этой связи, учитывая горький опыт органов прокуратуры, связанный с длительным руководством этой системой одним и тем же лицом, представляется целесообразным на конституционном уровне закрепить на конституционном уровне принцип сменяемости прокуроров. Для этого предлагается часть четвёртую статьи 119 Конституции Республики Узбекистан дополнить абзацем вторым в следующей редакции:

«Одно и то же лицо не может быть назначено Генеральным прокурором, Прокурором Республики Каракалпакстан, прокурором области, районным и городским прокурором более двух раз».

Представляется, что эти и другие изменения в Конституции страны создадут прочную правовую базу для дальнейшей демократизации и модернизации системы органов прокуратуры с тем, чтобы она в интересах народа обеспечивала в стране должный режим законности и правопорядка.

#

Дилзода ДОВУДОВА,  
Бош прокуратура Академияси катта ўқитувчиси

## СУДЛАРДА ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА “ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИ” ТУШУНЧАСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

**АННОТАЦИЯ.** Мақолада тарихда биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юриштида прокурор ваколатининг тадрижий ривожланиши, ушбу ривожланиш босқичларидаги ҳуқуқий асослари, давлат айбловчиси процессуал мақомининг пайдо бўлиши, мустақиллик йилларидаги ҳуқуқий асослар билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, мазкур масала юзасидан қонунчиликдаги бўшлиқлар, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ёритилган, судда жиноят ишларининг кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашнинг вужудга келиши ва ривожланиши бир неча тарихий босқичларга бўлинган.

**АННОТАЦИЯ.** В статье рассматривается история поэтапного развития полномочий прокурора в уголовном судопроизводстве в судах первой инстанции, правовая основа данных процессов, становление процессуального статуса государственного обвинителя, сравнительно-правовой анализ с правовыми основами периода независимости, а также на основе анализа пробелов в законодательстве выработаны предложения по совершенствованию законодательства. В статье также процесс становления и развития полномочий прокурора в уголовном суде делятся на несколько исторических этапов.

**ABSTRACT.** The article considers the historical gradual development of prosecutorial authority in criminal proceedings in the first instance courts, legal basis for these stages of development, the emergence of the procedural status of a public prosecutor comparative legal analysis with the legal basis for years of independence, gaps in the legislation on this issue, proposals for improving legislation, as well as the powers of the prosecutor in a criminal court are divided into several historical stages.

**Калит сўзлар:** суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокурор, айбловчи, давлат айбловчиси, прокурор назорати, суд, суд мажлиси, жиноят иши, тараф, дастлабки суд эшитиви, тарихий босқич.

**Ключевые слова:** судебная реформа, прокурор, обвинитель, государственный обвинитель, прокурорский надзор, суд, судебное заседание, уголовное дело, сторона, предварительное слушание, исторические этапы.

**Key words:** judicial reform, prosecutor, accuser, public prosecutor, prosecutorial supervision, court, court trial, criminal case, parties, preliminary hearing, historical stages.

Марказий Осиёда жиноят процессида прокурорнинг ўрни Россия империяси, шунингдек РСФСР (Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси) ва собиқ СССР қонунчилигининг таъсири остида шаклланди<sup>1</sup>.

Россияда прокуратура органлари ва прокурорлик назоратининг асосчиси Пётр I ҳисобланади. У 1722 йилда Франция прокуратураси фаолиятини асос қилиб Бош прокурор босқичидаги прокуратуранинг таъсис этган<sup>2</sup>.

Туркистон ўлкасида 1867 йилдан 1886 йилга қадар прокуратура мустақил орган сифатида фаолият олиб бормаган. Прокурор назорат функциясини маъмурий аппаратни бошқарган Генерал-губернатор амалга оширган<sup>3</sup>.

Туркистонда прокуратура органи Россия Олий ҳокимияти подшо Александр II тасдиқлаган 1886 йил 12 июнда қабул қилган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида”ги Низом билан фаолиятини бошлаган<sup>4</sup>.

1899 йилга келиб Туркистон ўлкасида икки кўринишдаги: суд палатаси ва туман судлари қошидаги прокуратура органи фаолият олиб борган. Прокуратура дастлаб судлар қошида ташкил этилган бўлса-да, унга бўйсунмаган ва судлар устидан назорат қилиш ваколатлари бўлган.

Октябрь инқилобига қадар Туркистонда прокурорлик фаолияти юқорида қайд этилган низом, прокурор ваколатини таъминлаш “Жиноий иш юришти тўғрисида”ги Низом асосида тартибга

1 М.Махбутов. Ўзбекистонда прокуратура органларининг тузилиши ва ривожланиши. –Т.: 1991 й. - 224 Б.

2 А.Д.Давлетов Прокурорский надзор. Учебник. Нукус., Билим, 1999. – С 14.

3 М.Махбутов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. - С 16.

4 Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т., 2004 й., 8 б.



солинган<sup>5</sup> ва жиноят иши бўйича судда прокурор иштироки шу даврдан бошланган.

Суд палатаси ва туман судларида кўрилган барча тоифадаги жиноят ишларида прокурор иштироки мажбурий бўлган. Суд процессида прокурор ҳимоя билан тенг ҳуқуқли бўлмаган. Судга гувоҳ, экспертни чақириш ҳақидаги мурожаати “талаб” даражасига эга бўлган. Прокурорнинг талаби учун муддат белгиланмаган ва асослантириш шарт бўлмаган. Судга прокурорнинг талаби мажбурий бўлиб, у муҳокама қилинмаган. Ҳимоя учун эса бу каби илтимосномалар учун 7 кунлик муддат белгиланиб, суд уни рад этиши мумкин бўлган<sup>6</sup>.

1917 йилги Октябрь инқилоби воқеаларидан сўнг 1917 йил 24 ноябрдаги 1-рақамли Декрет билан прокуратура органлари фаолияти тугатилган<sup>7</sup>.

1918 йилда Туркистон ўлкасида жамоат айбловчиси судда ишларни юритишда янги субъект сифатида кириб келган бўлиб, айбловни ҳар қандай шахс қувватлаши мумкин бўлган. Суд процессига аниқ процессуал ваколатга эга бўлмаган, жиноят ишидан манфаатдор бўлган шахслар томонидан айблов қувватланган. Шу сабабли жамоат айблови институтини бошқа давлат айблови институти билан ўзгартириш зарурати юзага келган.

Россия Марказий ижроия қўмитаси (ВЦИК) нинг 1922 йил 26 майдаги қарори билан прокурорлик назорати тўғрисидаги низом тасдиқланган<sup>8</sup> ва 28 май куни имзоланиб, қонунга айланган<sup>9</sup>. Ушбу низомда бир қанча прокурор ваколатлари, жумладан судда айбловни қувватлаш ваколати<sup>10</sup> ҳам бўлса-да, унда жиддий бошқа камчиликлар бўлган<sup>11</sup>.

Туркистон Республикаси МИҚ 1922 йил 31 октябрда “Прокурор назорати тўғрисида”ги янги низомни тасдиқлаган. Ушбу низомга мувофиқ, прокуратурага судда айбловни қувватлаш вазифаси юклатилган ва такомиллаштирилган<sup>12</sup>. Судда иштирок этаётган прокурор суднинг тайёрлов мажлисида иштирок этиш, судда айбловни қувватлаш, суд ҳукми ва қарорларига эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлган.

Ушбу даврда прокуратура дастлабки эътиборни судда давлат айбловини қувватлаш, суд қарорлари ва ҳукмларининг қонунийлигини назорат қилишга қаратиб, ўзининг мавжудлигини билдирган. Мисол учун, 1922 йилнинг 6 ойида маъмурий (бошқарув) суд мажлисида 438 та, суд мажлисларида 479 та ишда иштирок этиб, 470 таси бўйича айблов нутқи билан музокара қилган<sup>13</sup>.

Тарихий манбалар прокурорни суд устидан назорат олиб борганлигини ҳамда суд жараёнининг босқичларида прокурор фикри муҳим аҳамият касб этиб, мажбурий характерга эга бўлганлигини кўрсатмоқда. Қайд этилган даврда прокуратуранинг тизими шаклланиб, кун сайин қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унинг ваколатлари такомиллашиб борган.

Туркистон МИҚ 1922 йил 1 августдан Туркистон АССР ҳудудида РСФСР Жиноят-процессуал кодексини жорий этди. Бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар билан мазкур кодекс 1923 йил 15 февралда янги таҳрирда тасдиқланди ҳамда бутун Туркистон АССР ҳудудида амал қила бошлади<sup>14</sup>.

1923 йилдаги ЖПКнинг 49-моддасига мувофиқ, судда иштирок этаётган прокурорни рад қилиш асослари ва тартиби амалдаги ЖПКда белгилангани каби баён этилган бўлиб, бироқ кўрилатган иш бўйича прокурор суриштирув ёки терговда иштирок этган ёхуд айбловни қувватлаган бўлса, уни рад қилиш учун асос бўлмаслиги баён этилган.

Мазкур ЖПКнинг 50-моддасига кўра, ишда прокуратура ходимлари, қонун ҳуқуқ берган жабрланувчи, касаба уюшмаларининг вакиллари, меҳнат инспекторлари, ишчи-деҳқон, техник-санитария ва бошқа инспекцияларнинг вакиллари айбловчи сифатида қатнашишлари мумкин бўлган. Бошқа шахслар эса маъмурий бошқарув ёки суд мажлисида суднинг иш бўйича чиқарган махсус ажримига кўра ишда айбловчи сифатида иштирок этишга йўл қўйилган<sup>15</sup>.

Юқоридаги манбаларда кўринишича, тарихда судда иштирок этаётган прокуратура ходимларига

5 Положения об управлении Туркистанского края том 2, 1892 год. Санкт-Петербург

6 Горшенин К.П. Советская прокуратура. М.: МЮ СССР, 1947. - С 16.

7 Наша газета. 1917, 12 декабрь

8 М.Маҳбубов. Адолат йўлида 70 йил. – Т.: “Ўзбекистон”. 1992 й. 26-28 б

9 Советская прокуратура. Москва. Юридическая литература. 1982 г. – С 24.

10 Советская прокуратура. Москва. Юридическая литература. 1982 г. – С 24.

11 Б.Х.Пўлатов. Уша жойда.ўқув қўлланма –Т., 2004 й., 10-11 Б.

12 М.Маҳбубов. Адолат йўлида 70 йил. – Т.: “Ўзбекистон”. 1992 й. 28 б

13 М.Маҳбубов. Этот дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т. 1993 г. – С 66.

14 Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Дарслик –Т., 2009 й., – 386 Б.

15 <https://ru.wikisource.org/wiki>

нисбатан “прокурор” тушунчаси қўлланилган, бироқ 1923 йилда судда айбловни фақат прокурор эмас, бошқа процесс иштирокчилари ҳам қувватлаши мумкин бўлганлиги сабабли “айбловчи” тушунчаси кириб келган.

ЖПКнинг 248-моддасига мувофиқ, прокуратура суднинг маъмурий (бошқарув) йиғилишида ўз хоҳишига кўра иштирок этган.

Б.Х.Пўлатов ушбу норма замирида давлат органи сифатида прокуратура хусусида гап бориши, у суддан юқори қўйилганлиги ҳақида фикр билдирган<sup>16</sup>.

Ушбу кодекснинг 231-моддасида прокурор айбланувчини судга тақдим этиш билан бир вақтда шахсан ёки бошқа ходими айбловни қувватлаш зарурлиги тўғрисида хабар берган, бироқ суднинг прокуратура томонидан айбловни қувватлаш ҳақидаги ажрими мажбурий характерга эга бўлган.

Суд мажлиси буйруғи прокурор томонидан бажарилмаса, интизомий чора кўриш учун прокуратурага хабар берган. Прокурор шундан сўнг ҳам буйруққа итоат этмаса, (агар ишга зиён етказмаган ҳолда прокурорни бошқа прокуратура ходими билан алмаштириш имконияти мавжуд бўлмаса), суд прокурорга чора кўриш масаласини муҳокама қилиш учун жиноят ишини кўришни бошқа кунга қолдириш тўғрисида ажрим чиқарган.

Шу каби, судга айбловчи узрли сабабларсиз келмаган тақдирда, интизомий чора кўриш учун прокуратура органига хабар берилган. Демак, барча тоифадаги ишларда прокурор иштироки мажбурий бўлмаса-да, прокурор таклифи ёки суднинг ажримига мувофиқ белгиланган ишларда қатнашмаган айбловчига интизомий чора кўришгача қатъий муносабат билдирилган.

Ушбу кодексга мувофиқ, суд мажлиси жиноят иши бўйича айблов хулосасини, прокурор қарорини ўқиш билан бошланган (279-м). Бироқ айнан қайси процесс иштирокчиси томонидан ўқиб берилиши белгиланмаган.

Тарафлар музокараси айбловчидан бошланган (304-м), айбловчи айблов тўпланган далиллар билан тасдиқланмаган деган хулосага келса, айбловдан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ бу ишни давом эттириш ва қўйилган айбнинг тўғрилиги ҳамда судланувчининг жавобгарлиги масаласини умумий асосда ҳал этиш мажбуриятидан озод қилмаган (306-м).

Айбловчи музокарада суд терговидида текширилмаган янги далилларни келтиришга ҳақли бўлмай, ушбу ҳолатда суд терговини қайтадан

тиклаш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган (305-м). Айбловчи музокара нутқини суд маслаҳатхонага киргунга қадар ёзма тақдим қилиши белгиланган.

Мазкур ЖПКнинг ўзига хос хусусиятларидан бири, прокурорнинг кассация ёки хусусий тартибда протест келтириш ваколоти бўлиб, прокурор ушбу жараёнда иштирок этган барча тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилганда кассация тартибда протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган.

Фикримизча, прокурорнинг ушбу ваколоти кодексдаги “айбловчи” процессуал мақоми билан буткул қарама-қаршидир. Мазкур ваколат прокурорнинг қонунларни аниқ ва бир хилда, тўғри татбиқ қилинишини таъминлашига кўмаклашиш функциясига мувофиқ келади.

Олий судлар (губерния судлари) ва трибуналларда (вилоят судлари) биринчи инстанцияда агар жиноят иши мураккаб ва сиёсий, жамият манфаатлари билан боғлиқ бўлса прокурор ва ҳимоячи иштирок этган (381-м).

Вилоят судида биринчи инстанцияда иш кўрилишида айбловчи суд терговидида текширилмаган далилларни ҳам музокара нутқида келтириши мумкин бўлган. Шу билан бирга, прокурор томонидан кассация протести ҳукм эълон қилингандан сўнг 72 соат ичида келтирилган<sup>17</sup>.

1923 йил 23 ноябрда Олий суд прокурори ташкил этилган ва унга катта ваколатлар берилиб, СССР Олий суди устидан назорат қилиш ваколоти юклатилган. Жумладан, Олий судда биринчи инстанцияда кўрилиши лозим бўлган жиноят ишларини қўзғатган, унинг терговини назорат қилган ва кўрсатмалар берган, суд мажлисида прокурор ваколатини таъминлаган. Ушбу даврда Олий суд прокурорига суд идораларида қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро қилинишини (ҳукм, ажрим ва қарор қонун талаблари асосида чиқарилишини) назорат қилиш ва бошқа ваколатлар берилган.

1933 йил 20 июнда “СССР прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида”ги қарор билан барча прокуратура ягона раҳбарий тизимга бирлаштирилган. Олий суд прокуратураси фаолияти тугатилган. Ушбу қарорда прокуратурага барча Собиқ СССР республикаларида судлар томонидан қонунларни тўғри ва бир хилда қўллаш, ишларни суд жараёнининг исталган босқичида талаб қилиб олиш, юқори турувчи судга ҳукм ва қарор устидан протест келтириш, протест келтирилган суд қарорлари ижросини вақтинча тўхтатиш, барча

16 Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т., 2004 й., 10-18 Б.

17 <https://ru.wikisource.org/wiki>



суд инстанцияларда СССР ҳудудида айбловни қувватлаш юклатилган<sup>18</sup>.

Республика МИҚ раёсатининг 1926 йил 16 июндаги қарори билан Ўзбекистон ЖПК тасдиқланиб, 1 июлдан амалга киритилган. Прокурорнинг суддаги фаолияти республиканинг дастлабки ЖПК билан тартибга солина бошлаган. Мазкур кодекс билан судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор назоратига асос солинган<sup>19</sup>.

Шунингдек, Республика МИҚ раёсатининг 1929 йил 29 июндаги қарори билан янги таҳрирда Ўзбекистон ССР ЖПК қабул қилиниб, 1 августдан кучга киритилган<sup>20</sup>.

Мазкур ЖПКнинг 67-моддасида, агар прокурор ёки терговчи судда айбловни қувватлаш зарур деб ҳисобласа, бу ҳақда судга хабар берган<sup>21</sup>. Кўринадик, эски таҳрирдаги суднинг прокуратура томонидан айбловни қувватлаш ҳақидаги ажрими мажбурийлиги ҳақидаги норма бекор бўлган. Бу эса, прокурорнинг судда иштирок этиши унинг хоҳишига боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Эски таҳрирдаги (1923–1926 й.) кодексдан фарқли ўлароқ, ушбу (1929 й.) кодексда судда айбловни нафақат прокурор, балки терговчи, жамоат айбловчиси ҳам қувватлаши мумкин бўлган. Бундан ташқари, агар жабрланувчининг шикоят асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича прокурор ёки терговчи иштирок этмаса, унда айбловни жабрланувчи қувватлаши мумкинлиги белгиланган.

Фикримизча, “айбловни жабрланувчи қувватлаши мумкинлиги” ҳақидаги хусусий айблов институтини амалдаги ЖПКга ҳам татбиқ қилиш керак. Гарчи прокурор айбловдан воз кечган тақдирда агар жабрланувчи норози бўлса, айбловни жабрланувчи томонидан қувватлаши лозим.

Суд жараёни бир неча қисмдан: суд эшитуви, тайёрлов мажлиси, суд тергови, музокараси ва ҳукм чиқаришдан иборат бўлган. Суд эшитувида прокурор ёки терговчи иштироки шарт бўлмаса-да, бироқ суднинг тайёрлов мажлиси бўлиб ўтиш вақти ҳақида прокурор ёки терговчига хабар берилиши шарт ҳисобланган (94-м)<sup>22</sup>. Ушбу мажлис қарори юзасидан шикоят берилиши тақиқланган, бироқ прокурор ёки терговчи протест келтириши мумкин бўлган.

Суд муҳокамасига айбловчи узрли сабабларсиз келмаган тақдирда суд мажлисни давом эттириши мумкинлиги хусусида тарафларнинг фикри эшитилган. Кўринадик, тарафлар эътироз билдирмаса, суд мажлиси давом этган.

Суд музокараси дастлаб айбловчидан бошланган, у нутқида текширилмаган далилларни келтиришга ҳақли бўлмаган. Суд мажлисида баённома юритилиши ва унда айбловчи фикри қайд этилиши шарт бўлган. Айбловчи фикрини судга ёзма тақдим этиши тўғрисида норма мавжуд бўлмаган. Бироқ суд тарафлар музокарасини маълум бир муддат билан чеклаб қўйишга ҳақли бўлган (124-м).

Агар суд тергови асосида айбланувчининг айбсизлигига ишонч ҳосил қилса, айбловчи айбловдан воз кечиши шарт бўлган (125-м). Демак, бу мажбурият сифатида белгиланган бўлса-да, унинг амалга ошириш механизми мавжуд бўлмаган.

Ушбу кодексда биринчи инстанцияда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари юзасидан алоҳида норма белгиланмаган. Прокурорнинг судлар устидан назорати алоҳида қайд этилган.

Фикримизча, 1929 йилдаги ЖПК унга қадар амалда бўлган 1923 йил ва 1926 йилдаги ЖПК билан маълум жиҳатларидагина фарқ қилиб, аксарият ваколатлар ўхшаш бўлган. Ушбу даврдаги ЖПКда назарда тутилган нормалардан хулоса қилиш мумкинки, прокурорнинг суд тайёрлов қисмида ва оғир тоифадаги ишларда иштирок этиб, суд жараёнидаги иштироки деярли таъминланмаган.

Хусусан, суднинг тайёрлов қисмида прокурор иштироки 1946 йилда 95,8 фоиз, 1947 йилда 97,7 фоиз, 1948 йилда 96,3 фоизни, судда оғир тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки 1946 йилда 76,6 фоизи, 1947 йилда 81,1 фоизи, 1948 йилда 80,8 фоизини ташкил қилган<sup>23</sup>.

1929 йилги ЖПКда жиноят процессининг кўплаб муҳим масалалари ҳал қилинмаган. Шу сабабли, тергов ва суд органлари бир қатор процессуал масалаларни Россия ЖПК нормаларидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилишга мажбур бўлган, пайдо бўлган муаммолар Иттифоқ Олий суди ва Бош прокурорнинг бир талай йўналтирувчи хатлари ва тушунтиришлари билан ҳал қилинган. Бироқ бу ҳам у ёки бу масалани қонунчилик орқали тартибга

18 Советская прокуратура. Москва. Юридическая литература. 1982 г. – С 24

19 Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Дарслик –Т., 2009 й., - 386 Б.

20 УПК Узбекской ССР в редакции на 1-е января 1930 года. Самарканд. Издание Управления Делами Совета Народных Комиссаров УзССР

21 УПК Узбекской ССР в редакции на 1-е января 1930 года. Самарканд. Издание УДСНКУзССР. – С 19.

22 УПК Узбекской ССР в редакции на 1-е января 1930 года. Самарканд. Издание УДСНК УзССР. – С 25.

23 М.Махбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. - Т. 1993 г. - С 179-180.

солиш заруратини бартараф эта олмаган<sup>24</sup>.

Шусабабли, кейинчалик прокурор ваколатларини такомиллаштириш юзасидан СССР Олий Совети Президумининг 1955 йил 24 майдаги фармони билан “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринда Низом деб юритилади) тасдиқланган.

Шу билан бирга, СССР Олий Советининг 1958 йил 25 декабрдаги қонуни билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юргизиш Асослари (кейинги ўринда Асослар) тасдиқланган ва жиноий ишларни судда кўриш тартиби ушбу Асослар ҳамда унга мувофиқ равишда чиқариладиган бошқа қонунлар ва иттифоқдош республикаларнинг Жиноят-процессуал кодекслари билан белгиланган<sup>25</sup>.

Юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонуни билан Ўзбекистон ССР ЖПК 1959 йил 21 майда тасдиқланиб, 1960 йил 1 январдан кучга кирган<sup>26</sup>. Янги таҳрирдаги ЖПКда эски таҳрирдаги кодексларда назарда тутилган айрим қоидалар белгиланиши билан бирга, улар такомиллаштирилган ва кўплаб масалаларни қамраб олган.

Қайд этилган Низом ва Асослар янги таҳрирдаги ЖПКни қабул қилишга асос бўлиб хизмат қилган. Хусусан, низомнинг 4-боби ва асосларнинг 20-моддасида қатъий белгилаб қўйилган прокурорнинг суд устидан назорати ЖПКнинг 17-моддасида ўзининг ифодасини топган. Худди шу каби ЖПКнинг бошқа нормаларида қайд этилган ҳужжатларда белгиланган умумий қоидаларни амалга ошириш механизми кўрсатилган.

ЖПКнинг 35-моддасида судда айбловчи сифатида иштирок этадиган субъектлар доираси қисқариб, давлат айблови прокурор, жамоат айбловини жамоат айбловчиси, жабрланувчининг мурожаатига асосан қўзғатилган ишлар бўйича ёки ишда прокурор иштирок этмаётган бўлса айбловни жабрланувчи қувватлаши белгиланган.

Кўринадик, дастлабки 1923, 1926 ва 1929 йиллардаги кодексларда биринчи инстанция судида иштирок этаётган прокурорга “айбловчи”, кейинчалик 1959 йилдаги кодексда эса “давлат айбловчиси” процессуал мақоми берилган. Бу мақомнинг берилиши прокурорнинг суд устидан назорат қилиш функцияси билан боғлиқ бўлган.

Фикримизча, амалдаги ЖПКда назарда тутилган биринчи инстанция судида прокурор ваколатини таъминлаш билан боғлиқ нормалардаги

прокурорнинг процессуал мақомини бугунги кундаги функция ва вазифалардан келиб чиқиб қайта кўриш, ҳамда ягона “прокурор” тушунчаси қўлланилиши лозим. Чунки прокурор фақат айбловчи ёки давлат айбловчиси эмас, у қонун ҳимоячиси бўлиб бу асосида қонунда назарда тутилган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини таъминлайди.

Шу билан бирга, қайд этилган кодексда айбловчи ва процесснинг бошқа иштирокчилари суд муҳокамасида далиллар тақдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш ва илтимоснома киритиш масалаларида тенг ҳуқуқли эканлиги мустаҳкамланган (224-м).

Биринчи инстанция судида иш юритиш деб номланган бўлимнинг суд муҳокамасининг умумий шартларида прокурор иштирокига бағишланган янги алоҳида модда белгиланиб, унинг ваколатлари ва уларни амалга ошириш механизми қайд этилган (227-м).

Унга кўра, прокурор суд олдида давлат томонидан айбловни қувватлайди, далилларни текширишда иштирок этади, суд муҳокамаси вақтида келиб чиққан масалалар бўйича ўз фикрини айтади, судланувчига нисбатан жиноят қонуни ва жазо чорасини қўллаш юзасидан ўз фикрларини билдиради. Прокурор айбловни қувватлаётганда қонун талабларига ва ишдаги текширилган барча ҳолатларга асосланган ўз ички ишончига амал қилади.

Агар прокурор суд терговининг материаллари асосида судланувчига қўйилган айбни ўзгартириш зарур деган хулосага келса, бу ҳақда у судга асослантирилган баёнот бериши керак.

Агар прокурор суд муҳокамаси натижасида суд тергови материаллари судланувчига қўйилган айбни тасдиқламайди деган хулосага келса, у айбловдан воз кечишга ва унинг сабабларини судга баён қилишга мажбурдир.

Прокурорнинг айбловдан воз кечиши судни ишни кўришни давом эттириш ва судланувчининг айбдор ёки айбдор эмаслиги ҳақидаги масалани умумий асосларда ҳал этиш вазифасидан озод қилмаган<sup>27</sup>.

Прокурор суд мажлисига келмаса, уни ал-маштириш имконияти бўлмаса, иш кўриш кейинга қолдирилган. Ишга янги киришган прокурорга иш юзасидан суд муҳокамасида иштирок этишга

24 Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. Т., 1974., – С 83.

25 Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1959 й. 140 Б.

26 Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1959 й.

27 Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодекси. Ўзбекистон ССР давлат нашриёти. Тошкент. 1959 й.



тайёргарлик кўриш учун зарур бўлган вақт берилиши лозим бўлган. Узрсиз сабаблар билан судга келмаганлиги тўғрисида суд тегишли юқори турувчи прокурорга хабар берган (248-м)<sup>28</sup>.

Фикримизча, тарихда прокурорнинг суд жараёнида алмаштиришга йўл қўйилиши ҳақидаги норма белгиланган. Бироқ амалдаги ЖПКда қайд этилган қоида белгиланмаган бўлиб, уни киритиш лозим бўлади.

Судда прокурор иш бўйича вужудга келган барча масалалар юзасидан илтимоснома келтиришга ҳақли бўлиб, илтимоснома рад этилиши кейинчалик яна шундай илтимоснома билан чиқиш ҳуқуқи чекланмаган (258-м).

Суд терговда судланувчи, жабрланувчи, гувоҳлар ва экспертларни суддан кейин прокурор сўроқ қилган (261, 263, 267, 270-моддалар).

Шунингдек, 1959 йилдаги кодексда “прокурор хулосаси” ибораси ишлатилган бўлиб, суд жараёнида экспертга ёзма тарзда берилган хулосаси ўқиб эшиттирилиб, у юзасидан процесс иштирокчиларининг фикри ва прокурорнинг хулосаси эшитилган (269-м).

Суд музокараси айбловчининг нутқи билан бошланган, суд уни чеклаб қўйишга, айбловчи суд терговда текширилмаган далилларни келтиришга ҳақли бўлмаган (276-м). Музокара нутқи суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилган.

Прокурорда ноқонуний ёки асосиз чиқарилган ҳар бир ҳукм устидан кассация тартибда протест бериш мажбурияти (302-м) бўлиб, суд ажримлари устидан хусусий протест келтириш ҳуқуқи белгиланган (331-м).

Б.Х.Пўлатовнинг фикрича, 1959 йилги ЖПК давлат айбловчиларининг суддаги фаолиятини батафсил тартибга солди. Улар назорат функциясини бажаришар ва анча кенгроқ ҳуқуқларга эга эдилар. Ушбу кодексда суд ва прокуратура ўртасида мувозанат тенденцияси кўзга ташланади. Прокурор ходимлари катта ваколатга эга бўлиб, суд буни ҳисобга олишга мажбур эди<sup>29</sup>.

Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда юқорида келтирилган манбалардаги асосларга кўра, ҳақиқатдан ҳам 1959 йилдаги ЖПК унга қадар қабул қилинган бошқа кодексларга нисбатан такомиллаштирилган бўлиб, унда биринчи инстанция судида прокурор иштироки билан

боғлиқ алоҳида моддалар қайд қилинганлиги ва суд устидан прокурор назорати белгиланганлиги билан характерланади.

Биргина 1961 йилда судда кўрилган 17020 та жиноят ишидан фақатгина 7654 таси ёки 44,9 фоизида давлат айблови қувватланган бўлса, 1964 йилда эса биринчи инстанция судида жиноят ишлари ва муҳим тоифадаги ишларнинг кўрилишида прокурор иштироки салмоғи ошиб борган<sup>30</sup>.

Шу билан бирга, қонун устуворлигини таъминлашда прокуратуранинг роли 1978 йилда Ўзбекистон ССР Конституцияси қабул қилиниши билан янада такомиллаштирилиб, унда алоҳида боб қайд этилган. Шу Конституция асосида 1979 йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг СССР прокуратура тўғрисидаги қонуни қабул қилинган. Мазкур қонунда прокурорнинг судларда жиноят ишларининг кўрилиши ва суд қарорларининг қонунга мувофиқлигини назорат қилиш функцияси мустақкамлаб қўйилган<sup>31</sup>.

Ҳар бир давлатда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари бу унинг ўша даврдаги сиёсий муҳитини кўрсатади.

Б.Х.Пўлатов жиноят процессининг субъекти – давлат органи сифатида прокуратура органларининг ривожланиш тарихини олти босқичга даврийлаштирган<sup>32</sup>. Бироқ, биз ҳам мавзу доирасида тарихий ривожланиш босқичини олти босқичга бўлган бўлсақда, даврийлаштириш қуйида келтирилган жиҳатлари билан фарқланади.

Фикримизча, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини даврийлаштириш олти босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич – 1722-1917 йиллар Россия прокуратурасининг таъсис этилиши ва Марказий Осиёни босиб олгандан сўнг Туркистонга кўчирилиши, муайян вақт ўтиб прокуратура органлари тугатилгунга қадар бўлган давр бўлиб, ушбу даврда жиноят судида прокурор иштироки таъминлана бошлаган бўлсада, прокурор давлат сиёсатини амалга оширувчи жазоловчи субъект сифатида намоён бўлган;

Иккинчи босқич – 1922-1925 йиллар “Прокурор назорати тўғрисида”ги янги низом ва Туркистон АССР ҳудудида РСФСР ЖПК жорий этилиши билан

28 Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. – Т., 2004 й., 10-30,31 б.

29 Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. – Т., 2004 й., 10-34 б.

30 М.Махбузов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т. 1993 г. – С 202-203.

31 М.Махбузов. Указ соч. Дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т. 1993 г. – С 211-216.

32 Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т., 2004 й., 34-38 б.

характерланади. Ушбу ҳужжатларда прокуратура ваколатларида судда айбловни қувватлаш вазифаси юклатилган ва такомиллаштирилган, судда иштирок этаётган прокурор суднинг тайёрлов мажлисида иштирок этиши, судда айбловни қувватлаш, суд ҳукми ва қарорларига эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлган ҳамда прокурорни рад этиш, барча тоифадаги ишларда прокурор иштироки мажбурий бўлмаса-да, прокурор таклифи ёки суднинг ажримига мувофиқ иштироки мажбурий бўлган ишларда қатнашмаган айбловчига интизомий чора кўришгача қатъий муносабат билдириш талаблари белгиланганлиги билан характерланади.

Учинчи босқич – 1926-1958 йиллар мазкур босқичда янги таҳрирдаги Ўзбекистон ЖПКлари қабул қилинган бўлиб, уларда прокурор жиноят ишида иштироки зарур деб ҳисобласагина иштирок этган, у суд жараёнидаги иштироки деярли таъминланмаган, жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган жиноят ишлари бўйича прокурор ёки терговчи иштирок этмаса, унда айбловни жабрланувчи қувватлаши мумкин бўлган (хусусий айблов), прокурор протест келтириш ва исталган жиноят ишини талаб қилиб олиш, ижросини тўхтатиш ваколатига эга бўлганлиги билан характерланади. Ушбу даврда суд устидан прокурор назорати вужудга келган давр ҳисобланади.

Тўртинчи босқич – 1959-1991 йилларни ўз ичига олиб, ушбу даврда СССРда “Прокурор назорати тўғрисида”ги Низом, СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят-судлов ишларини юргизиш Асослари ҳамда янги таҳрирдаги ЖПК қабул қилинган бўлиб, ушбу ҳужжатларда биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки, унинг ваколатлари ва суд фаолияти устидан прокурор назорати ҳақидаги алоҳида нормалар белгиланган. Бу эса, прокурор ваколати янада кучайганлигини кўрсатади. Айнан ушбу босқичда “давлат айбловчиси” тушунчаси кириб келган. Судга юборилган ҳар бир иш прокурор диққат-эътиборида бўлиши учун судларда қонунийликка амал қилиниши устидан тўлақонли назорат қилувчи органга айлантирилган<sup>33</sup>.

Бешинчи босқич – 1992-2001 йилгача бўлган даврни қамраб олиб, унда судларда жиноят ишлари кўрилишида қонунийликка амал қилиниши устидан назорат тушунчаси бекор қилиниб, унинг

ўрнига “Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш” тушунчасига алмаштирилиши билан характерланади<sup>34</sup>.

Мустақилликнинг илк даврида, яъни 1992 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган бўлиб, унда судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлашнинг бир қатор қоидалари белгиланган.

М.Маҳбубовнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ва у билан бирга қабул қилинган биринчи мақомли “Прокуратура тўғрисида”ги қонун эди. Янги қабул қилинган қонунга судда прокурор иштироки тушунчаси ўрнига “Судда ишлар кўрилишида прокурор ваколатлари” тушунчаси киритилган<sup>35</sup>.

Кўринадики, прокурорнинг судда жиноят ишлари кўрилишида иштироки турли хил тарзда баён этилган бўлса-да, айнан “прокурор ваколатлари” тушунчаси Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги қонуни қабул қилиниши билан қўлланила бошлаган.

Унга кўра, прокурор қонунда назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, прокурорнинг ўзи ёхуд суд зарур деб топган тақдирда судларда ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиши, ишнинг кўриб чиқилишида иштирок этганлиги ёки этмаганлигидан қатъи назар, ушбу иш хусусида суднинг чиқарган ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонунга ҳамда иш юзасидан тўпланган материалларга қай даражада мувофиқ келишини текшириши, протест келтириши, шунингдек, суд қарорларининг қонунийлигини текшириш учун суддан ишларни талаб қилиб олиш, жиноий ишлар юзасидан суд чиқарган қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш, протестларни ўзгартириш, тўлдириш, чақириб олиш ваколатлари мавжуд бўлган<sup>36</sup>.

Фикримизча, Ўзбекистон мустақилликка эришган бўлса-да, ҳали эски нормаларда белгиланган талаблар асосида фаолият олиб борилган бўлиб, биринчи инстанция судида иштирок этган ёки этмаганлигидан қатъи назар, прокурор жиноят иши бўйича суд ҳукми, ажрими ва қарорининг қонунийлигини текширган.

Шу билан бирга, 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг ЖПК қабул қилинган бўлиб, унга қадар 1959 йилдаги ЖПК тартибида иш олиб борилган.

Прокурорнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг

33 Прокурорский надзор. М., 1969. – С 269.

34 Б.Х.Пўлатов. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти.– Т.,2004 й, 37-38 б.

35 М.Маҳбубов. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. дисс. на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т. 1993 г. – С 271-272.

36 <https://www.lex.uz/acts/31452>



ташкилий-ҳуқуқий асослари эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1993 йил 24 июлдаги “Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ишини ташкил этиш ҳақида”ги 7-сонли ва “Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ишини такомиллаштириш ҳақида”ги буйруғлари билан тартибга солинган.

Қайд этилган даврда биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштироки айрим тоифадаги ишларда таъминланган. Янги таҳрирдаги ЖПКда ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда прокурорнинг айнан қайси тоифадаги ишларда иштирок этиши белгиланмаган. Ушбу масала Бош прокурорнинг соҳавий буйруғида ўз ифодасини топган<sup>37</sup>.

Янги таҳрирдаги ЖПКда айблов, ҳимоя қилиш ва ишни ҳал қилиш вазифалари бир-биридан ажратилган, бу эса суд муҳокамасида томонларнинг ўзаро тортишувини таъминлайди<sup>38</sup>.

ЖПКнинг 34-моддасида прокурорнинг суд муҳокамасида қатнашиб, ушбу кодекснинг 409-моддасида назарда тутилган ваколатларни амалга ошириши белгиланган.

Судда прокурор фаолиятини тартибга солувчи бу асосий норма инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда судга ўз хулосаси билан қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишига кўмаклашади. Буни чет эл олимлари ҳам алоҳида эътироф этишади<sup>39</sup>.

Г.Абдумажидовнинг таъкидлашича, бу эски қонунчиликнинг барча нормалари янгиланишга муҳтож дегани эмас, аксинча, эски асос ва ЖПК нормаларининг катта қисми ҳаётда ўзини оқлади ва амалиёт синовида дош берди. Уларни сақлаб қолиш керак<sup>40</sup>.

Дарҳақиқат, амалдаги ЖПКда биринчи инстанция судида жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколати юзасидан ўзгартиришлар киритилган бўлса-да, бироқ эски таҳрирдаги ЖПК асослари сақланиб қолган.

Жумладан, ЖПКнинг 409-моддасида назарда тутилган прокурорнинг ваколатлари эс-

ки таҳрирдаги ЖПКнинг 227-моддасида белгиланган прокурор ваколати асослари деярли ўзгартирилмаган, бироқ янги ЖПКда айрим бўшлиқлар мавжуд бўлган.

Мисол учун, амалдаги ЖПКнинг 409-моддасида назарда тутилган прокурорнинг айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга сабаб бўлиши масаласи баён этилган бўлсада, ундан кейинги механизм белгиланмаган<sup>41</sup>. Бироқ эски ЖПКнинг 227-моддасида прокурор айбловдан воз кечган тақдирда суд судланувчининг айбли ёки айбсизлиги умумий асосларда иш кўришни давом эттиришга тўсқинлик қилмаслиги ҳақидаги қоида белгилаб қўйилган<sup>42</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, амалдаги ЖПК эски таҳрирдаги ЖПКга нисбатан такомиллаштирилган эди. Хусусан, прокурорнинг музокара нутқи судга тақдим этиш эски таҳрирдаги ЖПКда ихтиёрий бўлса<sup>43</sup>, янги таҳрирдаги ЖПКда мажбурий этиб белгиланган<sup>44</sup>.

Кўринадики, қайд этилган даврда янги таҳрирдаги ЖПКда бир қатор нормалар белгиланган бўлсада, амалда суд устидан прокурор назорати “Прокуратура тўғрисида”ги қонун билан мустаҳкамланиб, қонунларга бир қатор ўзгартиришлар киритиш заруратини юзага келтирган.

Олтинчи босқич – 2001 йилдан шу кунга қадар бўлган даврни ўз ичига қамраб олиб, унда “Прокуратура тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилиш, прокурорнинг ваколатларига бир қатор ўзгартиришлар киритиш билан характерланади.

2001 йил 29 августда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинган, унда фуқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар кўриладиганда прокурор қонунда белгиланган тартибда иштирок этиши қайд этилган. Прокурор судларда жиноят

37 Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Судларда жиноий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш ишини такомиллаштириш ҳақида”ги 12.11.1998 й. 7-сонли буйруғи.

38 Макарова З. Состязательность нужна, по какой? Законность, 1999. №3. – С 24-27.

39 Пўлатов.Б.Х Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. – Т.2004 й. 6-42.

40 Абдумажидов Г. Развитие законодательства о расследовании преступлений. Т., 1974., – С 83.

41 Ўзбекистон Республикаси ЖПК [электрон кутубхона], қаралган вақти 18.03.2020 й. Lex.uz.

42 УПК Узбекской ССР: С изм. И доп. На 1 августа 1991 г.: Принят II сессией Верховного Совета Узбекской ССР пятого созыва. 21.05.1959 г. – Т.: Узбекистон, 1991 й. Ст. 113.

43 Ўша жойда. – Т.: Ўзбекистон, 1991 й. 227-модда.

44 Ўша жойда. – Т.: Адолат, 1995 й. 409-модда. 2020 йил 22 ноябрь ҳолатига.

ишлари кўрилатганда давлат айбловини қувватлайди. Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдиради. Ишлар судларда кўрилатганда иштирок этаётган прокурорнинг ваколатлари процессуал қонунлар билан белгиланади (33-м).

Шу билан бирга, эски таҳрирдаги қонундан суд қарорлари қонунийлиги ва асослигини текшириш мажбурият сифатида белгиланган бўлса (36-37-моддалар), ундан фарқли равишда амалдаги қонунда прокурор процессуал қонунда белгиланган тартибда ўз ваколатлари доирасида суднинг ҳукми, ажрими ва қарорига протест келтириш ҳуқуқи берилган (35-м).

Шу асосда ЖПКга ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Эски таҳрирдаги 2004 йил 11 майдаги “Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 21-сонли соҳавий буйруқда прокурор айрим тоифадаги ишлар кўрилишида иштирокини қатъий таъминлаш белгиланган.

Кейинчалик ЖПКнинг 439-моддасига ўзгартириш киритилиб, суд терговида айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланиши ҳақидаги қоида киритилди<sup>45</sup>. Бу эса, биринчи инстанция судида барча тоифадаги ишларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш лозимлиги ҳақидаги қоидани келтириб чиқарди.

Ушбу масала амалиётда бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор иштирокини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш имконияти мавжуд эмас. Чунки вилоят ва унга тенглаштирилган ҳудудларнинг туман (шаҳар)ларида асосан бир нечта соҳавий йўналиш бир нафар ходимга юклатилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-664-сон қонуни билан ЖПКнинг 409-моддаси тўртинчи қисмига ўзгартириш ва қўшимча киритилиб, прокурорнинг

айбловдан воз кечиши суд томонидан жиноят ишини реабилитация асосларига кўра тугатишга сабаб бўлиши белгиланди.

Бу эса фикримизча, бироз мунозарали бўлиб, жабрланувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари назардан четда қолган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ишлари бўйича судда прокурор иштирокининг ўз тарихи ва ривожланиш тенденциялари мавжуд бўлиб, ҳар бир босқич ўзига хос мақсади, вазифаси ва функцияларига эга. Ушбу босқичларни ўрганиш ва уларни қиёсий таҳлил қилиш амалдаги ҳуқуқий асосларни такомиллаштиришга замин бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, дастлабки 1923, 1926 ва 1929 йиллардаги кодексларда биринчи инстанция судида иштирок этаётган прокурорга “айбловчи”, кейинчалик 1959 йилдаги кодексда эса “давлат айбловчиси” процессуал мақоми берилган. Бу мақомнинг берилиши прокурорнинг суд устидан назорат қилиш функцияси билан боғлиқ бўлган.

Фикримизча, амалдаги ЖПКда назарда тутилган судда иштирок этаётган прокурорнинг “давлат айбловчиси” процессуал мақомини бугунги кундаги унинг вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб ўзгартириш, ягона “прокурор” тушунчаси қўлланилиши лозим. Бу эса, унинг айбловнинг қонуний ва асослигини жиноят иши ҳужжатларидан келиб чиқиб асослаш, давлат органи вакили сифатида қонуннинг тўғри қўлланилишини, ишнинг адолатли ҳал этилиши юзасидан ўз муносабатини билдириш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳимояга муҳтож, ночор, ожиз аҳволдаги шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, айблов ўз тасдиғини топмаса, уни ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш ваколатларига монанд келади.

Шу билан бирга, судда иштирок этаётган прокурорнинг ҳуқуқий мақоми ҳар даврда турли бўлса-да, бироқ бугунги кунда унга “давлат айбловчиси” процессуал мақомини “прокурор”га ўзгартириш ҳақида таклиф киритиш лозим.

#

## «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

- мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

- матн такрорларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

- келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

- мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

- матн ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши;

- матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

- мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

- мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

- мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган;

- ўзбек, рус ва инглиз тилидаги қисқа аннотация ҳамда таянч сўзлар бўлиши лозим.



### На статьи, публикуемые в журнале, распространяются следующие требования:

– обзор общих политических, общественно-политических, правовых и практических вопросов темы, а также систематический анализ работы, проделанной в этих областях, новых теоретических и практических выводов, предложений и рекомендаций;

– постановка проблем, полнота теоретических и методологических аспектов материала, достоверность предоставленной информации, обоснованность проблемы, выводов, предложений и рекомендаций;

– логическое, последовательное, точное и лаконичное изложение идей, предложений и рекомендаций;

– отсутствие информации, не подлежащей публикации в открытой печати.

Статьи публикуются на узбекском, русском и английском языках.

Текст набирается на компьютере, шрифт «Times New Roman», размер шрифта 14 пт, межстрочный интервал 1.5, общий размер не более 8-10 страниц, напечатан на одной стороне стандартного формата бумаги А4, поля слева 3 сантиметра, справа 1,5 сантиметров, сверху и снизу 2 сантиметра;

– научные дискуссии, цитаты (ссылки) на использованные источники, цитаты, написанные шрифтом 12 пт, в однострочном интервале.

Первая страница статьи должна содержать следующую информацию:

– имя, фамилия и отчество (полное) автора (ов), место работы и должность, ученая степень и звание, почетное звание, номер телефона (сотового), адрес электронной почты;

– краткая аннотация и ключевые слова на узбекском, английском и русском языках.

Статья не будет принята к рассмотрению и публикации в следующих случаях:

– статья не соответствует вышеуказанным требованиям;

– наличие отрицательных рецензий;

– в случае принятия на заседаниях редколлегии решение не публиковать научную статью;

– если выявлено научное мнение другого автора, выводы и взгляды (плагиат).

Авторы и рецензенты несут ответственность за содержание представленных статей и достоверность фактов. Рукописи не рассматриваются и не возвращаются.

